



РАХИМОВА ШАХНОЗА АНВАРОВНА



ИЖТИМОЙ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ МАДАНИЯТИ



37
P29

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВА ШАХНОЗА АНВАРОВНА

**ИЖТИМОЙ ТИЗИМНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ
МАДАНИЯТИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Тошкент –2022

УЎК: 657.14.968.
КБК: 32.965 (Ўзб)
Р 12

Рахимова Ш.А. Ижтимоий тизимни модернизациялаштириш жараёнида ахборот алмашинуви маданияти: Монография.— Тошкент: FAN ZIYOSI, 2022.-143 б.

ISBN 978-9943-7474-0-1

Монографияда ахборотлашган жамиятда ёшларнинг ахборот олиш кўникмаси, ахборот алмашинуви маданияти ва ахборот саводхонлиги хусусиятларини тадқиқ этилиб, унинг назарий ва амалий асослари муҳокама қилинган. Ахборот алмашинувининг тадқиқот объекти бўлган ахборот алмашинуви жараёнларининг хусусиятлари, унинг мулоқот ва коммуникация каби категориялар билан алоқадорликлари илмий таҳлил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшларида ахборот алмашинуви маданиятини ривожлантириш истиқболлари эмпирик социологик тадқиқотларга асосланиб ёритилган. Бундан ташқари, ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, таълим тизимида таҳсил олаётган талаба ёшларнинг ахборотга бўлган талаби, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган кутубхоналардан, жaxonнинг етакчи компаниялари ва нашриётларининг илмий-таълимий электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда ахборот алмашинуви жараёнларининг самарали ташкил қилинганлик ҳолати таҳлил қилган. Ушбу монография ахборот кутубхона соҳасида илмий изланиш олиб бораётган мутахассислар ҳамда мазкур йуналишдаги олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура босқичи талабаларига тавсия этилади.

УЎК: 657.14.968.
КБК: 32.965 (Ўзб)

Такризчилар:

- Туленова Г.Ж.** — Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, ф.ф.доктори
- Хусанова Х.Т.** — Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети “Социология” кафедраси доценти, социология фанлари номзоди;

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий-техник кенгашининг 2022 йил 26 январдаги 1-22 сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7474-0-1

© Ш.А.Рахимова, 2022

КИРИШ

Дунёда янги шаклдаги ахборот маконининг пайдо бўлиши ва компьютер технологияларининг юқори суръатда тараққий этиши оқибатида кишилар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёнининг янги босқичга кўтарилиши инсоният тафаккурида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Ўзаро ахборот алмашишнинг чексиз кенгайиши, ижтимоий-маданий интеграциялашувнинг чуқурлашиши ва жадаллашиши эса ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашувида ўзига хос мураккабликлар туғдирмоқда.

Жаҳонда ижтимоий тизимни модернизациялаштириш жараёнида «ахборот алмашинуви маданияти», «ахборот кибер макони», «ижтимоий тармоқлар», «ахборотлашган жамият», «ахборот маданияти», «ахборот саводхонлиги», «мулоқот», «коммуникация», «оммавий коммуникация», «оммавий ахборот воситалари» каби тушунча ва категориялар социологик тадқиқотларнинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда. Глобаллашиб бораётган замонавий жамиятда ахборот инсон тафаккурига турли йўналишларда ва воситаларда таъсир этувчи, инсониятнинг ҳаёти ҳамда тақдирини ўзгартириб юбориш имкониятига эга эканлиги, ижобий ёки салбий моҳият касб этувчи кудратли воситага айланганлиги унинг социомаданий жиҳатларини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг негизида ёшларнинг социал муҳит шарт-шароитларига ижтимоийлашувдаги хусусиятлар трансформациялашган жамият ва унинг оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараёнда ёшларнинг ахборот олиш маданияти ва ахборот алмашинув маданиятининг социологик нуқтаи назардан илмий таҳлил қилиниш зарурати юзага келди. Интернет тармоғи ва ахборот технологиялари имкониятларидан ҳамма вақт ҳам унумли фойдалана олмаслик, баъзи ҳолатларда мавжуд ахборот оқимига нисбатан мафкуравий иммунитетнинг етишмаслиги уларнинг технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви қийин кечаётганидан далолат беради. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Ҳозир бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар Интернет маконига кириб, мослашиб олган. Мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада аввало Ватан манфаатини ўйлаб иш

тутиши зарур»¹. – деган талаблари ижтимоий тизим модернизациялаштирилаётган hozirgi даврда ахборот алмашинуви жараёнини прогнозлаш ва тартибга солиш ўта долзарб вазифа эканини кўрсатади.

XXI аср дунё цивилизациясида жамиятнинг глобал ва ахборот хусусиятларининг устун келиши билан тавсифланади. Миллий сиёсатлар ва иқтисодиётларнинг яқинлашуви ва бир-бири билан ўзаро боғланиб бориши борган сари глобал миқёсни олмоқда, шу билан бирга бу жараёнлар ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) кескин ривожланиши ва АКТни интеграциялашаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олмоқда. Замонавий ахборот коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланмоқда, уни жорий қилиш масаласи мамлакат стратегик вазифасининг устувор йўналишига айланмоқда. Ахборот, ахборот айланиши, ахборотлашув, ахборот хуружи, ахборот ҳавфсизлиги, ахборот алмашинуви каби сўзлар эса кундалик ҳаётда тобора кўпроқ учрамоқда.

Ахборот алмашинуви муаммосининг пайдо бўлиши жаҳон илмий-техникавий тараққиётининг хусусиятларидан бири бўлмиш глобал ахборот инқилоби билан боғлиқдир. Глобал ахборот инқилоби натижасида деярли барча ерда янги ахборот технологиялари ва глобал коммуникация воситалари шиддатли равишда ёйилиб бормоқда, халқаро ҳамжамиятнинг глобал ахборот макони, ёки глобал ахборот муҳити шаклланиб бормоқда. Аммо, шу билан бирга ахборот инқилоби ютуқларини нафақат ижобий мақсадларда, балки бошқа, яъни бир давлатни бошқа давлат устидан халқаро миқёсда устунлик ва ҳукмронлик қилишга бўлган ҳаракатларида, унинг ички ишларига аралашинишга қаратилган ҳаракатлари мақсадларида ҳам ишлатиш мумкин. Бунинг натижасида, ҳозирда умуман янги бўлган, ҳам алоҳида давлат ҳавфсизлиги манфаатларига ҳам минтақавий ва глобал миқёсда умумий халқаро ҳавфсизлик манфаатларига таъсир кўрсатувчи халқаро зиддият соҳаси вужудга келмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот муҳити, ахборот алмашинуви билан боғлиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан./https://uza.uz/ru/posts

муаммолар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида», 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сон «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, шунингдек, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ 444-сон «Болаларни уларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Монографиянинг биринчи боби “Ахборот алмашинуви маданиятининг назарий-методологик асослари” деб номланган бўлиб, ижтимоий тизимни модернизациялаш бобидаги илмий қарашлар ва ахборот маданиятида ахборот алмашинуви механизмлари тадқиқ этилган. Ушбу бобда «тизим», «ижтимоий тизим», «модернизация», «тизимли ёндашув» тушунчалари, таърифлари, мазмуни, шунингдек социолог олимларнинг ушбу тушунчаларга берган илмий, методик хулосалари таҳлил қилинган.

Биринчи бобнинг “Ахборот маданиятида ахборот алмашинуви механизмлари” деб номланган иккинчи фаслида ахборот, ахборот алмашинуви, ахборот алмашинуви жараёнларининг хусусиятлари тавсифи келтирилади. Тадқиқот объекти бўлган «ахборот алмашинуви» тушунчаси, унинг «мулоқот» ва «коммуникация» каби категориялар билан алоқадорликлари ўрганиб чиқилган. Биринчи бобда жамиятдаги мавжуд барча тизимлар ва тизимости тузилмаларнинг универсал элементи инсон, шахс эканлиги, шахсларнинг ўзаро муносабатларидан ижтимоий тузилма ҳосил бўлиши ҳақидаги ўз хулосасини беради.

Монографиянинг **“Жамиятнинг модернизациялашуви жараёнида ахборот белгилловчи ижтимоий омил сифатида”** деб номланган иккинчи бобида ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинувининг хусусиятлари ва жамиятнинг модернизациялашувида ахборот алмашинувининг регулятив функциясининг таҳлили келтирилган.

Бобнинг «Ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинувининг хусусиятлари» деб номланган биринчи фаслида «ахборотлашган жамият» тушунчасига нисбатан мумтоз социологлар Э.Тоффлер, Й.Масуда, Ю.Хаяши, Ю. Хабермас, М.Кастелсларнинг илмий талқинлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, ушбу фаслда ахборотлашган жамият, уни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланган россиялик: И.Мелюхин, Д.Иванов, С.Зуев, В.Емелин, П.Арефьев, И.Алексеева, Р.Цвилевлар ва ўзбекистонлик А.Н.Арипов, О.Абдуазимов, М.Ёқубова ва бошқаларнинг ишларидаги нуқтаи назар ҳамда ёндашувлар, илмий талқинлар тадрижий-қиёсий ўрганиб чиқилган.

“Жамиятнинг модернизациялашувида ахборот алмашинувининг регулятив функциялари” деган иккинчи фаслда мулоқотнинг регулятив функцияси ва ахборот алмашинувининг микро, мезо, макро даражалари аниқланиб, унинг шахс ва жамият ривожланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилиши асосланган.

“Ўзбекистон ёшларида ахборот алмашинуви маданиятини ривожлантириш истиқболлари” деб номланган учинчи боб эмпирик социологик тадқиқотларга асосланади. Унда олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва кутубхоначи ходимлар ўртасида ахборот алмашинуви маданияти қай даражада шаклланганлик ҳолати тадқиқ этилган. “Ахборот омилини англашнинг социологик таҳлили” деб номланган фаслида

Республиканинг олтига худуди таҳсил олаётган талаба ёшлар, ишлаётган профессор-ўқитувчилар ва шу таълим тизимидаги ахборот-ресурс марказида фаолият юритаётган кутубхоначилар ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларга бағишланган.

Ушбу бобда ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратган, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, таълим тизимида таҳсил олаётган талаба ёшларнинг ахборотга бўлган талаби, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган кутубхоналардан, жаҳоннинг етакчи компаниялари ва нашриётларининг илмий таълимий электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда ахборот алмашинуви жараёнларининг самарали ташкил қилинганлик ҳолатини чуқур таҳлил қилган

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ижтимоий тизимининг модернизациялаш тенденциясини, қонуниятларини, тамойилларини ҳамда ахборот алмашинуви маданиятига таъсири комплекс-системали, структуравий-функционал илмий таҳлил қилиш натижалари социология фанини янада ривожлантиришга, янги фикр, ёндашувлар ва хулосалар билан бойитишга хизмат қилади.

Ї БОБ. АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ МАДАНИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1–§. Ижтимоий тизимни модернизациялашнинг илмий назариялари таҳлили

Жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий ҳаёт, фан, санъат ва бошқалар йирик ижтимоий тизимларнинг таркибий элементлари саналади. Ижтимоий тизим бу мураккаб ички тузилишга эга яхлит ва узвий алоқадорликдаги ахборот алмашинуви асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар яхлитлигидан таркиб топади.

«Тизим» сўзи юнонча «systema», яъни ҳар бири алоҳида элемент сифатида амал қилиши мумкин бўлган қисмлардан тузилган ҳамда бирга ҳаракатланувчи яхлитликни англатади. Шу боис тизим – бу бир-бири билан узвий муносабатда бўлган, ўзаро алоқадор элементларнинг бир бутун йиғиндисидир².

Тизимнинг моҳияти хусусида антик даврдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар кўплаб қарашлар илгари суриб келинган. Илм-фанда тизимли ёндашув борасидаги кенг кўламли мунозаралар, ХХ асрнинг иккинчи чорагидан бошланган ёндашувлар, айниқса, эътиборга лойиқ. Хусусан, ХХ асрнинг 40-йилларида австриялик биолог ва файласуф Людвиг фон Барталанфининг (1901–1972й) «тизимли ҳаракат» назарияси шаклланди³. Олим турли илмий қарашлари асосида «тизимлар умумий назарияси»ни яратишга интилди. Рус мутахассиси В.Дорофеев бу хусусда фикр билдириб: «ХХ асрнинг 40-йилларида таниқли биолог Людвиг фон Барталанфи тизимли ёндашувни инсонлар томонидан ташқи дунёни идрок қилиш жараёнини англашда энг қулай восита эканлигини исботлади. Зеро, Барталанфи томонидан асосланган тизимли ёндашув инсон томонидан бутун атроф-муҳит, ташқи дунё билан узлуксиз алоқани ҳис қилиш воситаси сифатида намоён бўлди».⁴

Воқеликка тизимли ёндашув усули нафақат табиий, балки ижтимоий фанларни, хусусан, социологияни ҳам қамраб олди. Зотан, социология– мустақил фан сифатида пайдо бўлгандан буён

²Людвиг фон Барталанфи. Общая теория систем — критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. — М.: Прогресс, 1969. — С.23–82.

³Людвиг фон Барталанфи. Системный подход. —М.:Прогресс Традиция, 2004. — С.154

⁴Ўша жойда

жамият ва унда содир бўлаётган ижтимоий жараён ва ҳодисалар моҳиятини теран англашга интилувчи позитив фандир. Шу боисдан ҳар бир жараён ёки воқелик позитив моҳият изловчи социология учун ҳам тизимли ёндашув энг мақбул усулдир. Зеро, ҳаётдаги барча жараёнларни англаш, жамиятни яхлит организм сифатида тушуниш учун ҳам ўз-ўзини ривожлантирадиган, унинг аъзоларини ўзаро мувозанатда ва алоқадорликда сақлаб туриш салоҳиятига эга бир бутун тизим моҳиятини ифода этади. Бундай бир бутунлик эса айнан тизимли ёндашув сифатида майдонга келди.

Ташқи дунёни идрок қилиш жараёнида кишиларнинг ўзаро муносабати ёки муносабатсизлиги ахборот алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Демак, тизимли ёндашувнинг асосида кишилараро социал коммуникациянинг бош элементи бўлган ўзаро ахборот алмашинуви жараёни ётади.

Француз социологи ва файласуфи Э.Дюркгейм⁵ тизимнинг ижтимоий моҳиятига аниқлик киритиш мақсадида социал хатти-ҳаракат ҳодисасига ва унинг сабабий эҳтиёжларига эътибор қаратган. Ушбу назариянинг янада ривожланишига замонавий назарий социология асосчиларидан Т.Парсонс⁶ ва америкалик социолог Н.Смелзер⁷лар катта ҳисса қўшишган. Хусусан, Т.Парсонс Э.Дюркгейм концепциясини ривожлантириб, «Ижтимоий тизимларнинг тузилмани дифференциацияси эволюцион хусусият касб этиши» ҳамда «ижтимоий тизимда хатти-ҳаракатлар координациясини»⁸ни асослаб беради.

Т.Парсонснинг муҳим хизмати шундаки у социология фанига «ижтимоий тизим» тушунчасини киритиб, ўзининг 1937 йилда яратган «Социал хатти-ҳаракат структураси» китобида хатти-ҳаракатлар белгиси сифатида қўлланилди. Ўшандан буён ижтимоий тизимлар назарияси умумий социологиянинг янги тармоғи сифатида ривожланиб борди. Т.Парсонснинг фикрича, «Ҳар қандай мавжудлик тизимли фаолият асосида барқарор ижтимоий тузилмани ҳосил қилади»⁹. Олимнинг 1951 йилда яратилган «Ижтимоий тизимлар» асарида «тузилма» ва «тизим» бир-бирини тўлдирувчи ҳамда бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган

⁵Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – М.:1991. –С.14.

⁶Парсонс Т. О структуре социального действия. – М.: Академический проект, 2002. –С.23.

⁷Смелзер Н.Дж. Социология. – М.: 2004. – С.45

⁸ Парсонс Т.О. О структуре социального действия. – М.: Академический проект, 2002. –С.56.

⁹Добренсков В.И., Кравченко А.И. История зарубежной социологии. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 294 с.

тушунчалар сифатида таърифланади¹⁰. Бу тушунчалар инсон ва жамият ижтимоий ҳаётининг асосий икки устқурмаси, яъни муайян шакл ва ўзгарувчан мазмун бирлигини ифода этади. Ўзгарувчан мазмун компонентларидан бири – ижтимоий тизим аъзолари ўртасидаги ўзаро коммуникацияга асосланган ахборот алмашинуви жараёнидир. Шу боис Т.Парсонснинг фикрича, тизим уни шакллантирувчи акторларнинг алоқалари доирасига айланиши ва мустақил ҳолда ривожланиб бориши мумкин¹¹.

Т.Парсонс жамиятнинг тараққиётини таъминлашда 4 та элементни: биологик организм, ижтимоий организм (тизим нуқтаи назаридан), шахс ва маданиятнинг ролини алоҳида ажратиб кўрсатади¹². Уларнинг бир-бири билан функционал боғлиқликда ҳаракатланиши эса, жамиятнинг мажудлигини таъминлайди. Ушбу тўрт элемент ичида шахс ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у ўз талаб ва эҳтиёжлари, қадриятли мўлжаллари боис, индивидуал хулқ-атворни намоён этади ва шу орқали тизимнинг тартибли ёки тартибсиз ҳаракатланишига сабаб бўлади. Тизимнинг афзаллиги шундаки, жамиятда содир бўлаётган жараёнлар социал воқеликни тартибга солиб туриши орқали барқарорликни таъминлаб, турли социал институтларнинг шаклланишига ҳам туртки беради. Шу тариқа, жамиятнинг ҳар бир элементи ижтимоий тизимнинг таркибий қисмига айланади.

Тизимли ёндашув – билиш жараёнининг универсал воситаси сифатида замонавий мураккаб динамик жараёнларни бир бутунликда англашда тенги йўқ методдир. 1972 йилдаёқ файласуфларнинг : «Ўрганилаётган объектларга тизимли ёндашув ҳозирги вақтда умумилмий тамойил мақомига эга бўлиб бормокда; барча махсус фанлар уларнинг ривожланганлик даражаси ва ички эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ёндашувдан фойдаланади»¹³, – деб таъкидланганлиги ушбу ёндашувнинг илм-фан дунёсида оммалашаётганлигининг белгиси эди.

Тузилмали функционализмнинг европача мактаби вакилларида Г.Спенсер, Б.Малиновский, А.Радклифф-Браун ижтимоий тизимларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, тизимнинг

¹⁰ Парсонс Т. Структура социального действия / Парсонс Т. О структуре социального действия. – М.: Академический проект, 2000. – 99 с.

¹¹ Парсонс Т. Социальные системы // Вопросы социальной теории. 2008. – Т. 2. Вып. 1(2). – С. 42.

¹² Парсонс Т. Структура социального действия / Парсонс Т. О структуре социального действия. – М.: Академический проект, 2000. – С. 23.

¹³ Тюхтин В. С. Системные связи правовой действительности: методология и теория. – СПб.: 1991. – С. 56

самарали функционаллигини таъминлашдаги муаммолар, тизим доирасида содир бўлаётган ижтимоий ўзаро алоқа ва муносабатларнинг хусусиятлари каби муаммоларни алоҳида ўрганишган. Хусусан, Г.Спенсер жамиятни биологик организмга ўхшатар экан, унинг алоҳида қисмлари (таълим, давлат ва бошқалар)ни тирик организмнинг тана қисмлари (юрак, асаб тизими ва бошқалар) билан солиштиради ва уларнинг ҳар бири яхлит бир бутунликни ташкил этишини исботлайди. Спенсер биологик организмлар каби, жамиятнинг энг оддий шакллари ҳам мураккаб бўлақлардан иборат¹⁴, деб эътироф этади.

Б.Малиновский ва А.Р.Радклифф-Браунлар «тузилма» ва «функция» тушунчаларининг контент асосларини яратадилар. Бунда муаллифлар «функция» бевосита динамикани англатиши, динамика эса ўз ўрнида тизим эканлиги уқтирилади¹⁵. Зеро, жамият яхлит тизим сифатида, унинг таркибий қисмлари бир-бири билан яхлитликни ҳосил қилувчи алоқалар ўрнатишини талаб этади. Шу боис, Радклифф-Браун ушбу назарияни турли жамиятлар таҳлилида қўллаган олимлардан бири бўлди.

Социология профессори Х.Абельс тизимнинг таркибий элементларини ўрганар экан, элементларни қуйидагича тавсифлайди:

- таркибий элементларнинг тузилмавий алоқаси;
- мақсадга йўналтирилгани;
- таркибий қисмларнинг яхлитликка бўйсундирилгани;
- узоқ муддатли барқарор ва мувозанатланган воқелик;
- атроф-муҳитдаги ўзгарувчанлик ва алоқадорлик каби хусусиятларнинг йиғиндисидир¹⁶, деб изоҳлайди. Дарҳақиқат, тизим ўзаро алоқадорликда бўлган бирликларнинг йиғиндиси сифатида уларнинг биргаликда амал қилишидаги мутаносиблигини таъминлайди.

Демак, ижтимоий тизимларга оид дискурслар ижтимоий-гуманитар фанларнинг фундаментал назарияларидан бўлиб, бир томондан, шахслар, кичик гуруҳлар, турли жамоалар ўртасидаги ахборот алмашинуви, алоқалар ва муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида қабул қилинса, иккинчи томондан, уларни илмий ўрганиш усули сифатида ҳам намоён бўлади. Демак, М.

¹⁴Спенсер Г. Основания социологии. Пер. с англ. – Ч.1-2 СПб., 1899.-С.34.

¹⁵История социологии в Западной Европе и в США. Под ред. Осипов Г. – М.: НОРМА-Инфра, 2001.– 320 с.

¹⁶Абельс Х. Проблема социального порядка в социологии [www.soc.pu.ru: 8101/publications/ pts/ abels. html]

Леске, Г. Редлов, Г.Штилерлар таъбири билан айтаганда, «ижтимоий тизим – бу коммуникациялар мажмуаси»дир¹⁷.

Кейинчалик ушбу назария Р.Мертон томонидан ҳам ривожлантирилиб, жамиятда юз берувчи турли динамик жараёнларнинг йиғиндиси ва кўп сонли элементларнинг тартибли мажмуидан иборат яхлит тизим эканлигига асосланади. Юқорида қайд этилган олимлар жамият ҳақидаги ҳар қандай маълумотни ижтимоий тизимнинг функционаллик ёки носозлиги нуқтаи назаридан талқин қилиш мумкинлиги масаласида яқдил эканлиги аниқланади. Натижада, мазкур яқдиллик XX асрнинг 50-йилларида социологиядаги йирик мактаблардан бири бўлган–тузилмали функционализм йўналишининг вужудга келишига асос бўлди.

Замонавий босқичда немис социологи Н.Луман «ижтимоий тизим» тушунчасига берилган таърифларни янада такомиллаштирди ва ижтимоий тизим умумий назарияси ва тизимли таҳлил методикаси модернизациясига ҳисса қўшди. Унинг асосий назарий фикрлари «Ижтимоий тизимлар: умумий назария» (1984)¹⁸ ва «Жамиятнинг жамияти» (1997)¹⁹каби асарларида ўз аксини топди.

Н.Луманнинг фикрига кўра, тизимни чексиз мураккаб ҳодисалар қамраб олиб, тизимларнинг мавжудлиги, элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, бошқа тизимларнинг таъсири фаолиятнинг ўзгарувчанлигига асосий сабабдир²⁰. Луман тизимдаги тизим ости элементлар ўртасидаги алоқадорликни мураккаб механизм сифатида кўриб, алоқадорлик ҳақиқий танлов, шартли танлов, мажбурий танлов тарздаги механизм орқали амалга оширилиши мумкин дея қайд этади. Тизим мураккаблиklarини элементларни янгилаш орқали бартараф ёки камайтириш этиш мумкин, деб изоҳлайди.²¹ Тизим структурасининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги маълум ҳодисанинг барча элементларга таъсири ва шу асосда юз берадиган жараёнлар тизим фаолиятининг асосий мазмунини ташкил қилади.

¹⁷Леске М., Редлов Г., Штилер Г. Почему имеет смысл спорить о понятиях. Пер.с нем. – М., 1987.

¹⁸Қаранг: Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории. Пер с нем / И.Д.Газнева, под ред. Н.А.Головина. – СПб:Наука, 1984. – 630с.

¹⁹Қаранг: Луман.Н. Общество общества Т.1 Общество как социальная система. – Пер с нем/ А.Антановский, Т.2 Медиа коммуникация Пер с нем/ А.Глухов, О.Нижифоров, Т.3 Эволюция Пер с нем/ А.Антановский. – М.: Изд. Логос, 1997. – 640с.

²⁰Афанасьев В.Г. Система и общество. – М., 1980. – 48 с.

²¹Назарчук А.В. Общество как коммуникация в трудах Никласа Лумана // Вопросы философии. 2006. №6. – С.160-161.

Шундай қилиб, социология фанида тизим категорияси таҳлилининг ривожланиши куйидаги 3 босқичда кечди:

биринчи босқичда жамият табиатшунослик нуқтаи назаридан бир хиллиги, ўхшашлиги ёки ҳатто биологик организмга тенг эканлиги билан ажралиб турган. Жамият тирик организм каби бир-бирига боғлиқ ва ўзаро алоқадор қисмлардан ташкил топганлигини эътиборга олиш зарур. Бунда социология фанининг вазифаси – ушбу ўзаро боғлиқликни ўрганишдан иборат. Ушбу босқичда социологлар тизим нафақат ёпиқ ва шунинг учун энтропик, яъни фарқларнинг йўқолишига мойил, балки очиқ, яъни заиф ихоталанган, деган хулосага келинган;

иккинчи босқичда «tizim» тушунчаси, асосан, бир-бири билан ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган мураккаб объектларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи абстракция сифатида тавсифланди. Вазифалар қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишдан, турли ва кичик тизимларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилди. Шу билан бирга, тизимли ёндашувни такомиллаштириш тизим чегаралари ва фавқулодда хусусиятларга доир муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тизим нафақат элементлар ва улар ўртасидаги алоқалар тўплами, балки фавқулодда хусусиятларга эга элементлар ва улар ўртасидаги алоқалар фаол амал қилувчи ҳамда янгилашиб турувчи ички бирликка эга яхлитликдир;

учинчи босқичда эса референт тизимлар назарияси шакллантирилди. Ушбу назарияга мувофиқ, тизим ташқи муҳитдан фарқланади ва у ўз чегараларини мустаҳкам тутди. Н.Луман фикрига кўра, жамият ўз-ўзини тикловчи ва ўзини ўзи англовчи шундай тизимнинг намунаси²². У доимо ўзини ташқи муҳитдан ажратиб туради. Бу эса унга ноёб «tizim» сифатида қаралишига асос бўлади. Бундай ижтимоий тизимнинг элементлари кишилар ва уларнинг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки ўзига хос яхлитликка эга коммуникациядир. Дунёда содир бўладиган ҳар қандай коммуникация жамиятга тегишли бўлиб, жамият айнан шундай коммуникация орқали аниқланади: коммуникациядан ташқарида эса, жамият йўқ. Бундай жамиятни Н.Луман «бутун дунёга хос жамият», деб атайди.

²²Луман, Н. Теория общества: сборник КАНОНпресс, Кучково пер. с нем., англ. под ред. А.Ф. Фялиппова.– М.,1999.–С.201.

Тизимнинг элементлари хатти-ҳаракатлар (ҳодисалар)га бўлинувчи коммуникациялар бўлгани учун, структура элементларнинг ўзаро муносабатлари бўлиши мумкин эмас. Ҳодисалар бир зумда содир бўлади: улар узоқ вақтга чўзилмайди. Шунинг учун ҳодисаларнинг бир-бирига муносабати тарзида намоён бўлган структура барқарор эмас. Ўзини ўзи яратувчи тизимнинг таркиби тизимдаги шартли равишда чекланган муносабатлардан иборат бўлади. Яъни структура тизим барқарорлиги омили эмас, балки унинг янгиланиши асосидаги мустаҳкамланиш омилига айланади. Тизимнинг элементлари доимо ўзгариб турадиган воқеалар қаторидан иборат бўлгани учун тизимнинг бўлиниши ҳам доимий ва узлуксиз жараёнدير.

Н.Луман ижтимоий тизимнинг бундай таърифи социологияда воқеликни тизимли ёндашув асосида ривожлантириш учун барча тўсиқларни бартараф этиши ва шу билан социал оламни тавсифлаш учун мантиқан мақбул бўлган ёндашувни яратиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Тизимлилик тамойили тизим ва уни ташкил этувчи қисмларнинг ўзаро боғлиқ хатти-ҳаракатлари, муайян қонуниятлар асосида амал қилувчи объектив воқелик жараёнлари, интеграл хусусиятлар мустаҳкам ички бирлик ва бутунликни пайдо қилади. Тизимли таҳлил эса куйидаги босқичларда амалга оширилади.²³

- а) объектни уни ташкил этувчи элементларга ажратиш;
- б) боғлиқлик иерархиясини аниқлаш;
- в) асосий омиларни (сабаб, функция, меъёр) таснифлаш;
- г) объектни моделлаштириш.

Тизимли таҳлил тизимли ёндашувни шакллантириб, жамиятдаги катта, яъни кўплик омилини ҳисобга олишни такозо этади.

Тизимли ёндашув, айтилиши мумкин, ҳар қандай тадқиқотнинг, хусусан, эмпирик социологик тадқиқотларнинг муҳим методологик тамойили бўлиб хизмат қилади. Тизимли таҳлилнинг мазмун-моҳияти, яъни мантиғи жараённинг ташқи, умумий, ички ўзига хосликларини ажратиш орқали назариядан эмпирик амалиётга қараб боришда намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда тизимли ёндашув муаммоларига эътибор катталигини ижтимоий амалиёт, катта тизимларни англаш ва

²³ Уемов А.И. Системный подход и общая теория систем. – М.: 1998. –С.56

ташқил этиш масалаларини ҳал қилувчи метод сифатида мос келиши билан тушунтириш мумкин. Бироқ фақат бу билангина эмас, тизимли ёндашув феномени, авваламбор, фан ривожланишидаги аниқ қонуниятни акс эттиради.

Фанда тизимли ёндашувнинг замонавий ролини аниқлаб беришнинг асосларидан бири маълумот миқдорининг жадал ўсиши – инфор­мацион портлаш эффект­ини юзага келтириши бўлди. Маълумот миқдорининг ўсиши ва уни ўзлаштириш имкониятларининг чегараланганлиги ўртасидаги зиддиятларни енгиб ўтишга билимнинг тизимли қайта ташқил этилиши ёрдамида эришиш мумкин²⁴.

Тизимли ёндашувнинг моҳияти ва бу методнинг самараси ҳақида рус файласуфи В.Сагатовский шундай ёзади: «Объектнинг ҳаммасидан кўра, сиғимли ва тежамли таърифи уни тизим сифатида фараз қилгандагина амалга ошади. Тизимли ёндашув асосида олинган маълумот 2 та тамойилга кўра муҳим хусусиятга эга: биринчидан, тадқиқотчига фақат зарур бўлган маълумот келиб тушади, иккинчидан, олдинга кўйилган муаммони ҳал қилиш учун етарли бўлган маълумотлар тўплан­ади. Тизимли ёндашувнинг ушбу хусусияти объектга нисбатан аниқ муносабатни, яъни объектга тизим сифатида қарашни тақозо этади»²⁵.

Тизимли ёндашув икки жиҳатга эга: билишга йўналтирилган (тавсифий) ва конструктив (тизимларни яратишда фойдаланиладиган). Бу жиҳатларнинг ҳар бири ўзининг амалга ошириш алгоритмига эга. Тавсифий ёндашувда тизимнинг ташқи хусусиятлари (унинг мақсадга мувофиқлиги шунингдек, мақсадга эришиш усули сифатидаги вазифалар) унинг ички тузилиши- таркиби ва структураси орқали тушунтирилади.

Демак, тизимли алоқалар тизимнинг элементлари бўлиб, тизимости тузилмалар миқдорига қараб, алоқалар миқдори ҳам ошиб боради. Бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган С.Давидовнинг таърифлашича: «Тизимости – тизим доирасидаги алоқалар даражаси ва шаклидан қатъи назар элементларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятининг натижасидир»²⁶. Тизимости барча элементлар асосий тизим доирасида унга сўзсиз бўйсундирилган ҳолда мавжуд бўлади. Шу сабабли тизимости элементларнинг таркибий

²⁴Қарағ: Уемов А.И. Системный подход и общая теория систем. – М.: 1998. – С.56.

²⁵Сагатовский В. Философские основания педагогической деятельности // Вестник высшей школы, 1987, № 1.

²⁶Давыдов С.А. Системный подход в социологии. М.: Ком Книга, 2005. – 328 с

қисмларини ўрганиш бутун тизим фаолияти моҳиятини ва ривожланиш қонуниятларини очиқ беришга кўмаклашади.

Натижада, тизимлар мавжудлигини таъминловчи тузилма тизимнинг таркибий қисмлари мантиқий кетма-кетлигини таъминлаб, бутунлик, яхлитликни ҳосил қилади. Ўз ўрнида, ижтимоий тизим ташкил этилган бутунлик сифатида таркибий қисмларнинг ёки тизимости элементларнинг узвий боғлиқлиги сифатида бир-бирини тўлдириб, уларнинг биридаги ўзгариш, сўзсиз, иккинчисига таъсир кўрсатади. Шу боис А.Хартман ижтимоий тизимларни «маълум чегараларга эга бўлган ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқ таркибий қисмлардан иборат бутунликдир»,²⁷ – деб изоҳлайди.

Бизнингча, ижтимоий тизимда элементлараро алоқа ва муносабатларнинг усуллари социологик нуқтан назардан индивиднинг ижтимоий тизим меъёрлари ва кадриятлари йиғиндисидан тутган ижтимоий мавқеи ва бажараётган ижтимоий роли йиғиндисидан ўз аксини топади. Бунда, ижтимоий тизимда элементлараро алоқа қуйидагиларда намоён бўлади:

- жамият яхлит тузилмаси элементлари орасидаги муқим алоқалар;

- бу алоқаларнинг доимийлиги, такрорий хусусиятга эгаллиги;

- тузилма таркибига кирувчи элементлар иерархияси;

- жамоавий бирликни кучайтириш тенденцияси;

- элементларнинг тартибли фаолияти;

- инсон омили моҳиятини очишга йўналганлиги;

- инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириш платформаси.

Ижтимоий тизимнинг таркиби, унинг дахлсизлигини таъминлайдиган қуйи тизимлар, таркибий қисмлар ва элементлар ўзаро боғланишининг бир усули ҳисобланади. Жамият ижтимоий тузилмасининг асосий элементлари: ижтимоий жамоалар, ижтимоий муассасалар, ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий ташкилотлардан иборат бўлган ижтимоий бирликлардир.

Шу асосда ижтимоий тизимга қуйидагича таъриф берамиз: ижтимоий тизим бу – барча алоҳида социал ва индивидуал элементларни ўзида намоён қилувчи, тартибга солинган бир бутунлик, яъни шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар, муассасалар мажмуасидир.(Р.Ш.)

²⁷ Калева Э. Введение в социологию. – СПб.: Алетейя, 1998. – 254 с.

Ушбу элементлар бир-бирига ўзаро барқарор алоқалар билан боғланган ва бутун шаклда ижтимоий тузилмани ташкил қилади. Жамият ўзининг жуда кўп қуйи тизимларидан ташкил топган умумий тизимдир ва ҳар бир қуйи тизимга ҳамда даражасида тизим бўлиб, унинг ҳам қуйи тизимларидан иборат бўлиши мумкин. Ҳар қандай тизим ижтимоий жиҳатдан икки нуқтаи назардан, биринчи навбатда, элементларининг функционал ўзаро муносабатлари, иккинчидан, тизим ва ташқи дунё – атроф-муҳит ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин.

Ҳар бир муассаса ва жамоа мураккаб, барқарор ва ўз-ўзини такрорлайдиган тизимлар кетма-кетлиги сифатида ифодаланиши мумкин. Ижтимоий гуруҳлар томонидан бажариладиган функциялардаги фарқлар, уларнинг мақсадларига эришиш жамиятда умумий тартибни қўллаб-қувватлайдиган ташкилотнинг тизимлилик даражасини талаб қилади.

Маълумки, ҳар қандай тизим – объект, мақсадга эришиш борасида зарур ва етарли бўлган вазифаларни амалга ошириш учун бир-бири билан мутаносиб тарзда жойлашган элементлар мажмуасидан иборат бўлади. Элемент – ички тизимнинг дастлабки бирлиги, функционал қисми бўлиб, унинг тизимни қуриш ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган хусусиятлари инobatга олинади.

Элементнинг элементарлиги эса ушбу тизим бўлиниш чегарасининг мавжудлигидир. Модомики, унинг ички тузилиши ушбу тизимда инobatга олинмаса, у фалсафада оддий деб таснифланадиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. Гарчи иерархик тизимларда элемент ҳам тизим сифатида кўрилиши мумкин. Қисман, элемент бирор нарсанинг объектга ички тегишлилигини кўрсатади, «элемент» доимо функционал бирликни англатади. Таркиб – тизим элементларини бошқа структурадан олинган бутун (зарур ва етарли) мажмуаси, яъни элементлар тўпламидир²⁸.

Ижтимоий тизимнинг бутунлиги ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг йўналишларини таъминлайди, натижада, индивидлар ва гуруҳларни ягона қуйи тизимларда бирлаштириб, социал жамоаларнинг ташқи структураси билан бирга, функцияларини ҳам аниқлаб беради.

²⁸ Качала В.В. Основы теории систем и системного анализа: учебное пособие для вузов. – М.: Горячая линия – Телеком, 2007. – 216 с.

Ноорганик ва органик тизимлардан фарқли равишда, ижтимоий тизимнинг таркибий элементларини социал бирликлар, масалан, индивидлар, ижтимоий гуруҳ ёки жамоалар ташкил этади.

Демак, ижтимоий тизимларнинг ўзига хос хусусияти — уларнинг инсон фаолияти маҳсули ва соҳаси эканлигидадир. Чунки замонавий жамият иерархиялашган мураккаб тизим бўлиб, ундаги функционал жараёнлар, социал-тузилмали муносабатлар трансформацияси шахс ва гуруҳларнинг социал мобиллиги, қадриятли мўлжаллари, иерархик тузилмадаги ўрнини белгилайди. Зеро, жамиятдаги мавжуд барча тизимлар ва тизимости тузилмаларнинг универсал элементи—индивиддир. Шу боис, конкрет шахсларнинг ўзаро муносабатларидан ижтимоий тузилма ҳосил бўлади.

Ижтимоий тизимни модернизациялаш ҳақида гап борар экан, ушбу тушунча («модернизация» — французча «moderne» сўздан олинган бўлиб, энг янги, замонавий, деган маънони англатади) бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш, деган мазмунни англатади. Модернизация бу «анъанавий» ёки «эски» тизимдан замонавий жамиятга ўтиш жараёни ҳисобланади. Социологик жиҳатдан модернизация ижтимоий ҳодиса сифатида рационализация жараёни билан боғланади. Агар бирор—бир жамиятда инсонлар мавқеи ошиб, жамиятнинг фундаментал асосини ташкил қилса, модернизация жараёни амалга ошади. Модернизация назариясига кўра, ҳар бир жамият анъанавийликдан замонавийликка ўта олади.

Аслида модернизация дастлаб, ижтимоий жараёнларни ўрганувчи атама сифатида намоён бўлган. Америкалик социолог олим Н.Смелзернинг фикрича, модернизация ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ўзгаришларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, жамиятдаги саноатлаштириш жараёнлари ҳамда фан-техника ютуқларининг самарали ўзлаштирилиши натижасида юзага келади.²⁹

«Модернизация» тушунчасининг синоними сифатида сиёсий, социал, иқтисодий назарияда замонавийлашиш, инновацион ўзгаришлар, ўтиш даврига хос ривожланиш атамаларини келтириш мумкин.

²⁹ N.Smelser. Sociology. New-Jersey. Prentice Hall. 1988.

Маънавий модернизация маданият ва қадрият тизимлари ҳамда қарашларни табақалаштириш, таълимни секуляризация қилиш, яъни дунёвийлаштириш орқали саводхонликни ошириш, турли дин оқимларининг мавжудлиги, бунда диний бағрикенглик ва толерантликни амалга ошириш, ахборот бериш ва тарқатиш воситаларини ривожлантириш, маданият ва санъат ютуқлари билан аҳолини таништириш, миллий менталитетга асосланган индивидуализм қадриятларини ёйишни назарда тутган. Бундан ташқари, модернизация илмий билимлар негизида онгни ривожлантириш ва баъзи анъанавий хулқ-атвордан воз кечишни ҳам тақозо этади. Масалан, Ш.Эйзенштадт, ҳатто, «янги маданий стереотипни ривожлантириш» бутун модернизация жараёнининг «ўзаги»ни ташкил этади³⁰, деб ҳисоблаган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида очиқ сиёсий тизим, эркин иқтисодиёт асосларининг яратилиши, умуман, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида чуқур янгиланиш жараёнлари барқарор амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, жамиятимизда модернизациянинг муваффақиятли амалга оширилиши боис, ижтимоий фанларда модернизация, модернизация назариялари ўрганилмоқда. Шунингдек, жамиятни замонавийлаштиришда қўлга киритилган ютуқлар мавжуд ижтимоий муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилганлигини билдирмайди. Шу боис бугунги кунда ўзбек миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва рақобатбардош давлатни шакллантириш борасида муҳим илмий-назарий масалалар мавжудлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бундай масалалардан бири – бу модернизация назариясини конструктив-танқидий ўрганиш, уларнинг ижтимоий-тарихий амалиётга мутаносиблиги ва адекватлиги масалаларини тизимли тадқиқ этишдан иборатдир.

Ўзбекистонда замонавий жамиятни барпо этиш, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий асосларининг ўрганилишида Қ.Назаров, А.Саидов, М.Бекмуродов, А.Жалолов, А.Қодиров, А.Зиёев, Н.Жўраев, С.Отамуродов, А.Холбеков, О.Абдуазимов, Т.Матибаев, Б.Омонов, И.Эргашев, Ф.А.Мусаев ва бошқа

³⁰Эйзенштадт Ш. Революция и преобразование обществ. Сравнительное изучение цивилизаций / Пер.с англ. А.В. Гордона под ред. Б.С. Ерсова. — М.: Аспект-Пресс, 1999. — С.67.

файласуф, социолог, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва тарихчилар асарлари алоҳида ўрин эгаллайди³¹.

Замонавий модернизация жараёнларининг мувафакқиятини таълим тизимини модернизация қилмасдан амалга оширилмайди. Зеро, ижтимоий субъектларнинг фаолияти замирида билим, яъни маънавият-маърифат ётади. Таълим–шахс, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор ижтимоий тараққиёт соҳаси, деб эътироф этилган. Таълим ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётида гуманитар, иқтисодий, маданий функцияларни бажаради ва инсон жамлаган илмий билимларни, кўникмаларни ўзлаштириш ва ижодий шахсни тарбиялаш вазифасини бажаради.

Таълимдаги модернизация серқирра жараён бўлиб, у тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатимиздаги ижтимоий ўзгаришларнинг таркибий қисми, мустабид тузум мафкуравий асоратларидан халос бўлиш жараёни ҳамдир. XXI асрда жаҳон ҳамжамияти таълимнинг аҳамиятини ҳамда жамиятда бажарувчи функцияларни қайта кўриб чиқа бошлади. Дастлаб, таълимни ислоҳ қилишга илмий техник инқилобнинг «ижтимоий натижалари»дан бири сифатида қаралиб, кейинчалик эса таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили ва муҳим шарти–жамият ижтимоий тузилмаларини шакллантириш, унда ижтимоий мақомларни тақсимлашнинг механизми сифатида эътироф этилди. Республикаимизда ҳам таълимни модернизация қилиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун (2020й), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2019й) қабул қилинди ва улар асосида таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий тизим модернизациясини биз таҳлил қилаётган кўринишлар билан чегаралаб бўлмайди. Чунки ижтимоий

³¹ Назаров Қ.Н. Гоғлар фалсафаси. – Тошкент, 2011; Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002; Бобоев Ҳ. Миллий давлатчилик ҳақида. – Тошкент, 1999; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент, 2007; Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998; Мусаев Ф.А. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Отамуротов С.О., Отамуротов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003; Холбеков А.Ж. Матибаев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014; Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Тошкент: Алоқачи, 2019; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2000; Жалолов А. Демократия–машаққатли суур. – Тошкент: Университет, 2004; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Тошкент: ТДҲИ, 2006.

воқеликнинг турли шароитларига мос равишда, замонавий жамият куришнинг асосини ташкил этувчи жиҳатларнинг у ёки бу шакли ўз моҳиятини, аҳамиятини кўпроқ намоён қилиши мумкин. «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш йўлини давом эттирамиз»³².

Ўзбекистонда жамият модернизацияси тамойиллари ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислоҳотлар билан ҳамоҳанг, уйғунликда, кишилар онгида ижтимоий ўзгаришларнинг объектив инъикоси сифатида вужудга келиши, аҳолининг мутлақ кўпчилиги учун зарур иқтисодий, маънавий талаб ва эҳтиёж тарзида намоён бўлади.

Демак, Ўзбекистондаги модернизация жараёнлари, мафкуравий курашлар ва ахборот босимлари кучайиб бораётган мураккаб глобаллашув даврида фуқароларимизнинг мазкур жараёнга масъулият билан онгли муносабатини шакллантириш, мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ва унга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга нисбатан фаол позициясини шакллантириш мафкуравий соҳадаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Жамият модернизацияси, ўз навбатида, ижтимоий борлиқнинг, яъни мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларнинг, моддий ва маданий ҳаёт, кишилар фаолиятининг инъикоси тарзида ўзига хос шаклланиш босқичларидан ўтади. Бу жараёнда ижтимоий онгнинг психологик ва мафкуравий шакллари уйғунлиги, уларнинг моҳияти ва мазмунидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Натижада, жамият аъзоларининг руҳияти, ижтимоий идеаллар, ижтимоий турмуш тарзи янгиланади, ўтмишдаги ижтимоий тизимлардан фарқ қилувчи ўзгача сиёсий, ҳуқуқий, моддий, диний ва мафкуравий қарашлар тизими, яъни ижтимоий тартиб шаклланади.

Зеро, ҳар қандай янги жамият мамлакат аҳолисининг аксарият қисми томонидан қўллаб-қувватланган ҳолатда шаклланиб, қарор топади ва ривожланади. Бу мураккаб вазифани ҳал қилишнинг асосий механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилишда мамлакатимиз танлаган йўл – Ўзбекистон Республикасини янада

³² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– Б.21.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз самарасини бермоқда.

1.2-§. Ахборот маданиятида ахборот алмашинуви механизмлари

XXI асрдаги тезкор, кенг қўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ахборот маконининг глобаллашуви, ҳаётнинг деярли барча соҳаларига, айниқса, инсон турмуш тарзига кириб бориб, жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади.

Даставвал, «ахборот» тушунчасининг мазмун-моҳияти, генезиси ва илмий талқинига тўхталиб ўтилган, унга кўра, «ахборот»³³ (арабча لاخبار – хабар, маълумот), замонавий фан ва техниканинг, фалсафа ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, бир субъектдан иккинчисига турли шакл (оғзаки, ёзма, электрон ва бошқа)ларда узатиладиган маълумотни англатади.

Кибернетика фанининг асосчиси Норберт Винер ахборотни жисмоний ўзгарувчи миқдор сифатида қабул қилишни биринчи бўлиб таклиф этган эди. Унингча, жонли табиат, жамият ва машиналардаги барча бошқарув ва алоқа жараёнлари ахборот узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари сифатида қаралади. Аммо бу жараёнда алоқанинг мазмуни ахборот қай шаклда (ёзма, оғзаки, турли тилларда, имо-ишора, шартли сигнал ва ҳоказолар билан) берилганига боғлиқ бўлмайди³⁴.

XXI аср – ахборот асри, дея эътироф этилди. Бунга асосий сабаб–ушбу асрга келиб, мисли кўрилмаган улкан ҳажмдаги ахборотни катта тезликда узатиш технологиялари пайдо бўлди. Бошқача айтганда, ахборот технологиялари соҳасида чинакам инқилоб содир бўлди. 1986 йилда Интернетнинг дунёда барқарор ўринга эга бўлиши³⁵ ахборот ва ахборотлаштириш борасидаги, қолаверса, бутун инсоният ҳаётида оламшумул воқеага айланди.

³³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.119–120.

³⁴Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001.–С.24.

³⁵Қарағ: Чернов А.А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы.– М.: Дашков и К,2003.–С.13.

Гарчи америкалик олим Р.Хартли «ахборот» тушунчасини техник алоқа каналлари бўйлаб тарқатилувчи маълумотларнинг миқдорий мезонини белгилаш учун 1928 йилда биринчи марта илмий муомалага киритган бўлса-да, бу атамага жиддий эътибор 1948 йилдангина қаратила бошлаган эди. XX асрнинг 60-йилларидаги кўп тадқиқотлар ахборотни қидириш муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, айти шу даврда ахборотни қидириш тизими ва усуллари яратилди³⁶. Кибернетиканинг ривожланиши ва ахборот назарияси фанининг майдонга келиши бу соҳанинг кенг миқёсда тараққий этишига олиб келди.

Тадқиқотчи Г.Гаффарованинг таъкидлашича, «охирги йилларда адабиётларда объектив борликда мавжуд ахборот модели ғояси муҳокама қилинмоқда. Хусусан, жонсиз табиатдаги ривожланиш масаласига ёндашув ундаги ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларига нисбатан қандай қўллаш мумкинлигига боғлиқ. Ушбу қарашларга мувофиқ, ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларида алоҳида ахборот тузилмалари – кодлар мавжуд»³⁷. Бу кодлар «тизим учун қимматли ахборотни қайд қилади, унинг таркибий қисми бўлиб майдонга чиқади ҳамда муҳит билан ўзаро алоқадорлиги ва унинг яхлит ҳолати сифатида қайта тикланишнинг йўллари аниқлайди»³⁸.

Замонавий ижтимоий фанлар вакиллари бу каби ахборот тузилмалари ва унинг вазифаларини ижтимоий тизимларга мувофиқ равишда тушунтирадилар. Бу–биологик организмларда генетик аппарат орқали, ижтимоий организмларда эса маданият орқали содир бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, «ахборот» тушунчаси узоқ тарихи ва кўп қиррали маъносига эга. Ижтимоий ҳаётда ахборот – инсонлар, фактлар, ҳодисалар ва бошқа жараёнлар ҳақидаги маълумотни англатади. «Ахборот» тушунчасига оид таҳлиллардан келиб чиқиб, ахборот жамият учун фақат мулоқот предмети эмас, балки инсонлар орасида мулоқотда ахборот алмашинувиغا таъсир кўрсатадиган омил, дея хулоса қилиш мумкин.

³⁶Қаранг: Хартли Р. Передача информации // Теория информации и её приложения. – М.: Гос. изд. физ.-мат. лит., 1959.

³⁷Гаффарова Г.Ф. Ахборот ва ахборотлаштириш жараёнларининг фалсафий-методологик муаммолари: фалс. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б.25.

³⁸Степин В.С. Саморазвивающиеся системы и постнеклассическая рациональность // Вопросы философии. – Москва, 2003. – №8. – С.12.

Энди тадқиқотимиз объектида бўлган «ахборот алмашинуви» тушунчаси, унинг «мулоқот» ва «коммуникация» каби категориялар билан алоқадорлигини таҳлил қилишга ўтамиз.

Дарҳақиқат, ахборот бу – хабар, маълумот. Аммо жамиятда ахборот алмашинувининг бутун механизмини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назаридан тушуниш учун «ахборот»нинг бундай талқини етарли эмас. Шу боис, ахборотнинг барча умумий хусусиятлари, ахборот алмашинуви жараёнининг ҳодиса сифатидаги моҳиятини тадқиқ этиш мақсадида ҳар қандай жараён учун типик бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунинг 3-моддасида ахборот бу – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар дея таъриф берилган³⁹.

Бундан ташқари, ахборотнинг моҳияти – хабар белгиларида эмас, балки ахборот алмашинуви иштирокчиларининг ташкилий тайёргарлиги даражасига ҳам боғлиқ. Ахборот алмашинуви эса иштирокчиларнинг ташкилий жиҳатдан ҳилма-ҳилиги, тузилмаларнинг фаолият турлари ўртасидаги фарқлардан келиб чиқади. Албатта, бу ҳол ахборот алмашинуви жараёни иштирокчиларини максимал даражада уйғунлашган тизимлар сифатида қараш асосида юзага келади. Математика, кибернетика, фалсафа соҳасида ўтказилган тадқиқотлар ахборот сиғими билан тизимнинг тартибга солинганлик ҳолати ўртасида муайян боғлиқлик шаклланишини исботлаган⁴⁰.

Ахборот алмашинувига тизим сифатида ёндашиш илмий адабиётларда муайян даражада тадқиқ этилган. Бунга: В.Афанасьев⁴¹, В.Тюхтин⁴², А.Урсула⁴³ ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ишларда муаммолар, асосан, тизимли (тузилмавий-функционал) таҳлил усулида таҳлил этилган. Тизимли ёндашувнинг бундай усули фалсафа, психология, юриспруденция, матбуот назарияси,

³⁹ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // 2002 йил 12 декабрь, 439-II-сон

⁴⁰Қаранг: Булацкий Г.В., Прилок Ю.Д. Социология общения.– Минск: Изд-во «Университетское», 1987.– С.16–17.

⁴¹Афанасьев В.Г. Человек: общество, управление, информация: опыт системного подхода.– М.: 2013.– 208 с.

⁴²Тюхтин В.С. Отражение, системы, кибернетика: Теория отражения в свете кибернетики и системного подхода.– М.: Наука, 1972.–256с.

⁴³Урсула А.Д. Природа информации: философский очерк. – Челябинск: 2010.–231с.

иктисодиёт ва педагогика бўйича амалга оширилган илмий ишларга хосдир. Бинобарин, ахборот алмашинув ҳодисасини тадқиқ этишда социолог олимлар тизимли ёндашув усулига мустаҳкам таянганлари бежиз эмас.

Ахборотлашган жамият тўғрисидаги замонавий назарияларда ахборот ва ахборот алмашинуви жараёни муҳимлиги таъкидланиб, бу ижтимоий ўзаро боғлиқликнинг бир бўлаги сифатида талқин қилинади⁴⁴. Ахборот алмашинуви ва унинг бошқа фундаментал жараёнлар билан алоқалари модели тизим ясовчи элементларни ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, ахборот алмашинувда иштирок этувчи тизимлардан ҳар бирининг тартиби ўзгариши ўзаро алоқадорлик асосида, яъни уларнинг биргаликда ташкил этилиши билан ўзига хос ноёб жараён содир бўлади. Ушбу ўзаро таъсир жараёнида тизимларнинг ҳар бири бошқа тизимларнинг ички мутаносиблиги ва интенсивлигига бевосита боғлиқ равишда ўзгаради. Натижада, бир ахборот алмашинуви ўрнига материя ҳаракатланишининг (биринчи навбатда ижтимоий) олий шаклларига хос 4та фундаментал компонент: 1) ахборот алмашиш; 2) ташкил этиш; 3) акс эттириш; 4) ўзаро таъсир билан иш тутишга тўғри келади.

Бу ерда ўзаро таъсир, шубҳасиз, асосий ва якуний омил-сабаб сифатида намоён бўлади. Юқорида келтирилган ўзаро таъсирнинг қолган компонентларини функциялар бўйича ажратиб чиқсак, акс эттириш – ўзаро таъсирнинг хусусияти, ташкил этиш-ўзаро таъсирнинг мазмуни ёки биргаликдаги натижаси, ахборот алмашинув – ўзаро таъсирнинг шакли ёки механизми тарзида намоён бўлади. Мулоқотни социологик тушуниш нуқтаи назаридан хулоса қилсак, мулоқот маълум жиҳатдан ахборот алмашинувининг ўзига хос тури экан: у биринчидан, ҳар қандай ҳолатда ижтимоий ўзаро таъсирнинг ахборот механизми сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, ижтимоий акс эттириш хусусияти туфайли ҳаракат қилади ва учинчидан, ахборот алмашинуви натижасида мулоқот иштирокчиларининг муайян даражада биргаликда ташкилланишларига олиб келади, деб таъкидлаш мумкин. Бу фикрга ахборот ҳамиша ҳам фақат хабар эмас, балки ўзаро таъсир этувчи тизимларнинг ташкил этилган (тартибга солинган)лик нисбати эканлигини кўшсак, жамиятдаги ҳар қандай ахборот

⁴⁴Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. – Екатеринбург: У-Фактория, 2004.

алмашинувида жамият ҳаётининг ўрганилаётган қисмига нисбатан у ёки бу ижтимоий муносабат мавжудлигини ёхуд у ёки бу ижтимоий муносабатлар ўзгаргани (такомиллашгани)ни кўриш мумкин.

Ахборот алмашинуви жараёнининг хусусиятлари ҳақида белорусиялик мутахассислар: Г.Булацкий ва Ю.Прилюкларнинг бу ҳақда берган таснифлари ўзининг қамрови ва теранлиги билан алоҳида ажралиб туради⁴⁵. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ахборот алмашинуви қанчалик муҳим ва ўзича мустақил ҳодиса бўлиб туюлмасин, бари бир у ҳамиша ўзаро таъсир кўрсатиш механизми бўлиб қолаверади. Буни ижтимоий ўзаро таъсирга нисбатан оладиган бўлсак, ҳар қандай ахборот алмашинуви кишилар, жамоалар ёки ижтимоий гуруҳларни маънавий ва интеллектуал такомиллаштириш механизми сифатида намоён бўлади, холос.

2. Ахборот алмашинуви механизми амал қилишининг энг муҳим натижаси сифатида шунини келтириш мумкинки, мулоқотда иштирок этувчиларнинг тузилмавий ҳамда контент (мазмуний) параметрлари бир-бирига мос равишда ўзгаради, улар ўзаро мувофиқлашиб туради.

3. Ахборот алмашинувининг регулятив (тартибга солиш) функцияси мавжудлигини унинг асосий хусусиятларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида мулоқотга киришувчилар ўртасида маърифий функция ишга тушса, онг, билим ва дунёқарашни мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириб бориш жараёни тартибга солинади.

4. Ахборот алмашинувининг ўзаро муносабатни долзарблаштириш хусусияти ҳам мавжуд. Маълумки, муносабат ўзаро таъсирнинг шарти, аломатидир. Мулоқот вақтида иштирокчилар алмашинаётган ахборот, уларнинг ўзига хос ифодаланиши оқибатида индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида муносабатлар ўзгариши, яъни ривожланиши ёки сусайиши мумкин.

5. Ахборот алмашинувида индикативлик хусусияти ҳам бор. Бу дегани ўзаро таъсирнинг, ҳеч бўлмаганда, бир компоненти ҳақида маълумотларга эга бўлинса, бошқалари ҳақида ҳам ишонч билан фикр юритиш, уларни қаерда ва қандай қилиб излаш

⁴⁵Булацкий Г.В., Прилюк Ю.Д. Социология общения. – Минск: Изд-во «Университетское», 1987.– С.19-22.

кераклигини ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Жумладан, ижтимоий ташкиллаштириш ва бошқаришнинг ҳар қандай ҳодисасининг шакли қанчалик ноодатий бўлишига қарамай, ахборот алмашинуви ҳақида фикр юритишга асос бўлади.

Бизнингча, «ахборот алмашинуви» тушунчасининг тизимли таҳлили бу ўзаро таъсир, таъсир натижаси, объект ва субъект ҳолатининг ўзгариши, қайта алоқа, ахборотнинг қамров даражаси, шакл ва етказиш хусусиятларидан иборат тизим бўлиб, жамият ҳаёти ва индивид фаолиятидаги ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. (Р.Ш.)

Агар ахборот алмашинувида мулоқот, коммуникация асосий воситалар бўлиб хизмат қилса, унинг ижтимоий ҳодиса сифатида тартибланиши ўзига хос мезонлар негизида содир бўлади. Бу эса «ахборот маданияти» деган умумий тушунчада ўз ифодасини топади.

Илмий адабиётларда «ахборот маданияти» тушунчасига берилган таърифларда тушунчага нисбатан турлича концепцияларни илгари суришган. Улардан баъзилари ахборот маданиятини ахборот майдонида эркин бўлишга ва унинг шаклланишида иштирок этишга имкон берадиган билим даражаси⁴⁶; жамиятни ахборотлаштириш жараёнига имкон берувчи, ахборотлашган жамиятда зарур бўлган шахснинг хусусиятлари ёки хислатлари⁴⁷, маданий кадриятлар билан тақозо этилган аксиологик характердаги ахборот фаолияти⁴⁸, деб қайд этишган. Бошқалари эса уни янги алоқа ва фикрлаш тури⁴⁹, мантиқий фикрлашнинг ривожланиш даражаси, тизимни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилияти⁵⁰ сифатида изоҳлашган.

Тадқиқотчи В.Бородинанинг фикрига кўра, ахборот маданияти «инсон ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурсларини

⁴⁶Медведева Е.А. Информационная культура как предмет преподавания в системе высшего образования // Информатизация и проблемы гуманитарного образования: междувуз.конф.: тезисы докл. Краснодар,1995.- С.67-68.

⁴⁷Атаян А. Информационная культура личности в условиях информатизации общества // Бюллетень ВИУ. 2001. Вып. №1(7).09.2004г.

⁴⁸Гречихин А.А. Информационная культура: опыт определения и типологического моделирования // Проблемы информационной культуры: сб.статей. – М.:1994. – С.12-39.

⁴⁹Алешин Л.И.Гуманитарная информатика: аспекты проблемы // Технологии информационного общества - Интернет и современное общество: труды VI Всероссийской объединенной конференции. СПб, 3 - 6 ноября 2003г. – СПб.: СПбГУ, 2003. –С. 1-3.

⁵⁰Фридланд А.Я. Основные понятия информатики: информация - информационный процесс - информационная культура // Информатика и образование. 2003. – № 7. –С.120-124.

ривожлантиришнинг турли хил ва мураккаб вазифалари ечим топадиган интеллектуал-маданий воситадир»⁵¹.

Таракқий этган давлатларда ахборот маданияти (инфоэтика, медиаэтика, медиатаълим ва ҳоказо) алоҳида фан, алоҳида муаммо, алоҳида педагогика, алоҳида сиёсат даражасига чиққан бўлиб, илмий марказлар, олим ва мутахассислар ушбу муаммолар атрофида ихтисослашган ҳолда, юз бераётган ҳолатни ўрганиб, таҳлилий асарлар яратишмоқда. Америкалик олим Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин» асарида: «Инсоният ортда қолдирган йўл уч босқичдан иборат», деган фикрни илгари суради⁵². Яъни қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда ҳозирги ахборот тамаддулари. Ахборот жамияти пайдо бўлиши билан одамлар ҳаётига янги атамалар ва тушунчалар тезда кириб келди. Ахборот жамияти аҳолининг ахборот эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши билан тавсифланади.

Ю.Очерет: «Жамиятдаги бирорта ривожланишни ахборот маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари, ахборот воситалари техник-таъминот имкониятларининг кенгайиши билан ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ахборот маданиятининг роли ва ўрни ошиди»⁵³, деб таъкидлаган.

В.Брежнева шахснинг ахборот маданиятини – янги билим яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш, деб ҳисоблайди. Ахборот одоби, бир томондан, шахс фаолиятини субъектив мавзу ва унинг ахборот маконидаги фаолиятини акс эттиради, бошқа томондан, ахборот одобида ахборот ресурсларидан фойдаланишда қулайлик имкони пайдо бўлади. Бошқача айтганда, ахборот маданиятини шакллантиришнинг мақсади – фойдаланувчи кўникмаларини камайтириш эмас, балки касбий билим ва кўникмаларни мустақил равишда шакллантириш ва бу қобилиятни ривожлантириш демакдир.

Бизнингча, «ахборот маданияти» тушунча сифатида мутахассисни тайёрлаш жараёнида, касбий тарбия тизимида ҳам муҳим омил ҳамда умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ахборот маданияти – ахборот билан мақсадли ишлаш, ахборотни расмий олиш, уни илмий услублар ёрдамида қайта ишлаш, ўз вақтида узатиш, замонавий воситалар ҳамда

⁵¹Бородина В.А. Библиотечное обслуживание: учебно-методическое пособие. М.: Либерия, 2004. – С.21.

⁵²Тоффлер Э.Третья волна.–М.:АСТ,1999. –398с.

⁵³Очерет Ю. Формирование информационной культуры личности в условиях информационно-библиотечных учреждений. //Информационная культура в контекстеновой парадигмы образования: проблемы, поиски, решения. – Кемерово: ОблИУУ, 2001.–С.150.

усулларни қўллай олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлишдир. (Р.Ш)

Жамиятнинг ахборот маданияти унинг аъзолари томонидан ахборот ресурсларидан маълумотлар алмашиш, шахсий ҳаёт фаолияти ва давлатнинг тараққий этиш манфаатлари учун ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилияти шаклланганлиги билан характерланади. Шахс ахборот оқимида эркин ҳаракатланиши учун умумий маданиятнинг таркибий қисми сифатида ахборот маданиятига эга бўлиши шарт. Ахборот маданияти шахснинг ижтимоий табиатига хос эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Ахборот маданиятнинг даражаси ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш ва ундан кундалик фаолият ҳамда турли хил эҳтиёжларни қондиришда фойдалана олиш малакасининг шаклланганлиги билан белгиланади.

Шунингдек, «ахборот маданияти» тушунчасининг моҳияти турли ахборотни нафақат таҳлил этиш, балки уни бошқариш усулларини эгаллаганлик нуқтаи назаридан ҳам аниқланади.

Ахборот олиш, узатиш ҳамда кўникмаларини шакллантириш – комплекс ҳал қилиниши лозим бўлган кўпқиррали муаммо. Ахборот маданияти ахборотга нисбатан муносабат, дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиши, аҳолига ахборотлашган жамиятнинг фалсафасини тушунтириши, ахборот оқими орасидан зарур ахборотни танлаб олиш кўникмаларини шакллантириши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот маданияти умумий маданиятнинг бир бўлаги сифатида шахс ижодий қобилиятининг маҳсули ҳисобланиб, куйидагиларда намоён бўлади:

- ахборот-технология воситаларини қўллаш жараёнида аниқ кўникмаларга эга бўлиш;
- ОАВ ва медиа воситаларининг манипулятив ва психологик таъсир этиш механизмларини тўғри англай олиш;
- фаолият давомида компьютер технологияларини қўллай олиш;
- фаолият давомида медиа воситаларидан самарали фойдалана олиш;
- электрон манбалардан ахборотни қўлга киритишни билиш, уни мақбул кўринишда тақдим этиш ва самарали фойдаланиш;
- турли ахборот манбаларидан ижтимоий ва касбий қийматга эга бўлган ахборотларни танлаб олиш.

«Ахборот маданияти» тушунчаси қуйидаги мазмунларни ўзида мужассам этади: инсон билим эгаллашнинг замонавий воситалари, қайта ишлаш ва тизимлаштириш малакасига эга бўлиши; табиат ва жамиятда кечаётган ахборот жараёнлари моҳиятини тушуниш; фаолият соҳасига оид хусусиятлари ҳамда турли манбалар билан ишлашни билиш, ахборотни таҳлилий, синтезлий қайта ишлаш асосларини ўрганиш ва бошқалар. Ахборот маданияти хабарларни саралаш, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини белгилаб олиш, соҳаларга ажратиш, софлигига эътибор қаратиб, муносабат билдириш, ғоявий-психологик асосларини аниқлаш, хабар манбаини топишда намоён бўлади⁵⁴.

Профессор А.Умаровнинг ёзишича, ахборотнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ошгани сари ахборот маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг, учун, энг аввало, шахснинг ахборот маданиятини таркиб топтириш лозим.

Содда қилиб айтганда, ахборот маданиятини эгаллаган киши кутубхоначилик, библиография ва компьютер соҳасида саводхон бўлиши билан бирга, ахборот ва ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатларидан хабардор, замонавий ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари (кутубхона, архив, маълумотлар базалари ва банклари) нинг хусусиятларини биладиган, ахборот технологияларидан фойдалана оладиган, янгиликларни илғаш ва ўзлаштириб боришга интиладиган хислатларни ҳам ўзида мужассам этган бўлиши керак⁵⁵.

Шу боис ахборот алмашинувининг муҳим воситаси ва механизми бўлган «мулоқот» ва «коммуникация» тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

«Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таъриф бериш қийин. «Мулоқот» тушунчасининг мазмуни унинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш орқали ёритилиб берилади.

«Умумий психология» дарслигида мулоқот – икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасида ахборот айирбошлаш, ўзаро таъсир ва бир-

⁵⁴ Самаров Р., Саттаров Ё. Ахборот маданияти ва уни шакллантиришнинг назарий-амалий аҳамияти. - Замонавий таълим, 2014. -№1.

⁵⁵ Умаров А.А. Мутолаа ва ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни//Фан, таълим маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари. IX Халқаро конф. Central Asia 2015. –Тошкент: 2015. –Б.189.

бирини тушунишдан иборат жараён сифатида талқин этилган⁵⁶. Социология бўйича нашр этилган энциклопедик луғатда эса ахборот алмашишга йўналтирилган мулоқотга қуйдагича таъриф берилади: «Мулоқот инсоннинг бошқа кишилар билан алоқага киришиш эҳтиёжини қондириш учун индивидлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги бевосита фаолиятлар, билимлар, малакалар, тажрибалар ва ахборот алмашинувидаги ўзаро таъсир»⁵⁷ жараёнини ифода этади.

Ахборот майдонида қўлланадиган белгилар (сўзлар, имо-ишоралар ва ҳ.к.) замиридаги моҳият мулоқотда иштирок этаётганларга таниш ва ўзлаштирилган ҳолатда бўлган тақдирда ахборот алмашиш имкони пайдо бўлади.

«Мулоқот» тушунчасини «коммуникация» тушунчасидан фарқлаш лозим. Коммуникация жонли ва жонсиз табиатдаги тизимлар ўртасидаги ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, дарахтлардаги ирсий белгиларнинг узатилиши, инсоннинг турли-туман техник воситалар билан алоқага киришиши – буларнинг барчаси коммуникация ҳисобланади.

Шунингдек, Б.Ф.Ломов⁵⁸, Л.Карпенко ва бошқалар томонидан мулоқотнинг функциялари, ички тузилиши, хусусиятлари бўйича жиддий тадқиқотлар амалга оширилган. Уларнинг нуқтаи назарини ривожлантирган ҳолда мулоқотнинг коммуникатив (ахборот олиш, узатиш), интерактив (ҳамкорликда компромисс ва консенсус тарзида ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда муайян ахборотни идрок этиш) функцияларининг ҳар бири алоҳида тавсифланади. Натижада, мазкур 3та функциянинг бирлиги ҳамкорликдаги фаолият субъектлари ва мулоқот иштирокчиларининг ўзаро таъсир этиш мақсадидаги ҳаракатларини ташкил этиш усули сифатида майдонга чиқади.

1. Мулоқотнинг коммуникатив жиҳатида муайян ахборот олиш, узатиш эҳтиёжи бўлган индивидларнинг ўзаро маълумот алмашинуви ҳолати содир бўлади.

2. Мулоқотнинг интерактив жиҳатида индивидлар нафақат билим ва ғоялар, балки ҳаракатлар билан ҳам ўзаро таъсирни

⁵⁶Қаранг: Общая психология:учеб.для студентов пед. ин-тов/Под.ред. А.В.Петровского.2-е изд.доп. и перераб. –М.,1976. – 479с.

⁵⁷Социологический энциклопедический словарь. На русском, английском, немецком, французском и чешском языках. акад. РАН Г.В.Осипов. – М.: Изд. группа ИНФРА М – НОРМА, 1998.–С.210.

⁵⁸Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. – М., 1984. –С.242-271.

амалга оширишади. Янада аниқлик киритадиган бўлсак, мулоқот шахслараро биргаликдаги ҳаракати, одамлар ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида ўз таркибига олган алоқалари ва ўзаро бир-бирига кўрсатадиган таъсирининг жамланмаси кўринишида юзага чиқади. Ҳамкорликдаги фаолият ва ижтимоий муносабат қоидалар—одамларнинг бирдамликдаги ҳаракати ва ўзаро муносабатларини қатъиян белгилаб кўядиган ҳамда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор намуналари бўйича амалга ошириладиган ижтимоий назорат шароитида юз беради. Жамият социал қонун қоидалар сифатида қабул қилган, удумга айланган ва унинг бажарилишини ҳар бир кишидан кутаётган намуналарнинг ўзига хос тизимини яратди. Уларнинг тартибсизлиги қоидадан четга чиқадиганларнинг хулқ-атвори тўғриланишини таъминлайдиган ижтимоий назорат механизмлари (маъқулламаслик, таъна қилиш, жазолаш) ни ўз ичига олади.

3. Мулоқотнинг перцептив жиҳати – мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали ўзаро ҳис этиш, тасаввурга эга бўлиш ва тушунишдир. Яъни мулоқотнинг ушбу жиҳатида бир кишининг иккинчиси томонидан идрок қилиниши, тушунилиши ва баҳоланиши кузатилади. Мулоқотнинг мазкур жиҳатида идрок қилинаётган одамни идрок қилувчи шахсий хислатлари билан қиёслаши натижасида тушуниб, уни англайди. Бунда идрок қилинаётган шахснинг ўрнига идрок қилувчи ўзини кўйиб, мулоҳаза юритиши, уни тушунишга интилиши натижасида ўз-ўзини англаши намоён бўлади.

Юқорида қайд этилгандек, мулоқот, биринчи навбатда, ахборотни қабул қилиш, саралаш, сақлаш, узатиш ва бошқаришдан иборат кўп қиррали ижтимоий жараён. Ахборот жараёнлари бутун жамият организмни қуршаб олиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, ҳатто, энг кичик қисмида ҳам мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Демак, ижтимоий ахборотнинг асосий турлари ичида ахборот алмашинувидан иборат мулоқот тури устунлик қилади. Инсонлар мулоқотининг чуқур ижтимоий детерминацияси ҳаёт фаолияти ва умуман олганда, бутун жамият ривожланиши учун ахборот алмашинувининг ўрни қанчалик муҳимлигидан далолат беради.

Коммуникацияни амалга ошириш имконияти муайян шартлар бажарилгандагина пайдо бўлади. Улар қуйидагилар:

- коммуникатив жараён учун камида икки томоннинг иштироки зарур;

- коммуникация доимо қайта алоқа тамойилига таянади;
- коммуникация маълум белгилар тизимисиз амалга оширилмайди.

Хар қандай назарияда бўлганидек, коммуникация назарияси ҳам «ахборот», «коммуникация», «ахборот алмашинуви», «коммуникатив макон» каби ўзига хос тушунчалар (категориялар) ига эга.

Машхур файласуф М.Каганнинг фикрича, коммуникация ва мулоқот камида икки жиҳатдан фарқланади. Биринчидан, «мулоқот – амалий, моддий ва маънавий ахборот алмашинувидир ва у амалий-маънавий характерга эга, коммуникация эса ... у ёки бу хабарларни узатиш билан боғлиқ соф ахборот жараёнидир»⁵⁹. Иккинчидан, улар ўзаро муносабатга киришаётган тизимларнинг алоқа хоссалари бўйича бир-биридан ажралиб туради.

Коммуникация ҳодисасига тадқиқотчилар, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин, қизиқа бошлашди. Бунга яққол мисол сифатида ўтган асрнинг 60-йиллари бошига келиб, фалсафа ва социологияга доир илмий адабиётларда «коммуникация» тушунчасининг юздан ортиқ таърифлари ишлаб чиқилганлигини айтиш мумкин. Тасаввур ҳосил бўлиши учун мазкур таърифлардан тўрттасини келтириб ўтамиз:

1. Коммуникация – бу мураккаб динамик тизимлар ва унинг ахборотни қабул қилиш, тўплаш, ўзгартириш имконига эга қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви⁶⁰.

2. Коммуникация – бу ахборотни ўзига хос алмашиш, унинг эмоционал ва интеллектуал мазмунини акс эттириш жараёни⁶¹.

3. Коммуникация – инсонларнинг когнитив ва амалий фаолияти жараёнида ўзаро муносабатларга киришишнинг ўзига хос шакли⁶².

4. Коммуникация – новербал ва вербал ҳаракатлар натижасида ахборот олиш демакдир⁶³.

Кўриниб турибдики, бу таърифларда мазкур феноменнинг айрим жиҳатларигагина урғу берилган. Шунинг ўзи коммуникациянинг нақадар кенг қамровли ва мураккаб ҳодиса эканига ишорадир.

⁵⁹Қаранг: Коган, М.С. Человеческая деятельность: опыт системного анализа. – М.: Изд. полит. лит. 1974. – С.45

⁶⁰http://elib.sfu-kras.ru/bitstream/handle/2311/125072/vkr_pleskach_na_sayt.pdf?sequence=1

⁶¹https://studme.org/12790912/menedzhment/glossariy_teoriya_kommunikatsii // Мурожаат санаси 23.04.2019 й

⁶²https://studme.org/51629/menedzhment/kommunikatsii_obschenie // Мурожаат санаси 23.04.2019 й

⁶³https://bachelor.ucoz.ru/load/belaja_e_n_teoriya_i_praktika_mezhkulturnoj_kommunikatsii/slovar_terminov/

Таниқли олим Норберт Винер фикрига кўра, «Ахборот алмашинуви – бу жамиятни бирлаштирувчи ўзига хос цементга ўхшайди»⁶⁴. Ижтимоий коммуникация – инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришишининг ўзига хос шакли бўлиб, унда ахборот узатиш тил ва бошқа белгилар тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

Канадалик социолог Маршал Маклюэн фикрича, коммуникация усулининг алмашиши тарихнинг ривожланиш босқичларини ифода этади. Шунга кўра, у инсоният ривожланишининг қуйидаги даврларини ажратган:

- оғзаки коммуникация, яъни бу даврда жамоа доирасида коммуникатив муҳит коммуникантларни бевосита ҳар томонлама қамраб олади;

- ёзма коммуникация орқали мулоқот, яъни ёзилган хабарларнинг вақт ва макон тўсиқларини кесиб ўтишига эришилган давр;

- нашр-коммуникация, яъни коммуникантларни ялпи қамраб олиш даражасининг ошиши, босма китоблар чоп этиш технологиясининг ихтиро қилиниши билан боғлиқ давр;

- мультимедиа коммуникацияси, яъни мулоқотга глобал миқёсда бевосита киришишга эришиш даври.

Мазкур даврлар ўзига хос коммуникатив муҳит маданиятини таркиб топтиради. М.Маклюэн илк марта коммуникатив муҳит маданияти хусусиятларини белгилаб берди. Унинг фикрича, замонавий маданият мазмунан визуал, XIX аср охири XX аср бошидаги маданият эса, асосан, ёзма бўлган⁶⁵.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда социомаданий коммуникация – бу умумэътироф қилинган тушунчаларга асосланган, коммунтаторлар ўзаро муносабатлари мазмуни ва уларнинг ижтимоий муҳити билан шартланган хабарларни алмашиш бўйича икки томонлама боғлиқ жараён.

Коммуникация муаммолари нафақат гуманитар, балки табиий ва техник фанлар вакиллари томонидан ҳам кенг тадқиқ қилинмоқда. Фақат инсонлараро эмас, балки ҳайвонлараро, компьютерлараро, «инсон-машина» ва бошқа алоқа тизимларида ахборот алмашинувини ўрганувчи фанларнинг вакиллари:

⁶⁴ Норберт В. Кибернетика и общество; Тайдекс Ко.-2011. - С.34.

⁶⁵Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. Understanding Media: The Extensions of Man. - М.:Кучково поле,2007. -464 с.

кибернетиклар, биологлар, этологлар, семиотиклар ахборот алмашинувини «коммуникация» деб атайдилар. Шунингдек, XX асрнинг 60-йилларида америкалик социологлар (Лазарсфельд, Липпман, Лассуэл, Мертон, Маклюэн ва ҳ.к.) ўз тадқиқотларида «оммавий коммуникация»⁶⁶ атамасини ҳам қўллаш бошладилар.

Шу тариқа коммуникация назарияси мустақил фан сифатида шаклланиб бориб, ўзининг предмети, категориялар аппарати, ўз қонуни ва тарихига эга бўлди. У фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанлар бўйича тадқиқотлар натижаларини ўзида мужассам қилган илмий билимнинг асоси ҳисобланади. Коммуникация назарияси ахборот алмашинувининг универсал механизмлари ва қонуниятларини ўрганади. Хусусан, унинг оммавий коммуникация назарияси, шахслараро коммуникация назарияси каби тармоқлари ҳам мавжуд.

Никлас Луман ўзининг машҳур «фақатгина коммуникация коммуникацияни амалга ошириши мумкин»⁶⁷ деган фикрини билдирганда коммуникация рўёбга чиқиши учун ахборотни, уни узатиш (еткизиш) ва уни тушуниш (ёки тушунмаслик) жараёни бирданига кечиши кераклигини кўзда тутди. Шу уч бирликдан биронтаси мавжуд бўлмаса, коммуникация рўй бермайди. Демак, социал ҳаракат ҳам амалга ошмайди. Натижада, Луман назариясида кўзда тутилган ахборот алмашинуви жараёни биз муҳокама қилаётган коммуникациядан кўра, мулоқот феноменининг функцияларини кўпроқ ифодалайди. Шунингдек, унинг назариясида ахборот ижтимоий тизим ҳолатини ўзгартирувчи ходиса бўлиб, у тизимнинг элементлари ёки бошқа аналог тизимларнинг ходисага нисбатан реакцияси натижасида юзага келади ва ахборот ҳеч қачон йўқ бўлмайди, балки у маълум таъсирлар, вазият ва ёндашувлар асосида даража ва хусусиятини ўзгаритиб боради⁶⁸.

Шундай қилиб, жамиятнинг ҳаётий фаолиятида ва шахслараро муносабатларда ахборот алмашинуви ўзаро таъсирнинг, биргаликдаги ҳаракатларнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади. Инсон камолоти ва пировардида, жамият тараққиёти ўзаро

⁶⁶Қаранг: http://www.intelros.ru/readroom/credo_new/k2-2013/19217-problemy-massovoy-kommunikacii-v-zarubezhnyh-issledovaniyah-hh-veka.html // Мурожаат санаси 26.04.2019 й.

⁶⁷ Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории / Пер. с нем. И.Д. Газнева; под ред. и со вступ. ст. Н. А. Головина.–СПб.: Наука, 2007.–С.54.

⁶⁸ Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории / Пер. с нем. И.Д. Газнева; под ред. и со вступ. ст. Н. А. Головина.–СПб.: Наука, 2007.–С.107

ахборот алмашинув жараёнларининг қай даражада самарали ташкил этилишига боғлиқ. Бу жараёнларда мулоқот ва коммуникация асосий робита, яъни ўзига хос боғловчи кўприк вазифасини бажариши, шубҳасиз.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Ахборот алмашинуви маданиятининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ижтимоий тизим мураккаб ички тузилишга эга, яхлит, маълум тартибдаги, ўзаро узвий алоқадорликдаги ахборот алмашинуви асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар бирлигини ҳосил қилади.

2. Ижтимоий тизим ижтимоий гуруҳ ва қатламлардаги шахслараро муносабатлар асосида юзага келиб, уни ташкил этувчи элементлари алмашинув қонуниятлари асосида ўзаро бир-бири билан боғланиб, тизимнинг доимий ҳаракатини таъминлайди.

3. Шахслараро ўзаро муносабатда социал коммуникациянинг бош элементи ахборот алмашинув жараёни асосида кечиб, уни асослаш ва таҳлил қилишда тизимли ёндашув самарали ҳисобланади.

4. Ижтимоий тизимларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг инсон фаолияти маҳсули ва фаолият соҳаси эканлигидадир. Бунда тизим ўзаро алоқадорликда бўлган элементларнинг йиғиндиси бўлиб, ушбу элементларнинг тизим тузилмасида эгаллаган ўрни мантиқий кетма-кетлик ва ўзаро мутаносиблик тамойилларига бўйсундирилган ҳолда уларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради.

5. Жамиятдаги мавжуд барча тизимлар ва тизимости тузилмаларнинг универсал элементи – инсон, яъни индивиддир. Конкрет шахсларнинг ўзаро муносабатларидан ижтимоий тузилма ҳосил бўлади.

6. Замонавий жамият иерархиялашган мураккаб тизим бўлиб, ундаги функционал жараёнлар, социал-тузилмали муносабатлар трансформацияси шахс ва гуруҳларнинг социал мобиллиги, иерархик тузилмадаги ўрнини белгилайди. Зеро, жамиятдаги мавжуд барча тизимлар ва тизимости тузилмаларнинг универсал элементи инсон ҳисобланади. Конкрет шахсларнинг ўзаро муносабатларидан ижтимоий тузилма ҳосил бўлади.

7. «Ахборот» тушунчаси узоқ тарихи ва кўп қиррали маъносига эга бўлган ҳолда, ижтимоий ҳаётга нисбатан у инсонлар, предметлар, фактлар, ҳодисалар ва бошқа жараёнлар ҳақидаги маълумотларни англатади. «Ахборот» тушунчасига оид таҳлиллардан келиб чиқиб, ахборот – жамият учун нафақат мулоқот предмети, балки инсонлараро мулоқотда ахборот алмашинувига ҳамда унинг узвийлигига таъсир кўрсатувчи объектив омилдир.

8. Ахборот маданияти умумий маданиятнинг бир бўлаги сифатида шахс ижодий қобилиятининг маҳсули ҳисобланиб, ахборот-технология воситаларини қўллаш жараёнида аниқ кўникмаларга эга бўлишда, ОАВ ва медиа воситаларининг манипулятив ва психологик таъсир этиш механизмларини тўғри англаб олишда, электрон манбалардан ахборотни қўлга киритишни билиш, уни мақбул кўринишда тақдим этиш ва самарали фойдаланишда ўз аксини топмоқда.

9. Бугунги кунда ахборот маданияти хабарларни саралаш, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини белгилаб олиш, соҳаларга ажратиш, софлигига эътибор қаратиб, муносабат билдириш, ғоявий-психологик асосларини аниқлаш, хабар манбаини топиш йўналишларида долзарб аҳамият касб этмоқда.

II БОБ. ЖАМИЯТНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ БЕЛГИЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ОМИЛ СИФАТИДА

2.1–§. Ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинувнинг хусусиятлари

Ахборот жамият ва давлат ривожланишининг муҳим омилидир. Шу боис иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг барча соҳаларга самарали жорий этилгани муваффақиятлар гарови хисобланади. Бунинг асосини ахборотлашув, коммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. Зотан, XXI аср – ахборотлашган жамият асридир.

Ахборотлашган жамият ва унда ахборот алмашинувнинг хусусиятлари масаласини муҳокама қилиш учун, даставвал, «ахборотлашган жамият» тушунчасининг ўзи ҳақида, унинг келиб чиқиши тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур. «Ахборотлашган жамият» тушунчаси, дастлаб, америкалик социолог Даниел Белл (1919–2011й)нинг ахборот технологиялари ривожланиши тарихига бағишланган тадқиқотида⁶⁹ чуқур таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот якунида Д.Белл ахборотлашган жамият концепциясини илгари суради. Унинг концепциясига кўра, ахборотлашган жамият куйидагича хусусиятларга эга:

- информацион-техник – бу техникавий захиралар бўлиб, уни жамият ишлаб чиқаради ва фойдаланади;

-ижтимой-информацион – бу жамият томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- ижтимой-техник – ижтимой-антропологик хусусиятларни қамраб олади. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, жамиятнинг ахборотлашиши ижтимой ҳаётга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бунга, аввало, оммавий ахборот воситалари, уяли телефон ва интернет тармоғи ривожланиши натижасида шаклланган янги социал муаммоларни киритиш мумкин.

Америкалик социолог Д.Беллнинг таъкидлашича, ахборотлашган жамият, аввало, маълумотлилик даражаси ва малакасига кўра, миллат элитасини шакллантирадиган жамият. Шунингдек, у ахборотни жисмонан истеъмол қилинмайдиган ва

⁶⁹Қаранг: Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. Пер.с англ. В. Л. Иноземцева.–М.:Academia,1999.–956с.

эскирмайдиган «жамоавий маҳсулот» сифатида талқин қилиб, бу индустриал жамиятда инсон ҳаётий фаолиятидаги мутлақо янги маҳсулот бўлгани учун унга нисбатан ўша даврда муомалада бўлганидан ўзгача меъёр ва мезонларни қўллаш кераклигига эътибор қаратган⁷⁰.

Постиндустриал жамият концепциясининг яна бир ёрқин вакили америкалик социолог, иқтисодчи ва футуролог Элвин Тоффлер. У «Учинчи тўлқин» асарида постиндустриал жамиятга ўтиш манзарасини ёритади. «Тўлқинлар – бу тарих тўлқинлари бўлиб, уни инсоният ўз тараққиёти жараёнида кечириб, цивилизацияни бунёд қилди. Бир-биридан кейин келувчи бу тўлқинлар уч ҳаракатдан иборат тарих драмасини кўрсатувчи фанни яратади, булар: уч цивилизация тўлқини, яъни аграр цивилизация, индустриал цивилизация ва постиндустриал цивилизация, ахборотлашган жамиятдир. Учинчи тўлқин – бу жамият тараққиётининг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган охириги фазасидир»⁷¹. Демак, муаллифнинг фикрича, учинчи тўлқин – постиндустриал жамиятда етакчи роль ахборот-коммуникация технологияларга ўтиб, улар жамиятнинг барча тузилмалари орқали одамларнинг турмуш тарзи ва онгига таъсир кўрсатади. Натижада, жамиятда неъматларни яратишнинг янги технологиялари вужудга келади. Улар энди кишининг жисмоний кучига эмас, ақлий қобилиятига суянади. Ижтимоий бойлик яратишнинг янги ахборот усуллари орасида Э.Тоффлер қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

- «тезкор суръатлар билан ривожланаётган иқтисодий тизим. Бу иқтисодий тизим бевосита ахборот ва билимга боғлиқ бўлади. Янги тизим оммавий ишлаб чиқаришга асосланмаган, балки маҳсулотнинг истеъмолига йўналтирилган;

- алмашув бирликлари сифатида металл ёки қоғоз пуллар эмас, балки ахборот воситалари хизмат қилади. Капитал янада ҳаракатчан бўлиб, унинг манбалари сони ортади. Янги иқтисодий асосни: хусусий уйларни ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари, банклар ва ҳукумат муассасалари, мактаб ва университет билан боғлайдиган компьютер тизимлари ташкил қилади. Бу тизимларда

⁷⁰Қаранг: Белл Д. Градущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. В. Л. Изюмцева. – М.: Academia, 1999. – 956с.

⁷¹Тоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ, 1999. – 398с.

микроелектрон инқилоб инсон интеллектининг ресурслари ва кудратини янада ошириб юборади;

- товарлар ва хизматлар тизимлаштирилади. Бу ўрнатилган стандартларни кенгайтириш ва қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бунда стандартларни белгиловчи ахборот устидан назорат қилиш учун кураш кетади. Ҳар бир ходимнинг фаолияти бўйича ахборот воситалари орқали хабардор бўлинади. Билимни ташаббус билан уйғунлаштира оладиган, янгича ғояларни ижод қиладиган янги типдаги ходимлар шаклланади;

- янги тизим бир вақтда локал (маҳаллий) ва глобал (умумбашарий) даражада ривожланади. Одамларнинг ахборотга бўлган муносабати ўзгаради. Товар ўрнига ахборот ижодий кучлар ва изланишларнинг омили сифатида намоён бўлади. Чунки инсонларнинг доимий равишда компьютер билан муомалада бўлиши уларни глобал ахборот маконида ўзларини қандай тутишга ўргатади. Бу меҳнат фаолияти, турмуш тарзи ва маданиятнинг моҳиятини принципиал тарзда ўзгартиради»⁷².

Ушбу тамойилларга таянган учинчи тўлқин концепцияси бизга маълум бўлган барча цивилизациялардан фарқли ўларок, дунёвий цивилизацияда ўзининг янада соғломлиги, ақл-идроки ва ҳаётбахшлиги, тартиблилиги ва демократлашганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, учинчи тўлқинда катта хавф-хатар ҳам яширинган бўлиб, булар экологик муаммолардан тортиб, ядровий ёки электрон таҳдидларнинг кескин тус олишигачадир.

Ахборотлашган жамиятда янги билимларни олиш усули ҳисоблаш техникасига асосланишини ўрганган Э.Тоффлернинг фикрича, «Ахборотлашган жамиятда фан услублари ҳажм жиҳатдан жуда катта бўлган маълумотларни йиғиш имконини беради»⁷³. Бунда олимлар янги фактларни қидириш ўрнига корреляция ва тенденцияларни ўргатиш учун маълумотлар қидириб, илмий маълумотларни ахборот операциялари орқали оладилар. Хуллас, ахборотлашган жамиятда ишлаб чиқаришнинг макони – билимларини жамлаш технологиялари, ахборотни анализ синтез қишлаш ва символик коммуникацияларга боғлиқ бўлади.

Ахборотлашган жамиятнинг шундай назарияларидан бири – япон социологи ва футурологи Йоней Масуда томонидан ишлаб чиқилган чуқур фалсафий талқини билан ажралиб туради. У

⁷² Қараг: Тоффлер Э. Шок будуще: пер. с англ. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2002. – 557с.

⁷³ Тоффлер, Э. Третья волна = The Third Wave. – М.: АСТ, 2010. – С.448.

Ўзининг 1972 йилда нашр этилган «Ахборотлашган жамият – постиндустриал жамият» номли китобида компьютер технологияларини келажакда ижтимоий тузилманинг асоси сифатида кўриб чиқиб, саноат муносабатларида ақлий меҳнатнинг устувор ролини қайд этди. Бунда у ахборотлашган жамиятни демократик бошқарувга, яъни сайловларга асосланган эркин жамият сифатида эътироф этади. Ў.Масуданинг фикрича, ахборот технологияларидаги инновация—бу ижтимоий ўзгаришларнинг яширин кучи бўлиб, у ўзини ахборот сони ва сифатининг кескин ўсиши, шунингдек, ахборот алмашинуви ҳажмининг ошишида намоён қилади. Ахборотнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у истеъмол қилинганида йўқ бўлиб кетмайди ва уни моддий товарга ўхшатиб бошқа шахсга бус-бутунича бериб бўлмайди. Бундан ташқари, янги маълумотлар кўпайиши билан унинг сифати ҳам ошиб боради. «Ахборотлашган жамият инсониятнинг энг улкан ютуқларидан бири, – деб ёзади, Ў.Масуда.—янги технологияларнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос ижобий ўзгаришига олиб келади⁷⁴». Натижада, «Ахборотлашган жамиятда инсоний кадриятлар ўзгаради. Бу жамият синфсиз ва зиддиятсиз бўлиб, уни кичикроқ давлат аппарати бошқаради⁷⁵», деб ҳисоблайди. Япон социологининг ахборотлашган жамият концепциясига қўшган ҳиссаси, аввало, ахборотлаштириш билан компьютерлаштиришни ижтимоий тараққиётнинг алоҳида соҳалари сифатида бир-биридан ажратгани бўлди.

Ахборотлашган жамият ва оммавий коммуникация воситаларининг келиб чиқишини тадқиқ этган ўзбек социологи О.Абдуазимов оммавий коммуникация воситаларининг тараққиёт тарихини уч даврга бўлиб ўрганишни таклиф этган ҳолда, учинчи даврда электрон воситали ахборот алмашинуви пайдо бўлиши билан ахборотлашган жамиятга ўтиш содир бўлганини таъкидлайди⁷⁶.

«Ахборотлашган жамият» иборасини илк бор япон олими Ю.Хаяши ва бир неча япон ташкилотларидаги мутахассислар қўллаган», – деб ёзади олим. Ахборотлашган жамият ҳақидаги тушунчаларни яна бир япон олими Ў.Масуда кенгайтириб,

⁷⁴Масуда Ў. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М.: 1991

⁷⁵Уша жойда.

⁷⁶ Қаранг: Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – Б. 49–66.

постиндустриал жамият назарияси ҳақидаги фалсафий концепциясида ахборот ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида пешқадамлик қилишини ва жамиятнинг технологик тараққиёти даврида ҳукм сурадиган «ахборот ҳокимияти» вужудга келишини асослаб беради. Аслида, «ахборот ҳокимияти» саноатлашган жамиятда давлат бошқарувининг амалдаги учта ҳокимиятига нисбатан норасмий тарздаги «тўртинчи ҳокимият» издошидир. Й.Масуда инсоният тамаддуни ривожланишини: анъанавий, индустриал ва ахборотлашган (постиндустриал) жамиятга бўлиб, унда ахборотлашган жамиятни 10 та атрибутга ажратган: оммавий коммуникациялар социологиясида «Матбуотнинг 4Т назарияси» моделига мувофиқ, ахборотлашган жамиятда «Трансформациялашган матбуот»нинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари⁷⁷ социология фанлари доктори О.Абдуазимов томонидан фанга киритилган.

Немис файласуфи ва социологи Юрген Хабермас ахборотлашган жамиятнинг манбаини оммавий ижтимоий соҳада кўради. У XIX ва XX асрларда ижтимоий муаммоларни, хусусан, сайловлар пайтидаги масалаларни очиқ муҳокама қилишда оммавий муассасалар (кутубхоналар, статистика бошқармаси ва бошқалар)даги маълумотлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ахборотга бўлган талабнинг ошишига ва жамоатчилик фикрининг шаклланишига олиб келганини қайд этади.

Ахборотлашган жамият назариясининг йирик вакилларида бири – социолог Мануэл Кастеллс биринчилардан бўлиб, ахборотлашган жамиятда тармоқларнинг аҳамияти масаласини илгари суради. Унинг «ахборот жамияти» (information society) билан «ахборотлашган жамият» (informational society) концепциялари орасида сезиларли фарқ борлиги ҳақидаги фикрлари муҳим. Агар биринчи ҳолда ахборотнинг жамиятдаги ҳал қилувчи роли таъкидланган бўлса, янгидан пайдо бўлаётган «ахборотлашган жамият» шундай қурилмоқдаки, унда «ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва узатиш меҳнат самарадорлиги ҳамда куч-қудратнинг асосий манбаига айланади»⁷⁸.

Унинг сўзларига кўра, инсоният тарихи давомида ахборот ва ахборот алмашинуви ривожлана бориб, барча цивилизациялар ва

⁷⁷ Уша жойда. Б.184 – 211.

⁷⁸ Абдуллаев И.З. Информационное общество и глобализация: Критикансолиберальной концепции. – Ташкент. «Фан ва технология», 2006. – С.26.

жамиятларда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Олимнинг фикрича, янги даврнинг асосий хусусияти бу билимларни яратиш эмас, балки ундан самарали фойдаланишда намоён бўлади. Ахборот инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб, ижтимоий ҳаётни ўзгартиради, индивиднинг ахборот оқими натижасида унинг хулқи, хатти-ҳаракатларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади ва у анъанавий тасаввурларни кўпроқ рад эта бошлайди. Иқтисодиёт, сиёсат ва шахсларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар шундан далолат беради.

Бизнингча, М.Кастеллснинг «ахборот жамияти» ва «ахборотлашган жамият» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш кераклиги ҳақидаги фикри диққатга сазовор. Ахборотлашган жамият атамаси масаласида ҳам бирхиллик йўқ: баъзи манбаларда «ахборотлашган жамият», бошқаларида «ахборот жамияти» деб ишлатилмоқда. Бу эса илмий талқинда чалкашликларга олиб келиши мумкин. Мазкур масалага мутахассислар кўпчилик бўлиб, баҳамжihat оидинлик киритсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, рус олимларидан: Р.Абдеев, Д.Блуменау, А.Ракитов⁷⁹, шунингдек А.Анчишкин, В.Виноградов, В.Глушков, Б.Готт, И.Гришкин, А.Ершова, Н.Моисеев, А.Урсулларнинг илмий ишларида постиндустриал жамиятда ахборотнинг аҳамияти ўрганилган. Ахборотлашган жамиятни ривожлантириш муаммолари эса: И.Мелюхин, Д.Иванов, С.Зуев, В.Емелин, П.Арефьев, И.Алексеева, Р.Цвилев ва бошқаларнинг ишларида жиддий тадқиқотлар мавзусига айланди⁸⁰.

Ўзбекистонда ҳам жамиятни ахборотлаштириш муаммоларига ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, компьютерлаштириш ва коммуникация нуқтаи назардан ёндашилган тадқиқотлар мавжуд.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг етакчи мутахассисларидан бири бўлган А.Н.Арипов ахборотлашган жамиятнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- жамият ҳаётида билим ва ахборот ролининг ортиши, уларнинг кишилар фаолиятидаги турли соҳалар ривожланишига таъсирининг кучайиши;

⁷⁹ Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. – М.: ВЛАДОС, 1994. – 336с., Блуменау Д.И. Информация и информационный сервис. – Л.: Наука, 1989. – 190с., Ракитов А.И. Информационная технология и информатизация современного общества. – М., 1989. [ва бошқ.]

⁸⁰ Қарағи: Журавльсва И.А. Информационное общество: учебное пособие. – Иркутск: Изд-во Иркут. гос. ун-та, 2013. – С.21.

- ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва унга кириш ҳуқуқига эга бўлиш имкониятининг сезиларли даражада ортиши;

- ахборот индустриясида банд бўлганлар сонининг ортиши ҳисобига бандликнинг замонавий шакллариغا ўтиш ва янги меҳнат ресурсларини шакллантириш;

- кишиларнинг самарали ахборот алмашинуви, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига киришини таъминловчи, ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирадиган глобал ахборотлашган майдонни яратиш⁸¹. А.Н. Арипов концепциясида ахборотлашган жамиятнинг Ўзбекистон шароитидаги хусусиятини очиб бериши нуқтаи назаридан қимматлидир.

Фалсафа фанлари номзоди М.Ёкубованинг фикрича «Ахборотлашган жамиятда ахборотга оммавий равишда эркин ва бемалол эгалик имконияти мавжуд, унинг моҳияти сифатида компьютер технологиясини ижтимоий-иқтисодий соҳанинг турли жиҳатларида жорий этишгина эмас, балки бутун машиналаштирилган ахборотлашув технологияларини шакллантириш, уларни оммавий равишда ижтимоий организмга пайвандлаш ва фаолиятнинг янги турларини пайдо қилиш мақсадида улардан фойдаланиш ҳисобланади⁸²». Бунда олим ўз эътиборини ахборотлашган жамият пайдо қиладиган имкониятларга қаратган.

Ахборотлашган жамиятда, энг муҳими, ахборот, унга эгалик қилиш ва уни бошқара олиш қобилиятидир. Ҳозирги кунда ахборотлар оқимини бошқара олиш, ўзгартириш ва керак бўлса, ундан сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатларни кўзлаган ҳолда фойдаланиш амалиёти яққол кўзга ташланади. Бунга хакер (инглизча – чопиш, синдириш сўзидан олинган бўлиб, компьютер тизимларни бузувчи маъносини беради), спиндоктор (ахборот мазмунига таъсир кўрсатиб, уни коммуникатор учун қулай шаклда ўзгартирувчи)ларни мисол қилишимиз мумкин. Тадқиқотчи В.Устьянов фикрига кўра, «кундалик турмушнинг ахборотлаштирилиши ва инсон ҳаётини ўраб олган янги ахборот майдонининг пайдо бўлиши асоратсиз кечмайди. Электрон

⁸¹Қаранг: Тешабасва Т.З., Отақўзиева З.М. Ахборотлашган иқтисодиёт: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги; Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети. –Тошкент:Алоқачи 2017.–Б.26.

⁸² Ёкубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. – Тошкент: Nishon-nosir, 2010. – Б.9.

маконда шахснинг қадрият мўлжаллари ва анъанавий муносабатлар ўзгаради»⁸³. Бу ўзгаришлар барча соҳада, айниқса, иқтисодий соҳада кўпроқ намоён бўлмоқда. Чунки бир тармоққа уланган ташкилотларда ахборот алмашиш тез, қулай ва самарали амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар билан бир қаторда, унинг ахборот жиҳатлари долзарблашмоқда. Чунки ижтимоий характердаги ахборот ўзида муайян ғоя ва қарашлар, уларнинг конкрет мазмуни акс этишини инobatга олсак, бу борадаги тезкорлик, оммавийлик ва қулайлик сиёсий, геосиёсий кучларга хизмат қиладиган ғаразли мафкуравий таҳдидларни амалга ошириш учун улкан имкониятларни пайдо қилмоқда. Зеро, ахборотлашув даврида инсонлар ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, аксарият билим ва ахборотни йиғиш, сақлаш ва унга ишлов бериш ёки уни тақсимлаш билан банд бўлади.

Маълумки, бугунги кунда фанда яратилган бирор тез фурсатларда тарқалиш имониятига эга бўляпти, бундан ташқари бошқа жойларда ихтиронинг янада такомиллашган варианты пайдо бўлмоқда. Бу жараёнларни ахборот алмашинувидаги замонавий коммуникация технологиялари иштироки билан боғлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда қатор йиллардан бери ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини яратиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари таъминланди. Ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, қуйидаги фармон ва қарорлар ҳам ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилди⁸⁴:

⁸³Устьянов В.Б. Пространство информационного общества // Информационная цивилизация: пространство, культура, человек. – Саратов., 2000. – С.7.

⁸⁴Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 2002й 30май, ПФ-3080-сон Фармони; “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар

Кўрилган чора-тадбирлар ва амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида:

- 2019 йил 24 май ҳолатига кўра, интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш йўналишида «UZ» доменидаги домен номлари сони 67 259 та (ўсиш 114%)ни ташкил этди. uMail.uz миллий электрон почта тизими фойдаланувчилари сони 627 537 дан ортди⁸⁵;

- 2018 йил ҳолатига кўра, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчи 360 та корхона томонидан 1 728 дан зиёд дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шундан 818 таси социал соҳа ва таълим йўналишида, 249 таси иқтисодиёт ва молия йўналишида, 244 таси ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларга бўлинади;

- «Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш» Комплекс дастурини бажариш доирасида электрон ҳукумат ахборот тизимлари комплекслари ва марказий маълумотлар базаларини яратиш бўйича кўзда тутилган лойиҳаларнинг 14 таси (Ягона интерактив давлат хизматлари портали, «Харид», «Солиқ», «Божхона», «Бюджет», «Нафақа», «Клиринг», «Лицензия» ахборот тизимлари комплекслари, Идоралараро интеграцион платформа, Ягона идентификация тизими, жисмоний ва юридик шахслар, автотранспортлар маълумотлар базалари, маълумотномалар регистри) жорий қилинди⁸⁶.

Таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш жараёни ҳозирги сервис соҳасида, айниқса, фаол кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотиغا кўра, 2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республикада 350,7 мингга яқин корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан, 230 мингдан ортиғи хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлардир. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,0 фоизга

тўғрисида” 2005й 8 июль, ПҚ-117-сон Қарори; “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012й 21 март, ПҚ-1730-сон Қарори; “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018й 19 февраль, ПФ-5349-сон Фармони.

⁸⁵ Ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникацияларнинг замонавий муаммолари ва ечимлари //Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. II қисм. – Фарғона, 2019 йил 30-31май – Б.6.

⁸⁶ Уша манба

кўпайган. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари соҳасидаги ўсиш эса ўтган йилга нисбатан 5,5 фоизни ташкил этади⁸⁷.

Ахборотлашган жамиятнинг ҳозирги тенденциялари жамиятнинг турли соҳаларида ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишни талаб этмоқда. Ахборот, дунё ҳақида маълумот ва билимлар тўплами сифатида, уни етказиш услубияти ва технологияси, шунингдек, уни тарқатиш ва фойдаланувчиларга етказиш тартиби замонавий жамият фаолиятида муҳим воситага айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда электрон алоқа учун янги технологик манбалар пайдо бўлиб бормоқда, улар ахборот асрининг ўзига хос хусусиятига айланиб, кишиларга ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятларни яратиб беради. Бугунги кунда маълумотни қизиққан аудиторияга етказиш функцияси нафақат анъанавий оммавий ахборот воситалари, балки ижтимоий медиа (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, фото ва видео-хостинг) томонидан ҳам амалга оширилади. Ижтимоий медиа - бу ижтимоий алоқанинг шаклларида бири бўлиб, Интернетнинг техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда шахслараро алоқани, шунингдек, виртуал ҳамжамиятлар ва қизиқиш гуруҳларига интеграциялашган шахслар ўртасида маълумот алмашилиши ва тарқатишни ўз ичига олади⁸⁸. Бу жараёнлар ахборот алмашинувининг янги хусусиятлари сифатида номаён бўлмоқда.

Бизнинг хулосаларимизга кўра, электрон маданият тизимидаги ижтимоий медиа ахборот ҳамжамияти аъзоларининг ижтимоий ўзаро таъсири ва уларнинг умумий таркибини яратишга боғлиқлиги билан ажралиб туради. Унинг доимий ўсиши инсон аста-секин глобал алоқада иштирок этиш заруратини шакллантираётганидан далолат беради. Кўпинча, ахборотнинг ҳаёт тарзи (моддий ва рақамли даражаларда) кўриниши замонавий инсоннинг асосий ахборот мезони бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, рақамли платформа орқали ижтимоий платформада бўлиш, жисмоний ҳолатга қараганда, аста-секин аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Замонавий ахборот технологияларининг фаол ривожланиши, умуман олганда, алоқа инструментларини модернизация қилиш ва

⁸⁷ Ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникацияларнинг замонавий муаммолари ва ечимлари // Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. II қисм. – Фарғона, 2019 йил 30-31 май – Б.6.

⁸⁸ Jonathan Obar, Steven Wildman. Social Media Definition and the Governance Challenge - An Introduction to the Special Issue. — Rochester, NY: Social Science Research Network, 2015-07-22. — № ID 2663153.

ижтимоий тизимнинг интеграл функцияларини ривожлантиришга эмас, балки шахсларнинг ижтимоий ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни ҳал қилиш механизмларини таркибий ўзгартиришга ҳам ёрдам беради. Бугунги кунда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий омиллар туфайли можароли вазиятнинг вужудга келиши айнан ижтимоий медиа контентда кузатилмоқда.

Виртуал мулоқот шакли ва жамиятнинг тубдан янги модели сифатида ижтимоий тармоқларни ўрганишнинг назарий ва услубий асослари М. Кастеллс⁸⁹, Р. Коллинз⁹⁰, М. Грановеттер⁹¹ асарларида ўз аксини топган. Ушбу олимларнинг асарлари ижтимоий фанларда жамиятни ўрганишга тармоқли ёндашувнинг шаклланиши тўғрисида тушуниш имконини бериб, буни ижтимоий тузилмада ижтимоий алоқалар тўплами сифатида кўриб чиқишни ва шахслараро алоқа орқали муносабатларга киришадиган акторлар ва ижтимоий агентларнинг алоқалари сифатида талқин этилади.

Ижтимоий ва гуманитар фанлардаги тармоқ назарияси - бу ижтимоий маҳсулотнинг замонавий маҳсулотини ахборот маҳсулоти сифатида илмий ва назарий асослаш ва тушунтириш бўлиб, шахслараро муносабатлар ва турли хил алоқа турлари ва ижтимоий агентларга маълумотни узатишнинг бошқа шакллари ишлаши ижтимоий оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши ва оммавийлашиши учун зарур шарт ҳисобланади.

Соҳа тадқиқотчилари ижтимоий медиа воситаларини қуйидаги гуруҳларга ажратишади⁹²:

1. Мулоқот: блоглар, мини-блоглар, ижтимоий тармоқлар.
2. Ҳамкорлик: википедия, маълумотлар контенти, янгиликлар.
3. Мультимедия порталлари: фото-хостинг, видео-хостинг, онлайн трансляция.
4. Қайта алоқа ва фикрлар алмашинуви: бизнес ҳамжамияти, савол-жавоблар ҳамжамияти.
5. Кўнгилочар платформалар: виртуал ўйинлар, онлайн ўйинлар.

⁸⁹ Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. — Екатеринбург, 2004
⁹⁰ Коллинз Р. Социология философий. Глобальная теория интеллектуального изменения. — Новосибирск, 2002.

⁹¹ Granovetter M. Social Structure and Network Analysis. Cambridge, 1982.

⁹² Saffo A L., Brake D. K. The social media bible: tactics, tools, and strategies for business success. Hoboken, N. J.: John Wiley & Sons, 2009. XVIII, —821 p.

6. Мониторинг: ижтимоий тармоқлар мониторинги ва ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиш.

Сўнги ўн йил ичида ижтимоий тармоқлар жамиятнинг ажралмас қисмига айланди. Кишилар ўртасидаги алоқаларнинг асосий улуши Интернет майдонига кўчди. Бугунги кунда дўстлар билан суҳбатлашиш, янги фотосуратлар юклаш ёки ўйин ўйнаш учун барларда, клублар ёки йиғилишларга қараганда, асосий вақтини кўпроқ ижтимоий тармоқларда ўтказишмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар одамлар билан мулоқот қилиш усулини ўзгартириш билан бирга, кунда жамоатчилик фикрига таъсир этишнинг муҳим воситасига айланган.

Хусусан, республикадаги интернет фойдаланувчилари орасида оммавий бўлган Facebook ижтимоий тармоғи ва Telegram мессенжеридида мавжуд бўлган канал, гуруҳ ва блоглар ижтимоий-сиёсий хабарлар ва муҳокамаларни жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатмоқда. Биргина Telegram мессенжеридида ўзбек тилида 27820 та канал мавжуд бўлиб, бу жами каналларнинг 15,2 % ини ташкил қилади⁹³.

Мавжуд маълумотларнинг таҳлили натижасида ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда ахборот алмашинувининг ижобий ва салбий томонлари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

2.1. Жадвал

Ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар орқали ахборот алмашинувининг ижобий ва салбий томонлари⁹⁴

№	Ижобий томони	Салбий томони
1.	Жиноятлар очилишига ёрдам бериши	Тухмат қилиш, ёлғон ахборот тарқатиш имкониятининг осонлиги
2.	Дунё воқеалари ҳақидаги янгиликлардан бохабар бўлиш имкониятининг мавжудлиги	Тарғибот, манипулятив технологияларнинг мавжудлиги
3.	Ҳар қандай одамнинг ўзини намоён қилишига имконият берилиши	Маданиятлар тўқнашуви ва виртуал зиддиятларни келтириб чиқаришга мойиллиги

⁹³<https://exlibris.ru/news/issledovanie-auditorii-telegram-2019/> Мурожаат санаси: 20 февраль 2020 йил

⁹⁴Изоҳ: Мазкур жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган (Р.Ш.)

4.	Турли хил фикрлар ва янги ғояларни муҳокама қилиш	Жамоатчилик фикрига салбий таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги
5.	Узоқда бўлган дўстлар ва қариндошлар билан алоқада булишимконияти	Анъанавий ижтимоий алоқанинг йўқолиб бориши, ижтимоий бегоналашув учун имконият яратилиши
6.	Бизнесни ривожлантириш ва маркетинг хизматларининг яхшиланиши	Истеъмолчи танловига таъсир этиш, тармоқ мониторингининг фақат бир ёқлама эканлиги
7.	Қизиқиши умумий бўлган одамларни топиш имконини бериши	Субмаданият, девиация учун асосий макон эканлиги
8.	Ахборотни тарқатиш тезлигининг ошиши	Ахборот манбасининг текширилмаслиги, фейк ахборотларнинг кўпайиши
9.	Ахборотни манзилли йўналтириш имконияти	Ахборот-психологик таъсир ўтказиш имкониятининг кенглиги
10.	Хайрия жамғармаларига ва мухтож одамларга ёрдам кўрсатиш имконияти	Фирибгарлик, товламачилик ва бошқа жиноятлар учун восита сифатида қўлланиши
11.	Турли хил муассасаларнинг фаолиятига баҳо бериш имконияти	Манфаатлар тўқнашуви юзасидан “қоралаш” технологияларини қўллаш имкониятининг осонлиги
12.	Ижтимоий сўровномалар ўтказиш ва муаммолар таҳлили	Муаммоларнинг фақат маълум ижтимоий қатлам нуқтаи назаридан таҳлил этилиши
13.	Ижод учун кенг имкониятлар	Контркултуранинг ривожланиши
14.	Янги фаолият турлари билан танишиш имконияти	Классик фаолият турларидаги асосий талабларнинг ўзгаришига таъсири
15.	Танишувлар	Ижтимоий алоқаларнинг ишончсизлиги

Central Asian Bureau for Analytical Reporting (CABAR.asia) томонидан олиб борилган тадқиқотларига кўра, Ўзбекистонликлар ижтимоий тармоқ ва мессенжерларни муқобил ахборот манбаи сифатида кўра бошлаган ва 16-45 ёш оралиғидаги кишиларнинг асосий ахборот алмашинуви манбаига айланган⁹⁵. Шунингдек, Telegram мессенжерига ахборотлар устидан назоратни амалга оширишнинг мураккаблиги шундаки, турли тақиқланган ахборотлар ҳамда фейк хабарларнинг тарқалиши учун қулай шароит яратган бўлиб, бу, ўз навбатида, ахборот аудиториясини кенгайтиришга таъсир кўрсатган.

Дарҳақиқат, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар бугунги кунда ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот материаллари уларнинг дунёқарашини, давлат ва жамиятга бўлган муносабатини. Бундай ахборот-психологик таҳдидлар сифатида ёлғон ахборот тарқатиш ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий кадриятларни емиришга, менталитетга мутлақо бегона бўлган кадриятларни тарғиб этишга, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартиришга хизмат қилмоқда. Натижада, унинг кибертерроризм ва бошқа экстремистик қарашларга эга гуруҳлар шаклланишига замин яратмоқда.

Шунингдек, мессенжерда ижтимоий-сиёсий ходиса ва жараёнларга доир шахсий фикрларини ўз обуначиларига етказиш, уларнинг мурожаатларни ўрганиш, ўз аудиториясига маълум нуқтаи назарни сингдирувчи блогерлар фаолияти ҳам оммалашган. Мутахассисларнинг фикрича, улар интернет журналистикасининг янги авлоди бўлиб, блогерлар бир йўналишда ижод қилмайди, жамиятдаги трендларга ахборотни мослаштириб, тарқатиб маълум масала бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир қилишга уринишади.

Бундан ташқари, блогерлар обуначиларни кўпайтириш ва шу орқали реклама берувчилар эътиборини тортиш учун турли шов-шувли хабарлар ва видео-роликлар тарқатиши янада оммалашмоқда. Аксарият материалларда шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлигига, шахсий ҳаётига тегишли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга қарши равишда руҳий таъсир кўрсатиш имкониятлари мавжуд.

⁹⁵<https://cabar.asia/ru/auditoriya-tsentralnoj-azii-poluchaet-novosti-iz-sotsialnyh-setej-i-messendzherov-issledovanie-iwpr/> Мурожаат санаси: 20.02.2020 й

Бундай аниқ хавфни яхши ҳис қилган БМТнинг Бош котиби Антониу Гутерриш «Бутун жаҳон электр алоқа ва ахборотлашган жамият куни»нинг 50 йиллиги муносабати билан 2019 йил 17 майда йўллаган табрик хатида мобиль алоқаси ва Интернет соҳасидаги янгиликлар барқарор ривожланиш мақсадларига хизмат қилаётганини қайд этиб, таъкидлаган эдики, «биз ушбу технологиялардан зўравонликни, нафрат уйғотиш ёки жамоатчиликни чалғитишда фойдаланилмасликни таъминлаш учун умумий жавобгарлигимизни ҳам англашимиз керак. Биз бу ва бошқа хавф-хатарларга нисбатан хушёр бўлишимиз ва технологик ютуқлардан барчанинг манфаати учун фойдаланиш йўлида кучларни бирлаштиришимиз керак»⁹⁶.

Лекин глобал тармоқнинг маълум зарарлари деб, яратган имкониятлардан ҳам воз кечиб бўлмайди. Бугун глобал ахборот маконида жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, бу ахборот маконида ўзаро манфаатлар доирасидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсирида исталган миллий ахборот маконига, кадриятларига ва қонуниятларига агрессив ахборот таъсирида кириб кириш жараёнидир.

Э.Тоффлернинг фикрича, инсоният ахборотлаштириш орқали «эволюцион тараққиётнинг янги даврига қадам қўймоқда. Бу шунчаки ўзгартирилган жамият эмас, балки бутунлай янги жамиятни куришдир⁹⁷». Бундай жамиятни куриш осон бўлмай, кўплаб назарий ва амалий аспектдаги чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда ахборотлашган жамиятга ўтишнинг ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ахборот инкирози муаммоси, яъни «ахборот кўчкиси» ва «ахборот очлиги» ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ҳал қилиниши;
- бошқа манбаларга нисбатан ахборот устуворлигининг таъминланиши;
- ривожланишнинг асосий шаклининг ахборот иқтисодиёти тарзида намоён бўлиши;

⁹⁶<https://www.un.org/sg/ru/content/sg/statement/2019-05-17/secretary-generals-message-world-telecommunication-and-information-society-day-scroll-down-for-french-version>. Мурожаат санаси: 19.11.2019 й

⁹⁷Қаранг: Тоффлер Э. Шок будучего. –М.: АСТ, 2001. –С.669.

- замонавий ахборот технологиялари ва улардан фойдаланган ҳолда билимни автоматлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш жамиятнинг асосини ташкил этиши;
- ахборот технологияларининг инсоният ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи глобал хусусиятга эга бўлиши;
- бутун инсоният цивилизациясининг ўзаро ахборот алмашилиши орқали ривожланиши;
- ҳар бир инсон учун ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилиши;
- жамиятни бошқариш инсонпарвар тамойилларининг тизимли тарзда амалга оширилиши.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар ахборот алмашинувининг асосий воситасига айланиб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда кенг қўлланиши мумкин. Кишилардаги ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш учун анъанавий ОАВнинг имкониятлари тобора қисқариб бормоқда. Шу билан бирга, ахборотни чеклаш, ёпиб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмаган ҳолда ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Интернет блоггерлик фаолияти жаҳон тажрибасида ҳам тартибга солинмаган соҳа бўлиб, унинг имкониятларини самарали йўналтириш орқалигина жамоатчилик фикри салбий руҳда шаклланишининг олдини олиш мумкин бўлади.

2.2.—§ Жамиятнинг модернизациялашувида ахборот алмашинувининг регулятив функциялари

Ҳозирги пайтда жаҳондаги глобаллашув ахборотлашган цивилизация шаклланишининг таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, ахборот алмашинуви аввалги замон шароитидан бутунлай фарқ қилади. Чунки аввал ҳар бир мамлакат фуқароси, асосан, ўз давлати ва миллати томонидан шакллантирилган ахборотлар тизими таъсирида ривожланган бўлса, энди у жаҳон миқёсида бутун инсоният яратган ахборотлар оқимининг кучли таъсири остида шаклланмоқда. Шу боис ахборотлар хуружи халқимиз ижтимоий маданиятининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Очик

ахборот тизими шароитида жаҳон миқёсида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги, ахборот-психологик хавфсизлик билан боғлиқ глобал муаммоларни ҳал қилишнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Глобаллашув жараёнида рўй бераётган ўзгаришларнинг тезлиги ва кўлами индивиднинг ён-атрофга мослашишини, содир бўлаётган ўзгаришлар йўналишларини белгилаб олишини тақозо қилмоқда.

Социологияда кенг тарқалган ёндашувлардан бири – позитивизм илм-фанда исботланган жамият қонуниятларини тезда аниқлаб, ижобий хулосалар чиқаришни талаб этади. Модернизация йўлига ривожланаётган Ўзбекистон жамиятида ҳам ахборот оқимининг ошиб бораётгани ахборот алмашинуви жараёнига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Ахборот алмашинувидаги бу миқдор ва сифат ўзгаришлари, табиий равишда, жамият ҳаётига янгиликлар олиб кирмоқда. Бошқача айтганда, ахборот алмашинувининг регулятив функцияси амал қилаётгани туфайли социумда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маълумки, «регуляция» сўзи латин тилидан олинган бўлиб, фаннинг кўпгина соҳаларида қўлланилиб, “тартибга солиш”, «тартиблаштириш», «нормаллаштириш», деган маъноларни англатади⁹⁸. Регулятив функция тартибга солиш, нормаллаштириш вазифасидир.

Агар ахборот алмашинуви ҳодисасига кенг кўламда қарасак, унинг инсон ва жамият ҳаётида нечоғли катта аҳамиятга эгаллигига гувоҳ бўламиз. Социумнинг энг кичик элементи – индивиддан тортиб, инсоният жамиятигача, яъни барчасининг мавжудлик ва ривожланиш шарт ахборот алмашинувидир. Шунга кўра, ахборот алмашинувининг регулятив функциясини тадқиқ этишда мазкур кўламни инобатга олиш зарур. Бизнингча, бу ерда социал психолог Б.Ломовнинг мулоқот структурасига⁹⁹ таянган ҳолда ахборот алмашинувининг 3та даражаси тўғрисида таҳлилиминизни илгари сурамыз:

1. Микро даражада ахборот алмашинуви. Бунда индивидлар орасида ахборот узатиш, қабул қилиш, унинг маъносини англаш жараёни кечади. Яъни мулоқотдаги шериклар ахборот алмашинуви

⁹⁸Губский Е. Ф., Кораблева Г.В., Лутченко В.А. Философский энциклопедический словарь . – М.: Инфра-М, 1997. – 576 с.

⁹⁹ Қаранг: Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. – М.: Наука, 1984. – С 271 – 273.

жараёнида ўзаро таъсир ҳолатига киришиб, бир-бири билан ҳамкорлик қилиши ёки бир-бирига қаршилик кўрсатиши, яъни тўсқинлик қилиши мумкин.

2. Мезо даражада ахборот алмашинуви. Бунда индивид билан индивид ҳамда социал гуруҳлар ўртасида муайян вақт оралиғида ахборот алмашинуви рўй беради. Бу ҳолда кишилар аниқ бир вазифани бирор-бир вақт мобайнида бажариш учун алоқага киришадилар, яъни ахборот алмашинадилар. Бундай ахборот алмашинуви билвосита амалга оширилиши ҳам мумкин. Сўнги пайтларда ҳаётга фаол кириб келаётган масофавий таълимни бунга мисол қилса бўлади.

3. Макро даражада ахборот алмашинуви. Бу индивиднинг ҳар томонлама ривожланиши учун бошқа одамлар, социал гуруҳлар билан алоқалари давомида содир бўладиган ахборот алмашинувидир. Шахснинг ким билан ва қандай (бевосита ёки билвосита) мулоқот қилиши, унинг турмуш тарзи, мулоқотнинг давомийлиги ахборот алмашинуви учун муҳим ҳисобланади.

Ахборот алмашинувининг барча – микро, мезо, макро даражалари шахс ва жамият ривожланиши учун аҳамиятга эга. Мисол учун, таълим соҳаси: мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқичларининг ҳаммасида ахборот алмашинуви асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради¹⁰⁰, дея модернизациялашув жараёни аниқ баён этилган эди. Инсонни ўзгартиришга йўналтирилган институтлардан энг биринчиси – таълим-тарбия тизимидир. Таълим тизими ҳар қандай жамият ривожланишининг асоси ҳисобланиб, унинг асосий мақсади инсоният томонидан ҳозиргача эришилган фан ва техника тараққиётининг илғор тажрибалари, назарий, амалий ва услубий билим ҳамда кўникмаларини кейинги алодга етказишдан иборат. Мамлакатимизда шакллантирилаётган интеллектуал ва технологик салоҳиятни ошириш устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришни талаб этади. Натижада, истиқболли моделларни шакллантириш имкониятини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш жараёни

¹⁰⁰ Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь. -№271 (7229)-сон.

бошланади. Бу илм-фан даргоҳлари, шу жумладан, олий таълимга ихтисослашган муассасалар фаолиятида ўзгаришларни амалга оширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорига асосан, бугунги кунда таълим соҳасида, унинг турли bosқичларида туб ислохотларни амалга ошириш, айниқса, олий таълим тизимига замонавий усуллар ва инновацион технологияларни кенг жорий қилиш тақозо этилмоқда.

Таълим ва фан соҳаларининг модернизациялашуви жамиятнинг модернизациялашуви демакдир. Таълим ва фан соҳаларини ривожлантиришнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, уни куйидагича изоҳлаш мумкин бўлади:

таълим тизими, баркамол авлод кадрларини тайёрлашдаги ўзгаришлар ва янгича инновацион ёндашувлар, замонавий касб, янгича соҳа ва тармоқларнинг барпо бўлиши ҳамда унинг мамлакатимизга зарурлиги;

«таълим» тушунчаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида муайян даврдан бошлаб, инсоният фаолиятининг алоҳида мустақил соҳасига айланади;

таълим инсон шахсининг интеллектуал-маънавий қирраларини шакллантириш, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффақиятли хизматини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, тарбия ва билим беришни англатади;

фан–жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлиб, табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. У катта илмий салоҳиятни, ижодий маънавий куч-қувватни бирлаштириб, баркамол инсонни тарбиялашга, мамлакатда кучли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қилади¹⁰¹.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 20 мартдаги видеоселектор йиғилишида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш

¹⁰¹ Қаранг: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганш бўйича илмий услубий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – Б.190.

бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Биз диссертация мавзуси доирасида ўрганилаётган муаммо айнан учинчи ва тўртинчи ташаббусда акс этган бўлиб, ушбу ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган¹⁰².

Халқимиз маънавияти, дунёқарашини ўзгартириш, унинг ҳаётида замонавий ахборот технологиялари, китоб, интернет, маданият ва санъат каби қадриятларнинг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган таянч нуқталарини мукаммал ва чуқур қарор топтиришга қаратилган 5та ташаббус ҳам ниҳоятда муҳим. Умуман олганда, бундай ислохотлардан кўзланган мақсад жамиятнинг ривожига, унинг модернизациялашувига ҳисса қўшишдир.

Хусусан, тўртинчи ташаббус доирасида ёшларда китобхонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда китоблар етказиб берилади. Шунинг баробарида, ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этилади, кўчма китоб павильонлари жойлаштирилиб, “Библиобус” лар орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизматлари кўрсатиб борилиши режалаштирилган¹⁰³.

Ушбу йўналишдаги ташаббус бўйича Республика бўйлаб 2 246 920 нафар ёшлар жалб этилиб, улар учун 10 483 та тўғарак машғулоти ташкил этилган.

Шунингдек, таълим муассаларига 2,5 млн дан ортик китоблар етказиб берилган бўлиб бу ўз келгусида ёшларнинг ахборот алмашинуви маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Жаҳон мамлакатлари тарихида улкан бурилишлар ясаган Сингапурни ўз вақтида оқилона бошқарган Ли Куан Юнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: Кўпчилик мендан Сингапурнинг бугунги тараққиёти ҳақида сўраб, шундай савол беришади: «Қандай қилиб, улкан давлатдан ажралиб чиқиб, миттигина худуд билан ривожланган давлатга айландинглар?» Бу «мўъжиза»ни қандай амалга оширдингиз?». Уларга жавобан шундай дедим: «Мен Сингапурда мўъжиза яратмадим. Мен фақат

¹⁰² <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328> Мурожаат санаси: 08.08.2020 й

¹⁰³ <https://strategy.uz/index.php?news=615> Мурожаат санаси: 19.08.2020 й

Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг куйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги «мўъжиза»ларни қилган инсонлар – муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни етиштириб чиқардилар. Бунинг учун улардан миннатдормиз!»¹⁰⁴.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган бир қанча вазифалар қўйилган бўлиб, улар таълим сифатини ошириш ва республикамизнинг барча ҳудудларида яшаётган фуқороларга уларнинг ёши, миллати, касбидан қатъи назар, таълим ресурслари ва хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратишдан иборат. Жамиятнинг барча қатламлари эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кенг спектордаги таълим хизматларини тақдим этувчи ахборот муҳитини яратиш, шунингдек, таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ютуқларини жорий этиш механизмларини шакллантириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш таълим тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тизимини ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ахборотлаштириш жараёни куйидагиларга йўл очади:

- илмий-педагогик маълумотлар ва ахборот-ресурс марказларидаги ўқув-услубий материалларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасидан, шунингдек, телекоммуникация тармоқларидан кенг фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

- жамиятни ахборотлаштиришнинг замонавий талабларига мос келувчи таълимнинг ташкилий ва услубий шаклини танлаш;

- мустақил таълим олиш, илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятини берувчи, интеллектуал салоҳиятни кўтаришга йўналтирилган ўқитишнинг услубий тизимларини яратиш;

- таълим олувчиларнинг онг ва билим савиясини назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган компьютерда тест ўтказиш ва диагностика қилиш дастурларини ишлаб чиқиб, жорий этиш.

Таълим тизимида АКТни жорий этиш, янги технологияларни қўллаш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, ўз навбатида, таълимга янгича ёндашишни, стандарт ва талабларга ўзгартиришлар

¹⁰⁴ Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Ли Куан Ю хикматлари.—Тошкент: Zamin Nashr, 2019.— Б.6.

киритишни, ўқитиш усуллари ва стратегиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

Шунингдек, АКТдан фойдаланиб, таълим тизимини бошқаришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- таълим жараёнига тегишли ўқув-услубий маълумотларни излаш ва уларни жорий этиш мақсадида компьютер тармоқларидан фойдаланиш;

- таълим олувчининг мустақил равишда янги билимларни эгаллаши, интеллектуал маҳсулотларни ўзлаштиришига имкон берувчи замонавий АКТ асосида таълим тизими фаолиятини олиб бориш усуллари яратиш ва такомиллаштириш;

- ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга мўлжалланган Web-сайтларни яратиш;

- ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда масофавий таълим орқали педагог кадрлар малакасини ошириш;

- таълим муассасасининг ўқув тарбиявий жараёнларига АКТни жорий этишда қулай шароитлар яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, иш юритиш ва ўқув юртининг ҳужжатлари айланишини автоматлаштириш;

- Интернет тармоғидаги таълим-тарбия масалаларига ёт бўлган маълумотлардан ҳимояланиш учун ахборотларни филтрлашни такомиллаштириш;

- Интернет технологияларидан фойдаланиб, аҳолининг барча қатламларига, шу жумладан, ногирон ҳамда таълим муассасасидан узоқда яшовчиларга ҳам сифатли таълим олиш имкониятини яратиш;

- таълим муассасалари раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг виртуал ахборот алмашилишларини таъминлаш;

- илмий-амалий интернет конференциялар, семинарлар, форумлар ва бошқаларни ташкиллаштириш.

Бугунги кунда таълимни бошқаришнинг бир нечта тизими мавжуд бўлиб, у Интернет ёки бошқа тармоқлар воситасида амалга оширилади. Шу тариқа таълим жараёнини реал вақт тартибда амалга ошириш, онлайн маъруза ва семинарлар ташкил этиш мумкин. Масофавий таълим тизими юқори даражада интерактивлик хусусиятига эга бўлиб, таълимни бошқариш бўйича кенг тарқалган тизимлар: Moodle, ILIAS, iSpring Online, aTutor, Bleckbord Learning System, CCNet, Chamilo, Claroline, Dokeos, HotChalk, Learn.com,

Thinking Gap, AcademLive. Бу тизимлар ичида ҳозирда энг кўп қўлланилаётган очик тизим бу Moodle тизими ҳисобланади¹⁰⁵.

Жамиятнинг модернизациялашуви ахборот алмашинувининг кўлами, ахборотнинг мазмуни, суръати, ахборот ўзатиш ва уни қабул қилиш воситалари каби жиҳатларга бевосита боғлиқ. Шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал қилувчи мезони бу инсоннинг онгидир. Ҳар бир шахс ва ижтимоий қатлам ахборотларни қабул қилишда ўзининг ёши, ҳаётий тажрибаси, менталитети, билими ва касби сингари омиллардан келиб чиқади. Табиийки, жамиятда кечадиган ахборот алмашинуви жараёнларида аҳолининг барча қатламлари иштирок этади. Аммо уларнинг орасида ёшлар қатлами бу жараёнда энг фаол иштирокчилардир.

Зеро, ёшлар ўсиш ва улғайишдаги ижтимоий демографик гуруҳ бўлиб, унинг ҳолати жамиятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи билан белгиланади. Жамият тараққиётида, бир томондан, маданиятнинг ўсиб бориши кузатилса, иккинчи томондан, ахборот технологиялари тараққиётининг тезлашуви ёшларнинг мақсад ва қизиқишларига ўз таъсирини кўрсатади. XXI асрда ахборот технологияларининг ривожланиши, ёшларнинг атроф-муҳит билан мулоқотга киришиши, билимларни ўзлаштириши ва психологик ҳолатларни бошқара олиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Коммуникация технологияларининг сўнгги йилларда тезлик билан ўзгариб, ахборотга ҳар доим «ташна» ижтимоий қатлам вакиллари ёшлар эканлигини инobatга олсак, ҳар бир коммуникацион авлод ўзгариши уларнинг тафаккур ва турмуш тарзида янгидан-янги ноаниқликларни келтириб чиқараверади¹⁰⁶.

Инглиз социологи З.Бауман замонавий жамиятда ёшларнинг ҳаёт йўлларидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи ноаниқликларни постмодерн тамойили билан боғлайди. Унга кўра: маданиятдаги плюрализм бир вақтнинг ўзида кўплаб жабҳалар, хусусан, қадриятлар, мафкура, турмуш шакли ва тарзи ҳамда бошқаларни қамраб олади; доимий вужудга келадиган ўзгаришлар; оммавий ахборот воситалари ва улар маҳсулотларининг етакчилик қилиши; мавжуд воқеликдаги асосий омилларни қамраб ололмаслик оқибатида, рамзий белгиларга эҳтиёж сезиш¹⁰⁷.

¹⁰⁵ Қаранг: Тешабоев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқариш. – Тошкент: Фан ва технология, 2018. –Б. 119-121.

¹⁰⁶ Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. – М.:Русское слово, 2009.–174с.

¹⁰⁷ Bauman Z. Intimations of Postmodernity. L.: Routledge, 1992.

Э.Тоффлернинг фикрича, ижтимоий ва технологик ўзгаришларнинг тезлашиши инсонга ташқи ва ички адаптация (мослашиш)да борган сайин қийинчиликлар туғдириб, ҳозирги замон ёшларининг тафаккури ва дунёқарашига таъсир ўтказади¹⁰⁸.

Адабиётларни таҳлил қилиш ижтимоий фанларда ёшлар ҳаётий режалари, кадр-қиммат йўналишлари, хулқ-атвор мотивацияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилинишини кўрсатди. Ёшларнинг ижтимоий йўналишини, дастурларини ва умуман, муаммоларини тадқиқ қилиш ушбу ўзига хос ижтимоий гуруҳни аниқлаш ва уни бошқалардан фарқлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига биноан: «ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар»¹⁰⁹ ёшлар тоифасига мансубдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисидаги Фармонида: «Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир»¹¹⁰, дейлади. Мамлакатимизнинг ривожланган давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни илғор илм-фан ва технологиялар асосида тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимлар ва мураккаб технологияларни эгаллаган, ижодий фикрлайдиган, юксак салоҳиятли ёшлар ҳал қилади.

Ёшлар онги ва идроки катта миқдордаги турли хил ахборотларни қабул қилиш ва акс эттириш имкониятига эга. Мазкур жараёнлар туфайли ёшларда танқидий фикрлаш шаклланиб, уларнинг салоҳияти турли жараён ва хатти-ҳаракатларга мустақил баҳо беришга, шахсий нуқтаи назардан асослаган ҳолди қатъий қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Замонавий жамиятда ахборот оқимининг кенгайиши, ўзаро ахборот алмашинувининг жадаллашуви ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнини мураккаблаштириб юборди. Ёшларнинг ижтимоийлашуви анъанавий омиллар (оила, мактаб,

¹⁰⁸ Тоффлер Э. Шок будущего.–М.: Наука, 1986. – С.74.

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрь «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги ЎРК-406-сон Қонуни

¹¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5466-сон Фармони

маҳалла ва тенгқурлар давраси)дан ташқари, виртуал оламдаги ижтимоий тармоқлар, Интернет таъсири остида кечмоқда. Бу эса модернизациялашаётган жамиятда ахборот алмашинувининг аҳамиятини ҳар қачонгидан ошириб юборди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Жамиятнинг модернизациялашуви жараёнида ахборот алмашинувини белгиловчи ижтимоий омил сифатида тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ахборот оқимларининг фрагментарлиги, шахслараро алоқаларнинг бевосита ва билвоситалиги, мулоқотнинг виртуал воқеликка кўчиши Интернет глобал тармоғини XXI асрдаги ижтимоий-маданий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантирди.

2. Барча даврларда ҳам ахборот алмашинуви рўй берганлигини инобатга олиб, инсоният ва маданиятлар, тамаддунлар тарихи ахборот алмашинуви жараёнидан иборат.

3. Ахборот алмашинувининг *микро, мезо ва макро* даражалари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси шахс ва жамият ривож учун мутлақ аҳамиятга эга.

4. Глобаллашув жараёнида ва жамиятнинг тез суръатлар билан ахборотлашиши туфайли бошқа маданиятлар элементларининг жадал интеграцияси кузатилмоқда.

5. Сўнгги йилларда электрон алоқа учун янги технологик манбалар пайдо бўлиб бормоқда, улар ахборот асрининг ўзига хос хусусиятига айланиб, кишиларга ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятларни яратиб беради. Бугунги кунда маълумотни қизиққан аудиторияга етказиш функцияси нафақат анъанавий оммавий ахборот воситалари, балки ижтимоий медиа (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, фото ва видео-хостинг) томонидан ҳам амалга оширилади. Бу ахборот алмашинувининг янги хусусити сифатида намоён бўлмоқда.

6. Замонавий дунё ривожланишининг муҳим хусусияти – бу сўнгги ўн йил ичида ижтимоий тармоқлар жамиятнинг ажралмас қисмига айланганлигидир. Кишилар ўртасидаги алоқаларнинг асосий улуши Интернет майдонига кўчди. Бугунги кунда дўстлар билан суҳбатлашиш, янги фотосуратлар юклаш ёки ўйин ўйнаш

учун кишилар барлар, клублар ёки йиғилишларда эмас, ўз вақтини кўпроқ ижтимоий тармоқларда ўтказишмоқда.

7. Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларни ахборот алмашинувининг асосий воситаси айлантириб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда кенг қўллаш мумкин. Кишилардаги ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш учун анъанавий ОАВнинг имкониятлари тобора қисқариб бормоқда.

8. XXI аср жамияти кенг кўламли ва чуқур ўзгаришлар натижасида принципиал янги кўринишдаги ижтимоий тизим ва ижтимоий эҳтиёжларнинг мутлақо бошқа матричасини шакллантирувчи ижтимоий жадал ўзгаришлари билан ажралиб туради. Бунда Интернет тизими коммуникацион маданиятнинг муҳим элементи эканлигини эътиборга олиш керак. Натижада коммуникацион маданиятнинг глобаллашув жараёнлари тубдан ўзгаришларни бошидан кечириб ҳамда назарий ва амалий социология фани томонидан ҳозиргача қайд этилмаган бир қатор функцияларни рўёбга чиқармоқда.

9. Ахборот технологиялари соҳасидаги туб ўзгаришлар оқибатида ижтимоий институтлар турли тизимостилари, ҳодисалар ва жараёнларга жиддий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистон жамиятининг глобал, постиндустриал дунё маконига виртуал интеграциядашуви каби қайтарилмас жараённинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

10. Таълим тизимини ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Таълим тизимига АКТни жорий этиш, янги технологияларни қўллаш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, ўз навбатида, таълимга янгича ёндашишни, стандарт ва талабларга ўзгартиришлар киритишни, ўқитиш усуллари ва стратегиясини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу жараёнлар жамиятнинг модернизациялашувида ахборот алмашинувининг регулятор вазифасини бажаришга хизмат қилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1.– §. Ёшларда ахборот алмашинуви маданиятини янада ошириш йўллари

Сўнгги йилларда республикамизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида ахборотлашган жамият сари ривожланиб борар эканмиш, ҳар бир инсон атрофида ахборот оқимларининг жамланмаси шу қадар катта, хилма-хил ва тармоқланганки, у ахборот муҳити қонунларини билиш ва ахборот оқимларини ҳаракатлантириш қобилиятини талаб қилади. Умумий маданиятнинг бир қисми бўлган ахборот маданияти инсон ижодий қобилиятлари йиғиндисиدير.

Мутахассисларнинг таъкидлашича¹¹¹, бугун ахборот шиддат билан янгиланиб, ҳажман ошиб бормоқда. Натижада, билимнинг ўсиш суръати илгарилаб кетмоқда. Ўтган асрларда инсон ҳаётини, шартли равишда, иккига ажратиб, ўқиш даври ва иш даврига бўлишган. Шу нуқтаи назардан Ҳазрат Алишер Навоий:

«Йигитлигда йиг илмининг маҳзани,

Қарилиш чоғи харж қилгил ани»¹¹², –деб бежизга қайд этмаганлар.

Ахборот саводхонлиги ахборот функцияларини тушуниш, мазкур функцияларни амалга ошириш сифатини баҳолаш ва ўз-ўзини ифода этиш, шунингдек, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш учун ахборотлар билан рационал ҳамкорликка киришишга ургу беради. Ахборот саводхонлиги шахсда ахборот маконида фойдаланилаётган технологиялардан қатъи назар ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини онгли равишда шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ ҳисобланади. Шахсни ахборот жамиятида яшашга ахборот орқали тайёрлаш муаммоси анъанавий равишда халқаро ҳамжамият ва энг аввало, халқаро ташкилотлар диққат марказида туради. ЮНЕСКО медиа ва ахборот саводхонлигининг ривожланишига кўмаклашади ва уни «инклюзив, очик, иштирокчи ва плюралистик билимлар жамиятини барпо этиш

¹¹¹Выступление Генерального директора ЮНЕСКО Коитиро Мацуура на открытии Всемирного конгресса информационных агентств «Информационные вызовы XXI века» [Электронный ресурс] // <http://www.ifap.ru/pr/2004/040924a.htm>

¹¹²Алишер Навоий. Тарихя анбёе ва ҳуқоми. Ж 8. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.602.

учун замин», деб ҳисоблайди. Масс-медиа ва ахборот технологияларининг инсонлар ҳаётига таъсирининг ўсиб бориши муносабати билан халқаро ҳамжамият олдида инсонни ахборот жамиятида яшашга тайёрлаш долзарб муаммо сифатида пайдо бўлди. Ушбу муаммолар ечими глобал даражада ЮНЕСКО ва ИФЛА (International Federation of Library Associations) хужжатларида, жумладан, Медиатаълим бўйича Грюнвальд декларациясида (1982 й.), «Ахборот саводхонлиги ва бутун умр давомида таълим олиш бўйича Александрия декларацияси»да (2005 й.), «Париж дастури ва медиатаълим бўйича 12 тавсия» (2007 й.) хужжатларида ўз ифодасини топган¹¹³.

Бугунги кунда компьютерлар, уларнинг тармоқ ва тизимлари, улкан ҳажмдаги ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланишда, айниқса, ахборот маданияти феноменининг глобал аҳамиятини англаш талаб этилади. Ахборот маданияти феномени ахборотлаштириш асрига ўтишнинг универсал ижтимоий муҳим категорияси сифатида хизмат қилади. Техника ва технологиянинг ривожланиши, ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши, ўз навбатида, жамиятнинг ахборот маданиятига эга бўлиши – бу ҳар бир инсоннинг ўзлигини англашида, социумдаги ўрни ва вазифасини билишида катта аҳамиятга эгадир.

Таълим ахборот маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, таълим олиш тизимининг ривожланиши ва унда ҳар бир индивиднинг самарали тарзда ахборотга эга бўлиши ҳамда ундан мақсадли фойдалана билиши жамиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Ахборотлашган жамиятда кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг ахборот маданиятига, бинобарин, ахборот алмашинуви маданиятига эришувида ахборот саводхонлиги босқичи мавжуд.

«Ахборот саводхонлиги» («Information literacy») ибораси, дастлаб, 1974 йилда АҚШ Дастурий таъминот ва ахборот саноати ассоциациясининг Президенти Пол Зурковски томонидан кутубхоналар ва информатика бўйича миллий комиссия номидан ёзилган ҳисоботда қўлланилган. Зурковски ушбу иборани ахборот бўйича саводли, ўз муаммоларини ҳал қилишда бирламчи манбалардан ташқари, кенг кўламли ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган кишиларга нисбатан,

¹¹³Федоров А. В. Медиаобразование // Большая российская энциклопедия. Т.17.– М.: Большая российская энциклопедия, 2012. – С. 480.

уларнинг муайян техникаси ва кўникмаларига нисбатан ишлатган¹¹⁴.

Кейинги ўн йилликлар давомида «ахборот саводхонлиги» АҚШнинг кундалик ҳаёти, мактаблар, иш жойларида энг фаол тушунчага айланди. Ушбу тушунча эволюциясига расмий асос АҚШ Президенти маъмуриятининг ахборот саводхонлиги тўғрисидаги ҳисоботи бўлди. Унга кўра, ахборот саводхонлиги: «Ахборотга бўлган эҳтиёжни ҳис қилиш, уни топиш, унга баҳо бериш ва ундан самарали фойдаланиш учун керак бўладиган малакалар тўпламидир»¹¹⁵.

АҚШ Кутубхоналар уюшмасида ахборот саводхонлиги масаласига 1989 йилдан буён жиддий этибор қаратиб келинади. Бу йўлда АҚШ Президенти ҳузурда махсус ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, «Ахборот саводхонлиги» атамаси айнан мана шу ишчи гуруҳ фаолияти натижасида оммалашган¹¹⁶.

Охириги бир неча йиллар мобайнида умумий ахборот саводхонлигини ривожлантириш лозимлиги жамиятимизда ёшлар билан ишлашнинг асосий тамойилларидан бирига айланди. Фикр юритиш ва ахборотни баҳолаш ахборот саводхонлигини англашда янги мазмун касб этади.

Ахборот саводхонлиги бўйича хорижий мамлакатларда турли меъёрлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 1998 йили Америка Мактаб кутубхоналари уюшмаси ҳамда Таълимий коммуникация воситалари ва технологиялари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган «Талабаларнинг таълим олишдаги ахборот саводхонлиги стандартлари»ни киритиш мумкин. Унда 12 йиллик таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчилар учун ўрнатилган ахборот саводхонлиги стандартлари белгилаб берилган. Шунингдек, мазкур стандартлар ўрнига «Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш: мактаб кутубхоналари дастурлари учун йўриқномалар», деб номланган ҳужжат амалга киритилган бўлиб, унда кутубхонанинг технологиялар, амалий ўрганиш ва билим олиш даргоҳи сифатидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган¹¹⁷.

¹¹⁴ https://ru.qwe.wiki/wiki/Information_literacy // Мурожаат санаси: 15.02.2020 й.

¹¹⁵ Кей Энн Кассел ва Ума Хайрмат. XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари: иккинчи таҳрир. – Тошкент: Baktria press, 2014. – Б.325.

¹¹⁶ Уша асар. – Б.326.

¹¹⁷ Уша асар. – Б.327.

АҚШда қабул қилинган «XXI аср талабаси учун стандартлар» деб номланган йўриқномада эса талабалар малака, манба ва билим олиш воситаларини қуйидаги мақсадларга йўналтириши лозимлиги белгиланган. Булар: маълумот излаш, танқидий ўйлаш, билим олиш, хулосалар ясаш, тегишли маълумотга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш, билимни янги вазиятларга йўналтириш, янги билимларни яратиш, билим алмашиш ва шахсий камолот ҳамда эстетик жиҳатдан ўсишга интилишдир¹¹⁸.

Мазкур стандартлар олий таълим соҳасидаги ахборот саводхонлиги масалаларига бағишланган баҳс-мунозаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, ахборий саводхон киши мезонларига ҳам худди анъанавий зиёлига қўйиладигани сингари талаблар қўйилади. Чунончи зиёли киши бировнинг ижод маҳсулига дахл қилишдан ўзини тияди. Ахборот саводхонлигига эришган киши ҳам, гарчи маълумотлар очик манбаларда мавжуд бўлса-да, ундан кўр-кўрона ўзлаштиришдан ўзини асрайди. Унинг маънавий-ахлоқий сифатлари бунга йўл қўймайди. Бировнинг илмий-ижодий маҳсулидан истифода қилишнинг жамиятда ўзига яраша мезонлари, қонун-қоидалари мавжуд. Ҳар қандай шахс, хусусан, талаба-ёшлар ана шу қонун-қоидаларга оғишмай амал қилиш кўникмасини ўзлаштиргандагина уларни ахборий саводхон, ахборот маданиятини ўзлаштирган, деб аташ мумкин.

Шундай қилиб, «ахборот саводхонлиги» атамаси ишлатилганда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар ҳар қандай зиёли киши ахборотлашган жамиятда муваффақиятли фаолият юритиш учун фақат бир ёки бир нечта кўникмаларга эмас, балки катта билимлар комбинациясига, мукамал қобилиятларга ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишни назарда тутадилар.

«Ахборот саводхонлиги»ни мураккаб тушунча сифатида таърифлаган рус мутахассислари ҳам унинг таркибига ахборотни қидириш (топиш), таҳлил қилиш, анъанавий муҳит (кутубхона, китоб)да ва янги, электрон муҳитда керакли маълумотларни олиш имкониятини киритишган. Бироқ рус мутахассислари «ахборот саводхонлиги» тушунчасини кенгроқ, яъни шахснинг ахборот маданиятининг бир қисми сифатида тавсифлашган. Шахснинг ахборот маданияти, ахборот саводхонлигидан ташқари, ўзига хос

¹¹⁸Ўша асар. – Б.327.

..ахборот дунёқарашига эга бўлиши, ахборот билим ва кўникмаларни эгаллашда ишонч шаклланиши, ахборотлашган жамиятда яшовчи индивиддан муайян томонидан қандай мақсадларга эришиш лозимлигини англаши; маълумотлардан тўғри фойдаланиш учун масъулиятни ҳис этиши кабиларни қамраб олади¹¹⁹.

Юқоридаги фикрларга яқин нуқтаи назар ўзбекистонлик олимлар ишларида ҳам мавжуд. Хусусан, социолог А.Умаровнинг эътирофича: «Олдинги анъанавий жамиятларда, шунингдек индустриал жамиятда ҳам мутолаа маданияти ахборот маданиятига нисбатан устун мавқеда эди. Лекин постиндустриал жамиятнинг ҳосиласи бўлган ахборотлашган жамиятга ўтилиши билан ахборот жамият ва инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларида асосий ресурсга айлангач, ахборот маданиятининг кўлами ва мавқеи ошгани аниқ бўлиб қолди. Энди, ахборот маданияти тизим ясовчи категория мақомига кўтарилди, мутолаа маданияти эса шу тизимнинг ажралмас қисми сифатида жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади»¹²⁰.

Бугунги кунда ахборот маданиятини шакллантириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ахборот оқимининг жадал ўсиб бориши, тақдим этилаётган маълумотлар орасидан зарур ва фойдалиларини ажратиб билиш мураккаб жараёнدير. Бунинг учун ҳар бир шахс мустақил фикрга эга, дунёқараши кенг, ахборотдан ўзи учун кераклигини ажратиб олиш саводига эга бўлиши лозим.

Ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш турли «ахборот босими» таркибидан миллий тараққиёт манфаатларига мосларини тўғри танлаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш масаласига ойдинлик киритиб олиш лозим. Бу эса қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ахборот олиш, уни тасарруф этишда ахборотнинг мазмун-моҳиятига, унинг ҳақиқий эканлиги, қайси омилларга

¹¹⁹ Қаранг: Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международный и российский подходы к решению проблемы//Проблемы образования. – №5–2007. – С.58-69; Формирование информационной культуры личности: теоретическое обоснование и моделирование содержания учебной дисциплины / Н. И. Гендина, Н.И.Колкова, Г.А.Стародубова,Ю.В.Уленко.–М.: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества,2006.–512с.; Медиа-и информационная грамотность в обществах знания / Сост. Кузьмин Б. И., Паршакова А. В. – М.: МЦЭС, 2013. – 384 с.

¹²⁰Умаров А.А. Мутолаа ва ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот- кутубхона муассасаларининг ўрни//Фан, таълим маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари. IX Халқаро конференция. Central Asia 2015. –Тошкент: 2015. – Б.190.

асосланганлиги ва қандай мақсадда тарқатилаётганига эътибор қаратиш;

- ахборотнинг қандай натижа бериши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, уни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий томонларини аниқлаб, сўнгра муайян бир хулосага келиш;

- ахборотга онгли, юксак тафаккур билан ёндашиш ва уни керак ҳолларда синтез қилиш, салбий фикрларга қарши, ахлоқий-руҳий шароитлар яратиш;

- ахборотда ижобий фикрларни жонлантириш, тарғиб этишда миллий қадриятларга асосланиш. Бу ишни аниқ тарихий вазият билан ривожлантириш учун давом этаётган ички ва ташқи шароитлар билан муттасил боғлаб олиб бориш;

- мавжуд ахборотда жамиятдаги плюралистик илмий ғояларни сақлаган ҳолда, индивиднинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига қаршилик қилмаслик;

- ёшларда ахборот маданиятининг шаклланганлигини ҳисобга олиб, ундан самарали фойдаланиш, бажариладиган ишларнинг таъсирчанлигини пухта назорат қилиб туриш орқали жамиятда мустақкам барқарорликни таъминлашга эришиш зарур.

Дарҳақиқат, ахборот маданиятига эришиш сари интилаётган ёшларга «ахборот таҳдиди», «ахборот хавфсизлиги», «ахборот хавфи»ни тушунтириш зарур. Зеро, ҳозирги даврда инсоннинг ҳар бир фаолияти ахборот билан, яъни ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уни етказиш билан боғлиқ. Бинобарин, глобал ахборот алмашинуви жараёнида ижобий ахборот билан бирга салбий ахборот ҳам мавжуд. Замонавий янги технологиялар жамият, инсонлар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги муносабатларнинг янги шакллари юзага келтирди. Масалан, ижтимоий тармоқлар ва уларда ахборот алмашинувининг янги шакллари тобора оммавийлашиб бормоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг ижтимоийлашуви ҳам рўй бермоқда. Ҳар бир ижтимоий тармоқ шакли жамият аъзоларининг социал мансублиги, касби, гендер ва ёш хусусиятларидан қатъи назар, уларни ўз аудиториясига жалб қилиш имкониятига эга. Бу ҳол, ҳатто, сиёсий иштирок жараёнига ҳам таъсир этиб, уни мутахассислар «рақамли демократия»¹²¹ деб номлашган.

¹²¹Қаранг: Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари. – Тошкент, 2005. – Б. 121-123; Никулина Ю. В. Цифровая

Глобал «ўргимчак тўри»нинг имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бориши натижасида, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг турли хил жиной гуруҳлар ва террористик ташкилотларга жалб қилинганини кузатишимиз мумкин. Шундай бир вазиятда ахборот хавфсизлиги масаласи ўта долзарб муаммога айланган.

Ахборот хавфсизлиги нечоғлик муҳим бўлишига қарамай, уни талқин қилишда ҳалигача яқдил ёндашувга эришилган эмас. Масалан, «ахборот хавфсизлиги» тушунчасига берилган баъзи таърифларни келтирамиз.

- Ахборот хавфсизлиги – ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари; ахборот ресурслари; ахборот инфратузилмаси.¹²²

- Ахборот хавфсизлиги – ахборотнинг номақбул ошкор қилинишидан (конфиденциаллигининг бузилишидан), бузилишидан (яхлитлигининг бузилишидан), йўқотилишидан, модификацияланишидан ёки фойдаланувчанлик даражасининг пасайишидан ҳамда ноқонуний тиражланишидан ҳимояланганлиги¹²³.

- Ахборот хавфсизлиги – кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли, комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Ушбу муаммони ҳал этиш учун ҳуқуқий, маъмурий, процедурали ва дастурий-техник чоралар қўлланилади¹²⁴.

- Ахборот хавфсизлиги деганда, биз ахборот ва уни қўллаб-қувватловчи инфратузилмаларнинг тасодифий ёки қасддан, табиий ёки сунъий таъсирлардан ҳимояланганлигини тушунамиз, одатда, бундай таъсирлар ахборот муносабатлари субъектларига, шу жумладан, ахборот эгалари ва фойдаланувчиларига ҳамда ёрдамчи инфратузилмаларга зарар етказиши мумкин¹²⁵.

Маълум бўладики, мутахассислар «ахборот хавфсизлиги» таъриф беришда тушунчасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишидан тортиб, миллий хавфсизликнинг

демократия и электронное участие в информационном обществе // Философско-гуманитарные науки : сб. науч. стат. – Минск: РИВШ, 2016. – С.97-104. – Вып. 15.

¹²² Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари. – Тошкент, 2005. – Б. 165.

¹²³ Ganiyev S.K., Karimov M.M., Tashev K.A. Axborot xavfsizligi. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2017. – В. 3.

¹²⁴ Каримов И.М. Тургунов Н.А. Ахборот хавфсизлиги асослари: дарслик. – Тошкент: ИИБ Академияси, 2016. – Б. 5.

¹²⁵ Макаренко С.И. Информационная безопасность. – Ставрополь: СФ МГТУ им. М.А. Шолохова, 2009. – С. 20.

таъминланишигача бўлган кенг қамровли ҳимоя тадбирларининг назарий, амалий-техник ва услубий жиҳатларини инобатга олишган.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғриси»даги Қонунининг 3-моддасида «ахборот борасидаги хавфсизлик» тушунчаси мавжуд ва унга: «ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати»¹²⁶, деб таъриф берилган. Демак, Қонунда биз муҳокама қилаётган «ахборот хавфсизлиги» ҳақида сўз бормоқда, аммо бу ерда шундай мақомдаги ҳужжатлар услубига мос равишда, тушунчанинг умумий белгиларигина санаб ўтилган.

Ахборот хавфсизлигининг моҳиятини очиб бериш учун шу ибора билан ифода этиладиган «ахборотнинг беэриклиги» ва «ахборотни муҳофаза қилиш» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Ахборотнинг беэриклиги деганда, маълумотларнинг маъно-мазмун жиҳатдан хавфсизлиги, яъни унда одамни салбий хатти-ҳаракатларга ундайдиган, унинг психикасига қасддан негатив таъсир кўрсатадиган механизмларнинг бўлмаслиги ёки маълумот блокинни ишдан чиқарадиган компьютер дастурлари, хусусан, компьютер вируси деб номланган турли дастурий маълумотлар мавжуд эмаслиги тушунилади. Ахборотни муҳофаза қилиш деганда, ахборотни ташқи таъсирлардан, жумладан, ноқонуний нусха кўчириш, тарқатиш, ахборотнинг маъносини ўзгартириш ёки уни йўқ қилишга уринишлардан ҳимоялаш тушунилади.

Ахборот хавфсизлиги ҳақида гап борар экан, бу феноменга ҳам объект, ҳам субъект позициясидан туриб ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳам ахборотни олувчи, ҳам ахборотни берувчининг вазиятини назарда тутиш керак. Ахборотни жисмоний жиҳатдан бутунлигича, тўқислигича сақлаш ва унга зарар етишидан асраш масаланинг техник томонига боғлиқ муаммо ҳисобланади. Ахборотнинг мазмунига сингдирилган, унга яширинган бузғунчи мақсаднинг етказиладиган маънавий-руҳий кўламини аниқлашга ўлчов топиш қийин.

Кейинги пайтларда ОАВда «ахборот босими», «ахборот агрессияси», «ахборот экспансияси», «ахборот хуружи», «ахборот

¹²⁶Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғриси» ги 2002й 12 декабрдаги 439-ИИ-сон Қонун. <https://www.lex.uz/acts/52268>

қуроли», «ахборот таҳдиди» ва бошқа шу каби атамаларнинг қўлланилаётгани тасодифий эмас. Буларнинг барчаси: инсонларга очик ёки яширин, ижтимоий гуруҳларга бевосита ёки пинҳона таъсир ўтказиш орқали, кишиларни тўғри йўлдан адаштириш, жамоатчилик фикрини ўзгартириш, жамиятни барқарорликдан чиқаришнинг турли усулларидир. Глобал дунёнинг бундай хатарлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг куйидаги сўзлари диққатга сазовор: «Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда»¹²⁷.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги, энг аввало, инсон маънавияти, унинг онги ва иродасига қарши қаратилган таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, мақсади, шакли, усули, услуб ва воситаларини синчиклаб ўрганиш ҳамда илмий асосда фош этишга боғлиқ. Рус олими Д.Ловцовнинг фикрича : «Ахборот қуроллари тушунчаси замирида бирор халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини ва давлатнинг ахборот-технологик, ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади»¹²⁸.

Шу нуктаи назардан жамиятдаги мавжуд барқарорликни таъминлашда бугунги кунда шаклланаётган ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти булган ижтимоий тармоқлар, улардаги ахборотдан фойдаланишда ижтимоий ва сиёсий амалиётни инobatга олмасликнинг иложи йўқ. Индивидларнинг социумдаги барча янги хатти-ҳаракатлари маданиятда синовдан ўтган, анъанавий мазмунларга қиёсланади. Шунинг учун Ю.Хабермас «маданият», «жамият» ва «шахс» тушунчаларининг мазмунини хатти-ҳаракатлар, амални тушуниш ва англаш орқали талқин этилиши билан белгилаб: «Мен интеракция иштирокчилари оламдаги бирон-бир нарсани тушуниш учун таркибидан шарҳларни излайдиган билим захирасини маданият деб атайман. Мулоқот иштирокчилари ўзларининг ижтимоий гуруҳларга мансублигини

¹²⁷Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизми қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.125

¹²⁸Ловцов Д.А. Информационные войны. // Полис. 2012. №4.- С.24-25.

белгилайдиган ва шу орқали бирдамликни таъминлайдиган легитим тартибларни жамият деб атайман. Шахс деганда мен, субъектнинг нутқни ўзлаштиришга ва ҳаракатга қодир қиладиган, яъни унга тушунишга эришиш жараёнида иштирок этиш ва шу орқали ўз мансублигини тасдиқлаш имконини берадиган компетенцияларни тушунаман»¹²⁹, – дея таъриф берди.

Дунёда ахборот алмашинувининг тезлашуви натижасида маданият, илм-фан соҳасига кириб келган, миллат маданиятига таъсир этувчи маънавий таҳдидлар янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада, четдан кириб келаётган салбий ахборот, айниқса, айрим ёшлар онгини индивидуализм, эгоцентризм каби бузғунчи ғоялари билан заҳарлаётган маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши туриш давр талабига айланди. Бунда миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳини шакллантирган ҳолда маънавий таҳдидларнинг олдини олишга эришишимиз мумкин. Зеро, маънавият энг аввало, миллатни, миллий маданият ва миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади. Шундай экан, глобаллашув жараёнида мамлакат миллий маданиятига раҳна солувчи маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда инсонларнинг билимли, юксак маънавиятли бўлиши муҳим омил ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш алоҳида ўрин тутади.

Олий маълумотли ёшларнинг мамлакат аҳоли улушида кўпчиликни ташкил қилиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий стратегик захираси ҳисобланиб, бундай захирасиз жамиятни маърифий асосдаги иқтисодий тарққиётини таъминлаш имконсиздир. Шу сабабли мамлакатни модернизация қилиш йўлида мураккаб, кенг миқёсли вазифаларни ҳал этишга имкониятига эга, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини тайёрлаш замонавий демократик жамият қуришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилганининг замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассамлашган. Буни Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги: «Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг

¹²⁹Хабармас, Ю.Теория коммуникативного действия// Вестник Московского университета. – Серия7: Философия. –1993. – №4. –С.43.

таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз. Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз»¹³⁰, деган сўзларидан билса бўлади.

Жамиятда ахборот алмашинуви жараёнларига, аҳолида ахборот маданиятининг юксалишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил бу – глобал ва маҳаллий коммуникация тармоқларининг давр талабларига муносиб равишда ривожланишидир. Давлатимиз рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш учун юксак ахборот технологияларини иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига босқичма-босқич жорий этмоқда. «Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак».¹³¹ Юртбошимиз томонидан қўйилган бу вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам технологик имкониятлар мавжуд. Бироқ ялпи интернетлашув жамиятда ва шахслараро ахборот алмашинувини янада тезлатиши, ахборот алмашинуви ҳажмини ошириши билан бир қаторда, ахборот хуружларининг кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. Фуқаролар, айниқса, ёш авлодни глобал тармоқнинг салбий таъсиридан сақлаш учун ўз вақтида давлат томонидан барча хавфсизлик чоралари кўриб қўйилиши зарур. Хусусан, ахборот соҳасидаги хавфсизликни ишончли таъминлаш учун «Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги Доктринаси»ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш жамият ривожини билан бевосита боғлиқ ахборот алмашинуви маданиятини оптималлаштиришга олиб келиши сабабли у мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Шу боис фуқаролар, аввало,

¹³⁰Ўзбекистон Республикасини Президентини Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 25 январь.

¹³¹Ўзбекистон Республикасини Президентини Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 25 январь.

ёшларни янги замонавий технологияларга ўқитиш ва улардан фойдаланиш тажрибасини шакллантириш, шу билан бирга шундай технологияларни яратиш ва такомиллаштиришда уларнинг кенг иштирокини таъминлаш асосий таълим тизимининг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар олдига янада чуқур билим эгаллаш, катта кўламдаги ахборотни тўла ўзлаштириш ва ундан самарали фойдаланишни долзарб вазифа қилиб кўяди.

Ахборот маданияти бугунги кунда инсондан янги компетентлиликни, жумладан, ахборот-коммуникация мулоқотини ташкил этиш, медиа ва ахборот муҳити билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, замонавий ахборот технологияларини кўллаш кўникмаларини эгаллашни талаб қилмоқда.

Замонавий жамиятда ахборотни танлаш, баҳолаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги кўникма ва малакаларни ошириш зарурати туғилиб, бунинг учун ахборот саводхонлиги, ахборотга эгаллик, уни баҳолаш ва ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишнинг муҳимлиги ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда замонавий инновациялар ва техник тараққиёт намуналари жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланиши билан бир қаторда, ёшларнинг ресоциализация ўзгариши омили ҳам ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ёшлар ўртасидаги ахборот алмашинуви маданиятининг шаклланиши ҳолатини аниқлаш мақсадида олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба ёшларнинг ахборотга бўлган талабини ўрганиш бўйича социологик сўровнома ўтказилди¹³².

Сўровнома Тошкент шаҳар ва вилоятдаги умумий 12 та олий таълим тизимида таҳсил олаётган 796 та талаба ёшлар, 208 та профессор-ўқитувчилар ва шу таълим тизимидаги ахборот-ресурс марказида фаолият юритаётган 38 та кутубхоначилар ўртасида ўтказилди. Респондентларнинг ижтимоий-демографик характеристикаси, ёш таркиби куйидагича: талабалар 18 ёшдан– 33

¹³²Социологик сўровнома Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Низоомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг 5 та филиали (Урганч, Фарғона, Самарқанд, Қарши ва Нукус) да таҳсил олаётган 796 нафар респондент иштирокида ўтказилди, шундан 63% ини эркаклар, 37%ини аёллар ташкил этади.

ёшгача, профессор-ўқитувчилар 30 ёшдан - 55 ёшгача, кутубхоначилар 35–58 ёшдан юқори.

Сўровнома, тадқиқот дастурида кўзда тутилган барча вазифаларни инобатга олган ҳолда икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич ёшларнинг ахборот алмашинуви жараёнидаги замонавий тенденциялар тадқиқ этилган бўлса, иккинчи босқич ахборот-кутубхона фаолияти ва хизматларидан ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши масалалари тадқиқ этилди.

3.1-жадвал.

Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида олиб борилган тадқиқотда қатнашувчилари тақсимоти ҳақида маълумот

№	ОТМ номи	Жами талабалар сони	Жами профессор-ўқитувчилари сони	Жами кутубхоначилар сони	Умумий
1	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	68	20	4	92
2	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	72	18	3	93
3	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида	56	14	4	74
4	Ўзбекистон Давлат жохон тиллари университети	58	14	4	76
5	Тошкентдавалат педагогика университети	61	14	3	78
6	Тошкент Давлат аграр университети	65	12	4	81
7	Тошкент ахборот технологиялари университети	87	22	4	113
	Жами:	467	114	26	607

3.2-жадвал.

Вилоятлардаги олий таълим муассасаларида олиб борилган тадқиқотданшироқчилар тақсимоти ҳақида маълумот

№	ОТМ номи	Жами талабалар сони	Жами профессор-ўқитувчилари сони	Жами кутубхоначилар сони	Умумий
1	ТАТУ Фарғона филиали	56	17	2	75
2	ТАТУ Урганч филиали	68	19	2	89
3	ТАТУ Нукус филиали	87	22	3	112
4	ТАТУ Самарқанд филиали	61	20	3	84
5	ТАТУ Қарши филиали	57	16	2	75
	Жами:	329	94	12	435


Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларни индикаторлар асосида ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш давр талабига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон Қарори билан тасдиқланган «2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси»да куйидагилар белгиланган: «Жамиятда юксак маънавий қадриятларнинг қарор топиши ахборот-кутубхона муассасалари олдига шахсга бўлган эътиборни кучайтириш, унинг умуммаданий даражасини ошириш, маънавиятини юксалтириш каби вазифаларни қўяди»¹³³.

Ахборотлашган жамиятда ахборот макони ва ахборот маданияти бир-бирига узвий ривожланганини инobatга олган ҳолда, ахборот маданияти, ахборот саводхонлиги, ахборот таълими каби йўналишларнинг янада такомиллаштирилиши ҳамда бунга турли ижтимоий институтлар ва тизимларнинг таъсири даражасини чуқур таҳлил этиш муҳим саналади. Шу билан бирга, ахборот алмашинуви маданияти ва ахборот саводхонлиги ролининг ўсиши ахборот маконида содир бўлаётган ўзгаришлар тавсифи ҳамда унга таъсир қилувчи ижтимоий маданий омилларнинг сабабларини аниқлаш бугунги кун нуктаи назаридан долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида тилга олинган тушунчаларнинг қўлланилиши ва бугунги кунда ахборот маданиятини ўрганишга бўлган интилишнинг асосий мақсади ҳам ахборотнинг яратилиши, унинг тарқалиш жараёнини англаш, тижорат, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ва диний мақсадларда тарқатилаётган ахборотнинг моҳиятини англаган ҳолда уни баҳолай олишга йўналтирилгандир.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровномада иштирок этган 28% респондент – «ахборот» тушунчаси «воқеа-ҳодисаларнинг тизимли тафсилоти», 22% респондент – «аҳамиятли бўлган ҳар қандай маълумот», 16% респондент – «бирор нарса тўғрисидаги маълумот», 22% респондент – «инсон фаолиятида зарур бўладиган маълумотлар», 11% респондент – «ОАВда бериладиган маълумотлар» деб жавоб берди, сўров иштирокчиларининг 1%и мазкур саволга жавоб беришим қийин, дейиш билан чекланган.

¹³³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ- 4354- сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4372449>




3.1- расм. Сиз учун ахборот тушунчаси нимани англатади?

«Ахборот алмашинуви тезлашган бир пайтда ахборотлар Сизнинг турмуш тарзингиз ва дунёқарашингизга таъсир кўрсатадими?», (2-илова 3.2.- расм) деган саволга 32% респондент – «таъсир кўрсатмайди», деб, 29% и «ахборотга бўлган иммунитетим шакланган», 27% и «инсоннинг ўзига боғлиқ», 10% и «қисман таъсир кўрсатади», 2% и «жавоб беришим қийин», деб жавоб қайтарган.

Маълумки, ҳозирги кунда ахборот алмашинуви жараёнида интернет тармоғи асосий ўринни эгаллаб келмоқда, шу билан бирга, бошқа воситалар ҳам ўз фаолиятини замонавий тенденциялар асосида қайта кўриб чиқиб, ахборот маконида рақобат олиб бормоқда. Аини шу рақобат муҳитида ахборот соҳасининг рақамли технологиялар асосида амалга оширилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилардан янги ахборот маданияти шакллариини ўзлаштиришни талаб этмоқда.

Таҳлилларга кўра, ёши катта ва ёши кичиклар ўртасида корреляция алоқадорлигини респондентлардан 21%и ахборот манбаини – телевидение, 13%и – босма ахборот манбалари (китоб, газета, журналлар), 7%и – радио, 28%и – интернет тармоғи, 6% и – ён-атрофимдаги одамлар, 15%и – социал тармоқлар ва мессенжерлар (Facebook, Twitter, Telegram, WhatsApp ва бошқ.) ва бор-йўғи 10%и кутубхоналар, деб жавоб қайтарган (3.2.-расм).




3.2.-расм. Респондентларнинг асосий ахборот манбаи

Ҳозирги даврда жамоатчилик томонидан интернет, аудио ва видео маълумотларни алмашиш орқали электрон конвергенциянинг ривожланиши, турли янгилик ва маълумотлар олиш, ижтимоий тармоқлар орқали кишиларнинг ўзаро ахборот алмашинуви маданияти, мулоқот қилишда трансформация таъсирига доир ижобий ва салбий фикрлар билдирилмоқда. Айниқса, ёшларнинг ўзига хос ёшга доир хусусиятлари, ижтимоий муносабатлардаги кескин ўзгаришларни турлича талқин қилиш мумкин.

Интернет тармоғи орқали маълумотлар ва ахборотлар олиш ёшлар орасида кенг оммалашгани аниқланди. Шунингдек, яна бир жиҳати тадқиқотимиз иштирокчиларининг 6%и ён-атрофидаги одамлар улар учун асосий ахборот манбаи эканлигини билдиришган. Бу эса кишилар тобора ўзлари мустақил равишда бирор-бир маълумот ёки ахборот олишга интилаётганидан далолат беради.

Кейинги савол ўрнида респондентларга: «Сиз, асосан, интернет тармоғидан қандай мақсадларда фойдаланасиз?» деб мурожаат этганимизда, уларнинг 78%и, яъни 620 нафари «ижтимоий тармоқлардан мулоқот учун» деб жавоб беришган. Ушбу савол доирасида респондентларга бир нечта жавоб вариантини белгилаш имкони берилган бўлиб (3.3.-расм.), респондентларнинг 42%и янгиликлардан хабардор бўлиш учун интернетдан фойдаланишса, жавобларда касб ўрганиш, таълим олиш зарурати (35%) ҳамда ўз фаолиятини ривожлантириш учун

(32%) каби ахборот алмашинувидаги янги тенденциялар ҳам кузатилди.



3.3.-расм. Сиз, асосан, интернет тармоғидан қандай мақсадларда фойдаланасиз?

Ахборот макони рақамлаштирилиб борар экан, ундаги маълумотлар ҳам чексизликка қараб интилиб боради. Бу жараёнда ахборот мазмунини таҳлил қилиш, кейин эса унинг истемоли ва алмашинувини амалга ошириш муҳим саналади. Сўровнома доирасида айти шу масалада респондентларга: «Илтимос, ўзингиз фойдаланадиган интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқ маълумотларини баҳоланг» қабилдаги савол билан мурожаат этдик.(2-илова 3-жадвал, 3.4.-расм.). Унга кўра, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва билим олиш имкониятини оширишга респондентларнинг 62,5%и ижобий таъсир этади, деган тўхтамга келган бўлса, 31 %и яхши таъсир этади деб жавоб беришган. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда интернет ва ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билими ва таржрибасини оширишга қаратилган контентлар кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, шахсий мулоҳаза қобилиятини ривожлантиришини деярли 66% респондент яхши ва ижобий баҳолашган бўлса, айти жавоб вариантыда «салбий таъсир этади», деб ҳисобловчилар 25,2% ни ташкил қилган.

Шунингдек, респондентлар интернет тармоғини турли товар-хизматлар рекламаси учун имкониятига (45,8%) ҳамда фойдаланувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам

беришига (56,2%) ижобий таъсир этишини баҳолашган бўлса-да, бу борада салбий қарашга эга респондентлар мос равишда 47,3% ва 37,8%ни ташкил этиши ушбу йўналишдаги ахборотларни ёшлар бирдек қабул қила олмаслигини билдирмоқда.

Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларнинг жахон ахборот макони билан алоқа ўрнатиш имконияти талаба-ёшлар томонидан ижобий баҳолашиб, уларнинг улуши 93,4% ни ташкил қилган, фақатгина 2,3% респондент интернет сайтларнинг ушбу имкониятини салбий баҳолаган. Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларнинг шахсий маълумотларни бошқалар билан баҳам кўриш воситаси сифатидаги функцияси 22,5% респондент томонидан салбий баҳоланган бўлса, энг эътиборлиси – 65,1% респондентнинг жавоби ижобий руҳда бўлган. Таъкидлаш лозимки, қўйилган барча мезонлар бўйича салбий жавоб вариантларининг ўртача улуши 22% дан ошмаган. Бу ёшларимиз томонидан ушбу ахборот воситаларининг ўзлари учун қулай ва фойдали бўлган контентларидан фойдаланишаётганини билдирса-да, тадқиқотимиз доираси бир ОТМ талабаларини қамраб олганлиги ҳам бундай кўрсаткичларга сабаб бўлган. Бундан ташқари, сир эмаски, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда кўплаб салбий таъсирга эга ахборотлар мавжуд, улар борасида уюшмаган ёшлар ёки мигрант сифатида чет элда юрган ёшларимиз бошқача фикрда бўлишлари мумкин.

Маълумки, рақамли ахборотлар истеъмолчига тез ва осон етказилиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ахборот истеъмолчиси бир вақтнинг ўзида уни қайта ишловчиси ёки тарқатувчисига айланиши ахборот алмашинуви маданиятидаги ўзига ҳосликлардан бири ҳисобланади. Бу борадаги тенденцияларни аниқлаш мақсадида респондентларнинг интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардан олган маълумотларини бошқаларга улашиши борасидаги фикрларини ўргандик (3.4.-расм). Унга кўра, респондентларнинг деярли 60% и (58%) маълумотларни бошқалар билан баҳам кўришини таъкидлаган. Улар жавобларида бошқалар янгиликлардан беҳабар қолиб кетмасликлари, ўзларига ёққан нарсаларни бошқалар билан баҳам кўриш ҳисси юқорилигини таъкидлашган, 19% респондент баъзан вазият ва маълумотга қараб, бу ишни амалга оширишини билдирган бўлса, 12% респондент ҳар қандай ахборотни ҳар ким ўзи излаб топгани маъқул, деб ҳисоблашади. Эътиборлиси, 9% респондентнинг

фикрича, баъзи интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда маълумотларни тарқатганлик учун рағбат берилишини ҳам белгилаб ўтишган. Бу ҳам ижтимоий тармоқ маркетинги ёки ахборот тарғиботида кенг қўлланилаётган технология бўлиб, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда маълумотнинг долзарблигини оширишга қаратилган. Лекин ушбу технологиядан турли ахборот-психологик таъсир этиш учун ҳам фойдаланиш мумкинлигини унутмаслигимиз керак.



3.4.-расм. Сиз интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардан олган маълумотларни бошқалар билан баҳам кўрасизми?

Респондентларга 7-савол ўрнида, юқоридаги сўров натижасига «ҳа» деб жавоб берган респондентларнинг интернет ва ижтимоий тармоқ орқали қандай мазмундаги маълумотлар улашишини аниқлаштиришга ҳаракат қилдик, ушбу саволга респондентларнинг жами 85% (676 нафар) и ўз муносабатини билдирган бўлса, шулардан 3% (20 нафар) и «жавоб беришим қийин» вариантида тўхталишган. Шунингдек, саволнинг хусусиятидан келиб чиқиб, респондентларга бир нечта жавоб вариантини танлаш имконияти берилган. Сўров натижаларига кўра (3-жадвал), респондентларнинг 59%и таълим ва бошқа ўқув манбаларига оид маълумотларни бир-бирлари билан алмашишган. Бу ҳолат, асосан, тадқиқот иштирокчиларининг ОТМ талабаси эканлиги ҳамда таълим ва касбий маҳоратини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиши, шунингдек, интернет тармоғида ўқув манбаларидан

фойдаланиш ва ўзаро алмашилиш қулай эканлиги билан изоҳланади.

Респондентларнинг 1/3 қисми (36%) фойдали маслаҳатлар, касб-хунар сирлари ҳақидаги (32%) маълумотларни ҳамда ижтимоий-сиёсий янгиликларни (26%) бошқалар билан баҳам кўришини билдирган. Юқоридаги жавоблардан хулоса қилиш мумкинки, талаба-ёшлар ўртасидаги ахборотлар алмашинуви нисбатан ижобий кўринишда бўлиб, ўзларнинг жамият ҳаётига ижтимоий мослашуви ва ўз фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилашда фаол эканликларидан далолат беради.

Шунингдек, ушбу сўров доирасида талаба-ёшлар орасида бўш вақтни ўтказишга мўлжалланган материаллар (19%), шахсий ҳаётига оид маълумотлар (9%), турли товар ва хизматлар рекламаси (8%) каби жавоб вариантларини белгилашган. Бу бугунги ёшлар орасида ушбу ахборот воситалари улар ижтимоий ҳаётининг бир қисмига айланганлигидан далолат беради.


3.3-жадвал

Сиз ўз яқинларингиз, дўстларнингиз ёки бошқа фойдаланувчиларга кўпинча қандай мазмундаги маълумотларни улашасиз?

№	Жавоб вариантлари	Фонслар
1.	Фойдали маслаҳатлар	36%
2.	Таълим ва бошқа ўқув манбалари	59%
3.	Ижтимоий-сиёсий янгиликлар	26%
4.	Қизиқарли фото ва видео материаллар	19%
5.	Турли товар ва хизматлар рекламаси	8%
6.	Шахсий ҳаётим ҳақидаги маълумотлар	9%
7.	Касб-хунар сирлари ҳақидаги маълумотлар	32%
8.	Жавоб бершим қийин	3%

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётдан ислохотлар сабабли ёшларнинг ўзини ҳар томонлама ривожлантиришига имконият яратилмоқда. Хусусан, ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги асосий қонунлардан бири – «Ахборатлаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 3-бандида ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш ахборатлаштириш борасидаги давлат сиёсатининг

асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, дея қайд этилган¹³⁴. Ёшлар тобора жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этар экан, уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Сўровнома доирасида «Фикрингизча ОАВ, жамиятимиздаги ёшларни ўзига жалб қила оляпти деб ўйлайсизми?» деган савол билан мурожаат этганимизда (3.5-расм) респондентларнинг фақатгина 11% и қатъий тарзда «ҳа, албатта» деб жавоб беришган.




3.5.-расм. Сизнинг фикрингизча, ОАВ жамиятимиздаги ёшларни ўзига жалб қила оляптими?

Респондентларнинг 46% и “ҳа, лекин фақат хусусий ОАВ ва интернет сайтлари ёшларни жалб қила олаётганини” таъкидлашган бўлса, 39%и салбий тарзда: «Ўўк, ёшлар, асосан, ижтимоий тармоқлар орқали ахборат олишларини» билдиришган. Шунингдек, 3% респондент ҳар қандай ОАВ фаолияти қониқарсиз эканлигини қайд этган. Юқоридаги жавоблардан хулоса қилиш мумкинки, ахборот соҳасидаги рақобатда хусусий ОАВлар аҳолининг кенг қатлами бўлган ёшларни жалб қилиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этган бўлиб, ижтимоий тармоқларда ҳам ўз саҳифалари орқали ахборотга бўлган эҳтиёжни қониришга қаратилган фаолият турларини кенг йўлга қўйган. Лекин давлат расмий ОАВи борасида бундай фикрни билдира олмаймиз. Ҳозирда

¹³⁴Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 11 декабрдаги 560-ИИ-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/83472>

ёшларни ўзига хос тарзда, уларнинг қизиқишларига мослаб, ахборотларни таҳрирлаш ва уларни етказиб бериш усуллари нисбатан хусусий интернет сайтлари ва бошқа ОАВ да яхши йўлга қўйилган бўлса-да, унинг ҳаққонийлиги ва текшириб кўриш борасидаги имкониятлари сўроқ остида қолади. Лекин шунда ҳам кенг оммага шов-шувли ва долзарб деб қабул қилинган мавзулар қайта-қайта такрорланиб, маълум маънода ёшларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ўзгаришларга ундаши мумкин.

Ёшларнинг таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва бўш вақтидан самарали фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёс. Зеро ёшларни салбий одатлар ва турли ахборот-психологик хуружлардан асраш ҳамда ахборот иммунитетини ва маданиятини шакллантириш учун ахборот-коммуникация теҳнологияларини самарали қўллаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу борада талаба-ёшлар имкониятини ўрганиш мақсадида ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасасидаги йўналишларида ахборот-коммуникация теҳнологияларини қўллаш имкониятини ўргандик. Натижаларга кўра, Тошкент шаҳридаги ОТМ талабаларининг 89 %и ижобий характердаги жавоб вариантини танлаган бўлса, вилоятдаги ОТМ ларда бу кўрсаткич 35% ини ташкил қилган (3.6-расм). Шунингдек, мос равишда пойтахтдаги ОТМ талабалари «паст даражада» (6 %) ва «имконият йўқ» (3%) деб жавоб беришган бўлса, уларнинг аксарияти Тошкент давлат аграр университети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ҳиссасига тўғри келган. Вилоятдаги ОТМ талабалари орасида салбий жавоб вариантларининг улуши 59% ни ташкил қилган.



3.6.-расм.Сиз тахсил олаётган йўналишингиз бўйича ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш имкониятини қандай баҳолайсиз?

Юқоридаги жавоблардан хулоса қилиш мумкинки, баъзи бир таълим йўналишларида рақамли ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича муаммолари мавжуд. Бу, ўз, навбатида, ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига салбий таъсир қилибгина қолмай, касбий фаолияти доирасидаги ахборот алмашинувига ҳам таъсир этади. Шунингдек, бўш вақтдан самарали фойдаланиш ахборот-психологик хуружлар таъсирига тушиб колмасликда ҳам энг таъсирчан чора-тадбирлар сирасига киради.

3.2.- §. Ахборот омилини англашнинг социологик таҳлили

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий сохани ривожлантиришда ҳамда модернизация қилиш жараёнларида халқаро андозаларга таяниш талаб этилади. Зеро замонавий жамиятда ахборот кутубхона муассасаларида, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари, жумладан, миллий кадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдиган аҳолига ахборот кутубхона хизмати кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш зарур. Бунда кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб - авайлаш ва бойитиш, ахборот - коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига

ахборот кутубхона муассасалари фаолиятини такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда¹³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сонли Фармойишида мамлакатимизда муҳим соҳа ривожини билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этиб ўтилди¹³⁶. Ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди. Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»¹³⁷ги ПҚ-3271-сон Қарори қабул қилиниб, унда ноширлик, китоб савдосини ривожлантириш, ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш чора-тадбирларини белгилаш билан бир қаторда, ёшларнинг ахборот маданиятини кўтаришга қаратилган «мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай маҳсулотларни арзон нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш»¹³⁸, деган топшириғи бежиз берилмаган эди.

¹³⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, ПҚ 4354-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4372449>

¹³⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сон Фармойиши. “Халқ сўзи”, 2017 йил 13 январь.

¹³⁷Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3338600>

¹³⁸«Халқ сўзи» газетаси 2017 й 14 сентябрь № 184 (6878).

Демак, давр талабини инобатга олган ҳолда, ахборот маданиятининг бир бўлаги бўлган китобхонлик маданиятини ҳам замонавий кўринишда тарғиб этиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ахборот - кутубхона муассасалари ахборот, маърифий ва маданий дам олиш муассасаси ҳисобланади. Ахборот-кутубхона муассасаларининг вазифаларидан энг асосийси — фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. Бинобарин, самарали ахборот алмашинув жараёнларини ташкил қилиш ва муассасанинг фаолият вазифаларига мутаносиблигини аниқлаш ахборот - кутубхона хизматининг самарадорлигини таъминлайди. Китобхонлар, яъни муайян кутубхона фойдаланувчиларининг ахборотга талаб ва эҳтиёжлари фойдаланилаётган китобларга боғлиқ. Бу ахборот кутубхона ва ахборот хизматларининг доимий фойдаланувчилари талабларини мониторинг қилган ҳолда таклифлар билдириш, шунингдек, уларнинг сифатини назорат этиш имконини беради. Давлатнинг маданий сиёсати кутубхоналарда китоб тарқатиш ва китобхонликка жалб этишда жамоат институти сифатида асраш, уларнинг фаолиятини модернизациялаш чораларини кўришга йўналтирилган.


Талабаларнинг касбий сифатларни янада яхши ўзлаштиришларида ахборот-кутубхона хизматининг ўрни катта. Нафақат талабалар, балки барча ёшларни ахборот-кутубхона муассасаларига жалб қилиш орқали ёшларда ахборот маданиятини ижобий шакллантириш имкониятига эга бўламиз.

Шу масалаларни ўрганиш мақсадида сўровномамизнинг иккинчи блогини айнан ахборот-кутубхона фаолиятини ўрганишга бағишладик.

Тадқиқотимиздан ўрин олган «Ахборот-ресурс марказига аъзомисиз?» деган саволга жавобларни таҳлил қилар эканмиз (2-илова 3.2.-расм), 83% респондент — ахборот-ресурс марказига (кутубхонага) аъзолигини, 17% и — энди аъзо бўлишни режалаштираётганини қайд этган.

«Агар аъзо бўлсангиз қандай мақсадда фойдаланасиз?», деган саволга 35% респондент — ишончли ахборотларни олиш мақсадида фойдаланишини кўрсатган (3.7.- расм), 31%и — излаган маълумотларини ҳар доим топа олганлиги туфайли, 18% и асосан, ўзи учун керакли ахборотларни олиш мақсади борлигини айтиб ўтдилар. 5% иштиракчи «ретроспектив маълумотлар кўплиги ва улардан оқилона фойдаланиш учун бораман », 7% респондент

ТАТУнинг Фарғона филиали, Урганч филиали ахборот-ресурс марказининг хизмат кўрсатиш сифат даражаси юқориликни қайд этиб ўтган, 4%и «бораман» деб жавоб қайтарган. Шунингдек, экспертлар фикрича, олий таълим муассасаларига 1-босқичга қабул қилинган талабалар ОТМ ахборот-ресурс марказларига мажбурий аъзо қилиш орқали рўйхатдан ўтказиладилар. Тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, тесқари тенденция сўровда иштирок этган экспертларнинг кўп қисмининг таъкидлашича, 20% талаба-ёшлар ахборот-ресурс марказидан доимий фойдаланади.



3.7- расм. Ахборот-ресурс марказидан қандай мақсадда фойдаланасиз?

Респондентларнинг 35% и ишончли ахборотларни олиш мақсадида ва 31% и – у ерда ўзлари излаган маълумотларни ҳар доим топганликлари туфайли боришларини қайд этишган. Жавоблар олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари фонди яхши таъминланганидан далолат беради, бундан ташқари, талабаларнинг ишончли ахборотларни айнан ахборот-ресурс марказларидан топиб ишлатиши муҳим масаладир.

«Қандай кутубхона ресурсларидан фойдаланишни афзал кўрасиз?» деган саволга талабаларнинг аксарият қисми анъанавий китоблардан кўра, электрон кутубхона ресурсларидан фойдаланишларини айтиб ўтганлар (69 %). Ушбу кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган талабалардан олинган жавобларда акс этган.

«Электрон кутубхона ресурсларидан фойдаланишда ахборот-ресурс марказингизда қандай шароитлар мавжуд?» деган саволга

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари томонидан барча қулайликлар мавжуд (62%), Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона, Қарши, Урганч филиалларида таҳсил олувчи респондентларнинг 54% и эса «қулайликлар мавжуд эмас»лигини қайд этишган. Экспертларнинг маълумотига кўра, талабалар, асосан, сессия пайтида ташриф буюришлари, сессия пайтида анъанавий китобларга эҳтиёж қупайиши айтиб ўтилган.

Сўровда иштирок этган кўпчилик экспертлар қишлоқларда яшайдиган ёшларни марказлардан узоқда жойлашган маданият муассасаларининг ривожланишига эътибор қаратиш ҳамда моддий-техник базасини замон талабларига мослаштириш мақсадга мувофиқдир, деб таъкидладилар.

Айниқса, ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар ташаббуси билан ОАВда доимий ёритиб бориш, давлат бюджетидан давлат буюртмаларини бажариш учун маблағлар ажратилиши орқали янги инновацион ёндашувлар ёрдамида ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Респондентларнинг ярмидан кўпи – 62,9% (382) и кутубхоналарга интернетдан фойдаланиш учун ташриф буюрсалар, 15,4%(94) респондент дўстлар ва ишхонада ҳамкасблар билан мулоқот қилиш учун ташриф буюришларини айтганлар.


Эксперт сўрови иштирокчиларнинг жавоблари ахборотни излаш усули ва манбалари кўпроқ кишининг ёшига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Талабалар ахборот-ресурс марказига дарс тайёрлаш учун борадилар, чунки бу маскан тинч ва бу ерда маълумот излашда кутубхоначи ёрдамига таянадилар. Нукус эксперт сўрови иштирокчиларини ташкил этган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ахборотни интернетдан излашда, кутубхонага муайян адабиётни қидириб боришади.

Талабалар ва профессор-ўқитувчилар қандай сабабларга кўра интернетдан эмас, кутубхонадан ахборот олишни афзал кўради? Эксперт сўрови иштирокчилари кутубхонанинг қуйидаги афзалликларини қайд этишди:

ахборотнинг аниқлиги (Самарқанд, Нукус, Фарғона) ва тўлиқлиги (Тошкент шаҳар);

кутубхона ва интернет ресурсларидан комплекс фойдаланиш имконининг мавжудлиги (Қарши ва Урганч).

Ўзбекистондаги ахборот-кутубхона муассасалари муваффақияти замирида кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ётади. Бунинг учун кутубхоначилар фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини яхши билишлари, хизмат кўрсатиш қулайлигини оширадиган, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи инновацияларни жорий этишлари керак. Сўров давомида респондентларга устувор кутубхона-ахборот хизматлари ва кутубхона тадбирлари шаклини аниқлаш имконини берувчи қатор саволларга жавоб бериш таклиф қилинди. Маълумот ва маслаҳат олиш учун 207 киши (47,6 %), маданий-оммавий тадбирларда иштирок этиш учун эса 103 киши (23,7%) кутубхонага мурожаат қилиши маълум бўлди.




3.8.-расм. Кутубхона-ахборот хизматлари ва кутубхона тадбирлари

Сўнгги йилларда жаҳон «электрон илмий-таълим ресурслари» атамасидан кўп фойдаланилмоқда. Жаҳон электрон илмий-таълим ресурслари дунёнинг етакчи компания ва нашриётларининг илмий таълим электрон ресурслари бўлиб, улар фан, таълим, маданият тармоғида лицензияли ахборот ресурсларидан фойдаланмоқда. Улар бизнес соҳаларини ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқда. Хусусан, бугунги кунда кутубхоналарнинг локал тармоқлари:

EBSCO, eLibrary, JSTOR, ProQuest, Emerald va Springer каби илмий-таълимий электрон ресурс базаларига уланиши, ушбу ахборот ресурслари профессор-ўқитувчилар, тадқиқотилар, талабаларга илмий тадқиқот ва ўқув жараёнларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашда янги имкониятларни очиб бермоқда. Тақдим этилаётган электрон ресурслар фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда¹³⁹.

Шунингдек, социологик тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, ОТМда таҳсил олаётган талабалар жаҳон электрон илмий-таълимий ресурсларидан фойдаланиши бўйича: 17%и – EBSCO, 35% и – eLibrary, 7% и – JSTOR, 5% и – ProQuest, 4% –Emerald, 4% респондент Springer, деб жавоб қайтарган бўлса, 28%и жавоб бермаган. Тадқиқот таҳлиliga кўра, eLibraryдан фойдаланишда талабаларнинг фаоллиги кузатилса-да, бироқ 28% талаба ахборот ресурсларидан фойдаланмайди. (3.5.-расм).



3.9.-расм. Талабаларнинг жаҳон электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичи (% ҳисобида)

Шунингдек, талабалар хорижий илмий-таълим онлайн ахборот ресурсларидан веб-сайтлар орқали ҳам фойдаланиши замонавий таълимнинг ривожланиши ахборот технологияларининг такомиллашиши билан эмас, балки илмий-таълим ахборотнинг

¹³⁹Қаранг: Raxmatullayev M.A. Ganiyeva B.I. Jahxon axborot resurslari. –Toshkent: Aloqachi, 2019. – 188 б.

янги манбалари мавжудлиги билан белгиланмоқда. Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув ва илмий фаолиятда муҳим ўрин тутди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида, асосан, бир нечта хорижий тилларда эркин гаплашиб, инглиз тилини мукамал биладиган ёшларимиз, илмий-таълим онлайн ахборот ресурсларидан муаммосиз фойдаланиш кўрсаткичи динамик ўсаётганлиги аниқланди. Ёшларга социал мобиллик контекстида қараш, маънавий «интеллектуал-мулк» сифатида трансформациялашув тенденциялари социологик жиҳатдан корреляцион боғланиб, Нукус, Самарқанд, Фарғона университетлари талабаларининг илмий-таълим ресурслардан 21-22 ёшдагилари ахборотдан рационал фойдаланиши, яъни ахборот алмашинувининг ижобий томонларини кўришимиз мумкин.

Респондентларнинг ахборот-ресурс марказидаги компьютерлардан қандай мақсадларда кўпроқ фойдаланишини тадқиқ этганимизда, уларнинг ярмидан кўпи (57%) кутубхонага кириш имконияти бор интернет сайтларидан фойдаланиши аниқланди. Бундан ташқари, бир қанча респондентлар электрон каталог (16%) ва визуал кўргазмалар (9%)дан фойдаланишини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари, баъзи респондентлар ушбу компьютердан кўпроқ матн териш ёки уни чоп қилиш (9%) ва ҳужжатларни электрон етказиш (3%) мақсадида ҳам фойдаланишини билдирган.

3.4-жадвал.

Ахборот-ресурс марказларидаги компьютерлардан қандай мақсадларда кўпроқ фойдаланасиз?

№	Жавоб вариантлари	Фонз
1.	Компьютерда матн териш ёки уни чоп қилиш	9%
2.	Ҳужжатларни электрон етказиш	3%
3.	Кутубхонанинг сайтларидан фойдаланиш учун	57%
4.	Электрон каталогдан фойдаланиш	16%
5.	Виртуал кўргазмалар	9%
6.	Жавоб беришим кийин	2%
7.	Бошқа хизматлар	4%

Эксперт сўрови иштирокчилари билан муҳокамаalarda кутубхона сайтларининг фойдаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ


талабалари томонидан қайд этилган. Кўриниб турибдики, кутубхоналар ўз сайтлари устида доимий ишлашлари, уларни доим қизиқарли ва долзарб контентлар билан тўлдириб боришлари, фойдаланувчиларнинг электрон ресурслар, хизматлар, сайт дизайни тўғрисидаги фикрларини ўрганиб боришлари лозим. Кутубхонанинг ижтимоий имижини шакллантириш учун истиқболли йўналиш - ижтимоий тармоқларда кутубхонанинг akkaунтини яратиш лозим.

Сўровнома жавобларини таҳлил қилар эканмиз, кутубхона тадбирларининг энг устувор йўналиши – ахборот тадбирлари, деб 282 (46,4%) киши ҳисоблайди. Адабий-муסיқий кечалар деб – 27,2 %, оммавий акциялар деб – 26,8 % ва кўнгилочар характердаги тадбирлар деб, 26 % и жавоблар деярли тенг бўлинди. Мулоқот ва баҳс тадбирлари ёшлар ўртасида оммалашиши кераклигига қарамасдан, уларга бор-йўғи 15,3 % респондент боришни маъқул кўрган. Таълим тадбирларининг (компьютер саводхонлиги, чет тиллар курслари) кераклигини 45 киши (6,1 %) таъкидлаган (2-илова, 3.15- расм).

Эксперт иштирокчилари кутубхоначиларга ўз ижодий салоҳияти устида ишлашни тавсия қилишди. Чунки у кутубхона ишига инновацион ёндашувнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, фаолиятни яхшилашга хизмат қилади. 30 ёшгача бўлган респондентлар бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш кутубхона хизматларини сифатли тақдим этишга ёрдам бериб, кутубхона тадбирларини янада қизиқарли ва талабгир қилади, деб ҳисоблашган. Ушбу гуруҳ фикрига кўра, кутубхонада янги китоблар муҳокамаси, турли тақдимотларни ўтказиш, таниқли инсонлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, кўргазмалар ўтказиш керак. Ёшлар ўртасида ахборот алмашинув маданиятини шакллантиришда «Китобсевар Ўзбекистон» адабий марафони, «Ўқийдиган ёшлар учун», «Чегарасиз адабиёт» акцияларини мунтазам ташкиллаштириш заруратини қайд этишган.

Тадқиқотлар натижасида фойдаланувчиларни жалб қилиш учун энг қулай ахборот усули ташқи рекламадан – 225 киши (37,1%), телефон алоқасидан – 212 (34,9%) киши фойдаланиш кераклигини белгиллаган. Шунингдек, ОАВ –164 (27 %) киши, кутубхона сайти афишаси – 137 киши (22,6 %), электрон почта – 48

киши (7,9 %), бошқалар – 34 киши (5,6 %) тақсимланган. (3.10.-расм).



3.10.-расм. Фойдаланувчиларни жалб қилиш учун қандай методлардан фойдаланиш керак?

Ёши катта профессор-ўқитувчилар кутубхона тадбирлари ва хизматлари тўғрисида ахборотни телефонларидан олишни маъқул кўради. Эксперт иштрокчилари эса тадбирлар ва кутубхона фаолияти рекламасини қониқарли эмас, деб ҳисоблайдилар. Йирик реклама баннерлари самарасизлиги учун унинг ўрнига, электрон қурилмалар қўлланилган масофавий ахборот воситалари, хусусан, электрон почта, SMS-хабарлар, ижтимоий тармоқлар орқали хабар беришни маъқул кўрадилар.

Иккала усул натижаларига кўра, аҳоли анъанавий хизматларни, вақтинча фойдаланиш учун ҳужжат беришни ёқлайди. Замонавий шароитда алоқа воситалари ва ОАВ, ижтимоий тармоқларда кутубхоналар ўз хизматларини сифатли реклама қилиши керак.

Этиборли жиҳати, респондентлар кутубхоналарга баҳо берганда, унинг фонди ва керакли ахборотнинг мавжудлигини мезон қилиб олишган. Уларнинг айримлари – 206 киши (33,1%) кутубхоналар фондидан қониқмаслигини айтишган. Уларнинг фикрига кўра, ҳар доим ҳам излаган китоблари топилмаслигини қайд этишган. Сўров иштирокчилари замонавий адабиёт, даврий

нашрларнинг етишмаслигини ёзишган. Шунингдек, китобларнинг кўпи эскирганлиги ҳам айtilган.

Кутубхоналар фондиди шакллантиришда адабий ва соҳаларга оид китоблар, даврий нашрларни эътиборга олиш зарур. Анъанавий китоблар жамиятда етакчи аҳамиятга эгаллигини 605 киши (58,1%) танлаган. Фақат 80 (7,7%) та респондент электрон форматда ахборот олишни маъкул кўрган. Кутубхонанинг интернетга оид камчиликларини 97 киши (9,3 %) ёзишган. Шунингдек, моддий-техника базасини яхшилаш, интерьерни тузатиш, ўқув заллари шароитини яхшилаш масалаларига (260 нафар – 25% респондент) ҳам эътибор беришган (3.11.-расм).



3.11.-расм. Кутубхона фаолиятини яхшилаш учун қандай чоралар зарур?

Урганч, Қарши ва Фарғона шаҳарлари эксперт иштрокчилари «кутубхоналар ёшлар учун жозибали жой эмас», деб қайд этишган, лекин улар кутубхоналар хизматидан фойдаланиб туришади. Ёшларнинг фикрича, асосий эътибор кутубхоналарни янгилашга, максимал компьютерлаштиришга, замонавий интернет, ёзги ўқиш хоналарига қаратилиши керак. Бундан ташқари, кутубхона ичида кафелар, буфетлар бўлиши истагини билдиришган. (2-илова 3.9.-жадвал).

Самарқанд ва Нукус шаҳарлари респондентлари фикри: «Техник жиҳозланган кутубхоналарда интернетдан фойдаланиш имкони бўлиши керак, китоб фонди мунтазам янгиланиб туриши лозим, даврий нашрлар, профессионал мутахассислар ва қулай шароит бўлиши керак».

Респондентларнинг кўпчилиги (570 нафар – 54,4%) кутубхона ходимларининг хушмуомалалигини қайд этишган, уларнинг маҳоратига юқори баҳо беришган. Эксперт иштирокчилари хизмат кўрсатиш замонавий даражада бўлиши кераклигини, фойдаланувчиларга тезкор хизмат кўрсатилиши, мутахассислар маҳорати юқори бўлиши лозимлигини билдиришди. Респондентларнинг 357 (82,1%) нафари кўрсатилаётган хизматдан қониқишини, кутубхонага бориш салбий эмоцияларни кўзгамаслигини айтишган. Бирок 115 (26,4%) киши ушбу саволга жавоб беришдан бош тортишган (2-илова 3.18.-расм). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кутубхона фонди ўз вақтида янги соҳага оид бадиий адабиётлар, даврий нашрлар билан янгиланиб туриши керак.

Кутубхона муваффақиятининг асосида кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ётади. Бунинг учун кутубхоначилар фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини яхши билиши, хизмат кўрсатиш қулайлигини оширадиган, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи инновацияларни жорий этишлари керак. Сўров давомида респондентларга устувор ахборот-кутубхона хизматлари ва кутубхона тадбирлари шаклини аниқлаш имконини берувчи қатор саволларга жавоб бериш таклиф қилинди.

Эксперт иштирокчиларнинг аксарияти йирик кутубхоналарни уйларининг ёнида бўлишини исташган. Тадқиқот натижаларининг таҳлилига кўра, респондентлар кутубхонани дам оладиган, маданий даражани кўтарадиган ёки суҳбатлашиб ўтирадиган жой сифатида қабул қилишларини таъкидлашган. Самарқанд шаҳридаги экспертлар кутубхона ишини етарлича фаол, деб ҳисоблашган. Қарши шаҳридаги экспертлар ахборот-кутубхона муассасалари «тўғри йўналишда ишлаётганини, уларда ҳам шундай кутубхона бўлишини исташларини» қайд этишган.

Тадқиқот натижасига кўра, умуман олганда, ахборот-кутубхона комплексининг профессор-ўқитувчи ва талаблар эҳтиёжларига мутаносиблигини аниқлашга имкон бериб бу ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларига кўра, муайян муаммолар аниқланди. Респондентларнинг жавоблари асосида қуйидаги хулосалар қайд этилган:

1. Олий таълим тизимидага ахборот-ресурс марказлари талабалар онгида муҳим роль ўйнайди ва аҳолининг барча

қатламлари учун талабгир.

2. Ахборот-ресурс маркази фондидан китобларни уйга олиб кетиб ўқиш кўрсатилаётган хизматларнинг энг оммавийси эканлиги респондентлар томонидан таъкидланди.

3. АРМдан фойдаланувчилар учун замонавий ва инновацион хизматлар маданий-маърифий тадбирларнинг, (янги келган китоблар кўргазмалари, тақдимотлар ва ҳ.к.) муҳимлиги аниқланди.

Натижаларга кўра, кутубхоналарга қуйидагилар зарурлиги таъкидланган:

1. Китоб фондини бутлашда фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини босқичма-босқич ўрганиб бориш, уларнинг талабларини эътиборга олиш зарур.

2. Анъанавий фаолиятни янгилаб, инновацион тадбирларни мунтазам қўллаш.

3. Кутубхона хизматларини сифатли реклама қилиб, унда алоқа воситалари ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш.

4. Кутубхоналарда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш шароитларини яхшилаш керак.

Тахлил натижаси мунтазам ўзгариб турувчи ижтимоий-маданий муҳитда кутубхоналарнинг реал ўрнини англаш имконини берди. Бундай тадқиқотларни доимий олиб бориш таклиф қилинаётган хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, уларни аҳоли эҳтиёжларига мослаш заруратини юзага чиқармоқда. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун кутубхоналар сайтида махсус рубрикалар яратиш керак. Бу ҳолат унда қайтма алоқа ёрдамида фойдаланувчилар фикрини ўрганиб бориш имконини беради.

Бундан ташқари, бугунги кунда кутубхоналар ҳақиқатдан ҳам ресурс марказларига айланмоқда, чунки уларда кутубхонанинг функционал вазифаларидан бошқа: Интернетда ишлаш, нусха кўчириш, хуллас, барча имкониятларни яритиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун кутубхоналарнинг техник ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш зарур. Энди, кутубхоначи ходимлар нафакат китоб билан ишлаш, балки замон билан ҳамнафас ҳолда дастурий таъминотни ҳам билиши, ижтимоий тармоқлар билан ишлай олиши лозим. Бунинг учун кутубхона ходимлари ўз малакаларини доимий равишда ошириб бориши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сонли Қарорининг 1-илоvasи билан қабул қилинган «2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси»да қайд этилганидек, «Жамиятда юксак маънавий кадриятларнинг қарор топиши ахборот-кутубхона муассасалари олдига шахсга этиборни кучайтириш, унинг умуммаданий даражасини ошириш, маънавиятини юксалтириш, одоб-ахлоқ жиҳатдан тарбиялаш каби вазифаларни қўяди»¹⁴⁰.

Бугунги кунда ахборотлашган жамият сари ривожланиб борар эканмиз, ҳар бир инсон атрофида ахборот оқимларининг жамланмаси шу қадар катта, хилма-хил ва тармоқлашганки, у ахборот муҳити қонунларини билиши ва ахборот оқимларини ҳаракатлантириш қобилиятига эга бўлиши лозим. Умумий маданиятнинг бир қисми бўлган ахборот маданияти инсон ижодий қобилиятлари йиғиндисиде намоён бўлади.

Шунингдек, ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрнини янада ошириш талаб этилмоқда. Бу маълум маънода билим ва кўникмаларни оширган ҳолда бўш вақтдан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб, салбий ахборот алмашинувининг объекти ва субъектига айланмаслик учун замин яратади. Шундай қилиб, ахборот маданиятини ўзлаштириш бу яхлит тизим ҳисобланиб, бир нечта компонентни ўз ичига олади. Бунда техник ва технологик, компьютер саводхонлиги билан бир қаторда, шахсий, касбий, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ахборот алмашинуви маданиятида қўлланиши шахс ахборот компетенциясининг юксалишига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистон ёшларида ахборот алмашинуви маданияти ҳамда ахборотдан унумли ва тизимли тарзда фойдаланиш ҳолатини босқичма- босқич социологик тадқиқ қилиш, муаммони ечишнинг самарали йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш давр талабига айланган.

¹⁴⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ- 4354-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4372449>

Учинчи боб бўйича хулосалар

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, замонавий оммавий ахборот-коммуникация воситалари технологик имкониятларининг самарадорлигини янада ошириб, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўткази олиш даражасига чиқди.

Ўтказилган тадқиқотда ёшлар ўртасида ахборот алмашинуви маданиятидаги ўзгаришлар жараёни таҳлил этилди. Шунингдек, бу жараёнга таъсир этаётган омиллар ва воситалар аниқланди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда куйидаги масалалар ўз долзарблигини йўқотмаган:

1. Ҳозирги кунда жамиятдаги ҳар қандай соҳа ахборотлар алмашинувисиз ўз фаолиятини ташкил эта олмайди. Шундай экан, ахборот оқимларини турли мақсадда йўналтирувчи субъектлар доимо динамик ҳолатда фаолият кўрсатади. Субъектлар томонидан ўз мақсадларини амалга оширишнинг турли восита, усул ва технологияларидан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Ушбу жараённинг бевосита нишонига айланиб бораётган инсон ва унинг тафаккури кўплаб ахборот оқимлари таъсирига тушиб қолиш эҳтимолини оширмоқда. Бу жараёнда шахсда ахборот саводхонлиги ва маданиятининг мавжудлик ҳолати юзага келиши мумкин бўлган салбий контекстдаги ахборот алмашинуви комбинациясига чек қўяди.

2. Ахборот коммуникациялари ижтимоий ҳодисаларни келтириб чиқариш ва уни бошқаришда муҳим роль ўйнаётганлиги алоҳида эътиборга молик. Ахборот коммуникациялари орқали нафақат маълумотлар алмашинуви, балки фикрлар, ҳислар ва турли баҳо беришлар каби ахборот таъсирлари амалга оширилмоқда.

3. Миллий контентни, давлат тилидаги ахборот ресурсларини яратиш ва тарғиб қилиш, ёшлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, уларни етарли таълим, илмий-маърифий ахборот ресурслари билан таъминлаш ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур бўлади.

4. Ахборот кишининг интеллектуал ҳамда психоэмоционал ҳолатига таъсир этиб, унинг ижтимоий ўзгаришига замин яратади. Бунда ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш борасида ўзига хос меъёрий талабларни ишлаб чиқишда мамлакатдаги ижтимоий

ва инновацион модернизациялашув тенденцияларини пухта хисобга олиш зарур. Шунингдек, ахборотдан гуруҳ тарзида фойдаланишда янада янги шакллар пайдо бўлаётганини инobatга олиб, бундай шарoитда гуруҳдаги ички муҳит ва ундаги таъсир кучларининг муайян бошқа гуруҳ аъзоларига ахборотни ижобий мақсадларда сингдириш орқали ижтимоий эътиборни кучайтириш лозим.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, жамият аъзоларининг ахборот ва ундан фойдаланиш маданиятини ошириш, ахборотларни солиштириш, таҳлил этиш ва кейин хулоса чиқариш тавсия этилади.

Моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, бугун кенг жамоатчиликка, айниқса, серҳаракат ёшларга тезкор ахборот зарур. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний ахборотга эга бўлиб боришни истайдилар. Шундай экан, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи қанчалик тўлақонли қондирилса, улар четдан кириб келувчи салбий ахборотларга шунча камроқ диққат қаратадилар. Яъни ҳар куни етарли даражада ахборотга эга бўлган шахс четдан келадиган ахборотларга деярли эътибор бермайди. Мабодо, ишончсиз ахборотга дуч келиб қолса ҳам, унинг таъсирига тушиб қолмайди. Демак, жамиятнинг тўлақонли ахборотлашиши амалда одамларни бузгунчи ғоялардан ҳимоялашга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида олинган натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг мавқеини ошириш, кутубхоналарда тарғибот-ташвиқот ишларини кўпайтириш, фойдаланувчилар талабидан келиб чиққан ҳолда ахборот-кутубхона муассасалари фондиди тўлдириш ва таъминлаш лозим.

2. Замонавий жамиятда бир нечта хорижий тилларда эркин гаплаша олаётган ёшларимиз, илмий-таълим онлайн ахборот ресурсларидан муаммосиз фойдаланаётганлиги, ёшларимизнинг билим олишида илмий-таълимий ресурслардан оқилона фойдаланишни ахборот алмашинувининг ижобий томонлари сифатида қайд этиш мумкин.

3. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ахборот-кутубхона муассасаларида ҳодимларни жаҳон стандартлари асосида малакаси ошириш тизимини жорий қилиш, ушбу муассасаларда турли

учрашувлар, мулоқот доиралари, китобхонлик ёки бошқа билимдонлик бўйича интеллектуал мусобақалар ташкил қилиш лозим.

4. Минтақавий, вилоят, туман маданият марказларини модернизация қилиш, ижтимоий кам мослашган аҳоли қатламларига ёрдам бериш учун ахборот марказларини жорий этиш, инклюзивликни инобатга олган ҳолда турли маданий дам олиш дастурларини яратиш, маданиятни юксалтириш учун мотивация тизимини яратиш, энг яхши халқаро амалиёт тажрибасига асосланган ахборотдан фойдаланиш миллий Ахлоқ кодексини шакллантириш лозим.

ХУЛОСА

Ижтимоий тизимни модернизациялаштириш жараёнида ахборот алмашинуви маданияти муаммосининг илмий-амалий таҳлили натижасида куйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

биринчидан, ижтимоий тизим ижтимоий гуруҳ ва қатламлардаги шахслараро муносабатлар асосида юзага келиб, уни ташкил этувчи элементлар алмашинув қонуниятлари асосида ўзаро бир-бири билан боғланиб, тизимнинг доимий ҳаракатини таъминлайди. Сўнги йиллардаги ўзгаришлар натижасида ҳамда ахборотлашган жамият элементларининг пайдо бўлиши билан жамиятдаги функционал жараёнлар, ижтимоий муносабатлар трансформацияси, шахс ва гуруҳларнинг социал мобиллиги, қадриятлар тизимидаги ўзгаришларни ижтимоий тизимнинг модернизациялашуви жараёни талаб этган. Шунингдек, жамият модернизациялашувининг ахборот алмашинуви кўлами, ахборотнинг мазмуни, суръати, ахборот узатиш ва қабул қилиш воситалари каби жиҳатларга бевосита боғлиқлиги намоён бўлмоқда;

иккинчидан, ижтимоий тизимни модернизациялаштириш жараёнида ахборот алмашинуви жараёни таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, замонавий тенденциялар, хусусан, ижтимоий инновациялар ва технологияларнинг кириб келиши билан тизимнинг янги хусусиятларга мослашиши зарур бўлади;

учинчидан, ахборот алмашинуви социологик категория сифатида тизимли тадқиқ этилиб, унинг таърифи шакллантирилди, мазкур жараённинг мазмуни ва хусусиятлари тавсифланди. Тадқиқотимиз объекти бўлган «ахборот алмашинуви» тушунчаси, унинг «мулоқот» ва «коммуникация» каби категориялар билан алоқадорликлари асосланди. Ахборот алмашинуви коммуникациянинг ҳам, мулоқотнинг ҳам марказий хусусияти эканлиги туфайли бу категорияларни тушунтириш, изоҳлаш борасида, табиий равишда, хилма-хилликлар келиб чиқди ва бир қатор ёндашувлар асосланди;

тўртинчидан, жамиятнинг ахборот маданияти унинг аъзолари томонидан ахборот ресурсларидан фойдалана олиш қобилияти, шахсий ҳаёт фаолияти ва жамиятнинг тараққий этиш манфаатлари учун ахборот технологияларини қўллай олиш қобилияти шаклланганлиги билан характерланади. Ахборот оқимида эркин

ҳаракатланиш учун шахс умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида ахборот саводжонлиги ва маданиятига эга бўлиши долзарб аҳамият касб этади;

бешинчидан, ҳозирги глобаллашув шароитида шахснинг камолоти ва унинг фаолияти тараққиёти, пировардида, жамият тараққиёти ҳам ўзаро ахборот алмашинув жараёнларининг қай даражада самарали ташкил этилиши ва кечишига боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнлардаги мулоқот ва коммуникацияни ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириш замонавий жамиятнинг қадриятлари сифатида намоён бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, таълим ахборот олиш маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, таълим олиш тизимидаги ривожланиш ва ҳар бир кишини самарали тарзда ахборот воситаларидан фойдалана олиши жамиятнинг юксалишига сабаб бўлувчи омил сифатида баҳоланади;

олтинчидан, мамлакатимиздаги модернизация жараёнлари, мафкуравий курашлар ва ахборот босими кучайиб бораётган мураккаб глобаллашув даврида фуқароларимизнинг мазкур жараёнга масъулият билан, онгли муносабатини шакллантириш, мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ва унга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга нисбатан фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мафкуравий соҳадаги муҳим вазибалардан биридир;

еттинчидан, замонавий жамиятда ахборотлар оқимининг кенгайиши, ахборот алмашинувининг жадаллашуви ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнини мураккаблаштириб, ёшларнинг ижтимоийлашуви анъанавий омиллардан ташқари, виртуал олам таъсири остида кечишига замин яратиши модернизациялашаётган жамиятда ахборот алмашинувининг долзарблик аҳамиятини оширди.

Ахборот маданияти бугунги кунда инсондан янги компетентликни, жумладан, ахборот-коммуникация мулоқотини ташкил этиш, ахборот муҳити билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, мослашувчан ижтимоий технологияларни қўллаш кўникмаларини эгаллашни талаб қилмоқда. Диссертация доирасидаги тадқиқот натижалари ҳамда юқорида таъкидланган хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириш мумкин:

– ёшлар ўртасида ахборотга нисбатан дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиш;

– ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ахборот саводхонлиги бўйича йўриқнома ва стандартларни ишлаб чиқиш, узлуксиз таълим тизимини жорий қилиш;

– ахборот алмашинуви маданиятини оширишга оид тадбирларни изчил равишда йўлга қўйиш;

– ахборот алмашинуви тезлашган бир пайтда ахборотлашган жамиятнинг Интернет мулоқоти бўйича меъёрий ҳужжатларни кўпайтириш;

– ёшларнинг фан ва таълимга оид ресурсларнинг аналитик базаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

– таълим сифатини оширишда узлуксиз маънавий тарбия ва ахборот саводхонлиги бўйича факультатив дарсларни ташкил этиш;

– ёшларда ахборот алмашинуви маданиятини шакллантиришда дахлдорлик туйғусини кучайтириш;

– миллий илмий таълимий ресурслар базасини шакллантириш ҳамда олий таълим муассасаларида жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш методикасини яратиш;

– вазирлик ва идоралар, ННТ, жамоат ташкилотлари илмий текшириш институтлари ва марказлар ҳамда олий таълим муассасалари ва ОАВ билан ҳамкорликда ахборот олиш маданияти ва саводхонлиги борасидаги маълумотлар алмашинуви платформаси ишлаб чиқиш.

Юқорида билдирилган тақлиф ва тавсиялар ижтимоий тизим модернизациялашуви шароитида ахборот билан мақсадли ишлаш, ахборотни расмий қўлга киритиш, уни илмий услублар ёрдамида қайта ишлаш, ўз вақтида узатиш, замонавий воситалар ҳамда усулларни қўллай олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиш ҳамда ғоявий-психологик асосларини аниқлаш борасидаги долзарб вазибаларни бажаришда муҳим ўрин тутди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғриси”ги 439-II-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080-сон Фармони; 3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборатлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-117-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сон қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати» ги 406–сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2016. № 24.

7. Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сон Фармойиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПҚ-5106–сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 27. – Б.13.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ЎРҚ-444-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 37.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги ПҚ-3271-сонли Қарори. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент. 2017. № 38. –Б.5.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3276-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 38. – Б.21.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5148-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. № 33.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 21 ноябрдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4024-сонли Қарори. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ- 4354- сон Қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 25 январь. 17. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола .– Тошкент: Маънавият, 2017. – Б.190

18. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

19. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 488 б.

22. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир./«Халқ сўзи», 2016, 2 ноябрь, 216 (6651).

23. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови./«Халқ сўзи», 2016, 8 декабрь, №243 (6678).

24. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураемиз./«Халқ сўзи», 2016, 15 декабрь, №247 (6682).

25. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008,—173 б.

26. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат./«Халқ сўзи», 2015, 6 декабрь, №236 (6419).

II Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

27. Абдуазимов О Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситасининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида): Монография. – Тошкент:Фан ва технология, 2016. –352б.

28. Алешин Л.И. Гуманитарная информатика: аспекты проблемы // Технологии информационного общества – Интернет и современное общество: труды VI Всероссийской объединенной

конференции. СПб, 3 - 6 ноября 2003г. – СПб.: СПбГУ, 2003. –С. 1-3.

29. Арипов А.Н. Закономерности и тенденции формирования информационного общества: материалы научно-методического семинара. – Тошкент, 2013.

30. Ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникацияларнинг замонавий муаммолари ва ечимлари республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. II қисм. – Фарғона, 30-31 май 2019 йил – Б.6.

31. Атаян А. Информационная культура личности в условиях информатизации общества // Бюллетень ВИУ. 2001. Вып. №1(7). 09.2004г.

32. Вохрышева М.Г. Информационная культура в системе культурологического образования специалиста // Проблемы информационной культуры: сб. статей. – М.: 1994. – С.117-124.

33. Вебер М. О некоторых категориях понимающей социологии // Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – С.49

34. Гречихин А.А. Информационная культура: опыт определения и типологического моделирования // Проблемы информационной культуры: сб. статей. – М.: 1994. – С.12-39.

35. Гендина Н.И. Специальная цель и ответственное задание для школьной библиотеки: формирование информационной культуры учащихся // Школьная библиотека.- 2004. – № 4. – С.33.

36. Иноземцев В.Л. Перспективы постиндустриальной теории в меняющемся мире // Новая индустриальная волна на Западе: Антология. – М.: Academia, 1999.

37. Ловцов Д.А. Информационные войны. // Полис. 2012. №4. – С.24-25.

38. Людвиг фон Барталанфи Общая теория систем – критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. – М.: Прогресс, 1969. – С.23-82.

39. Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международный и российский подходы к решению проблемы // Проблемы образования. – №5–2007. – С.58-69

40. Медведева Е.А. Информационная культура как предмет преподавания в системе высшего образования // Информатизация и

проблемы гуманитарного образования: межд.науч.конф.: тезисы докл. – Краснодар,1995. – С.67-68.

41.Никулина Ю.В. Цифровая демократия и электронное участие в информационном обществе // Философско-гуманитарные науки : сб. науч. стат.-Минск:РИВШ,2016. –С.97-104. –Вып.15.

42.Очерет Ю. Формирование информационной культуры личности в условиях информационно-библиотечных учреждений. //Информационная культура в контекстеновой парадигмы образования: проблемы, поиски, решения. – Кемерово: ОбЛИУУ, 2001. –С.150

43.Парсонс Т. Социальные системы // Вопросы социальной теории. 2008. Т. 2. Вып. 1(2).–С. 42.

44.Поликанов А. А.К вопросу об определении молодежи как социальной категории // Социальное управление и молодежь. Вып. II. – М.,1969. – С.70-71.

45.Резаев А.В., Трегубова Н.Д. Социология общения в поле социальных наук // Социологическое обозрение, 2017, № 2.– С.133-138.

46.Степин В.С. Саморазвивающиеся системы и постнеклассическая рациональность // Вопросы философии. – Москва,2003.– №8.– С.12.

47.Сагатовский В.Философские основания педагогической деятельности // Вестник высшей школы, 1987. – № 1.

